



**Jamoatchilik kengashi raisi:**  
Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**  
Akramjon ADIZOV  
Feruz MUHAMMADJONOVA  
Abulqosim MAMARASULOV  
Ahmad OTABOYEV  
Minhojiddin MIRZO  
Shuhrat SIROJIDDINOV  
Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir:**  
Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari:**  
Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib:**  
Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**  
Bobur ALIMOV  
Iqbol MIRZO  
Abduqayum YO'LDOSHEV  
Abdusaid KO'CHIMOV  
Sirojiddin SAYYID  
Alisher NAZAR  
O'rozboy ABDURAHMONOV

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA  
**Rassom:** Dadaxon BAHODIROV

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Manzilimiz:**  
Toshkent, sh.  
O'zbekiston shohko'chasi, 16-«a» uy.  
**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru  
**Tel/faxc:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552



© "Yoshlik" № 2 (243) 2011 y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
muassisligidagi yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali  
1982 yildan chiqqa boshlagan.

## MUNDARIJA

<b>BUGUNNING GAPI</b>	
Iqbol MIRZO. Davr dasturilamali. ....	2
<b>ADIB XONADONIDA</b>	
Sayfiddin RAFIDDINOV. Adabiyot – ruhiyat mulki. ....	4
<b>NAZM</b>	
Halima AHMEDOVA. Ko'zimda uxlagan quyoshni uyg'ot. ....	8
Bobomurod ERALI. Boysun archazorlari. ....	32
Ismoil Mahmud MARG'ILONIY. Qoldi g'aflat ichra dil. ....	44
Abdug'ofur MAMATOV. Bahor ranglariga to'lmoqda borliq. ....	55
<b>NASR</b>	
Omon MUXTOR. Amir Alisherning dardi. ....	16
Otauli. Ikki hikoya. ....	35
Ashurali JO'RAYEV. Hayot nafasi. Hikoyalar. ....	48
<b>MULOQOT</b>	
Ibrohim G'AFUROV. Beshinchi unsur. ....	11
<b>BARKAMOL AVLOD SO'ZI</b>	
Mashhura ESHMAMATOVA. Iftixor tuyg'usi. ....	34
<b>SIYMO</b>	
Dilnavoz RAHMATOVA. Shoh va shoir. ....	46
<b>TADQIQOT</b>	
Shahlo BOTIROVA. Ruhiyat taftishi. ....	61
<b>MUTOLAA</b>	
Akmal SAIDOV. Durga do'ngan qatralar. ....	56
<b>SO'Z MAS'ULIYATI</b>	
Murodxon ERGASHEV. Ikki maqolaga bir javob. ....	52
<b>JAHON HIKOYACHILIGI</b>	
Genrix BYOLL. Chaqirilmagan mehmonlar. Hikoya. ....	58
<b>BIR SAVOLGA BIR JAVOB</b>	
Akmal SAYYID. Inson kim? ....	62
<b>BIRINCHI UCHRASHUV</b>	
Go'zallikdan shodlanar dillar. ....	63
<b>YELPUG'UCH</b>	
Ajabo-o! ....	64

Bosishga 02. 03. 2011 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 8,7. Indeks 822. ISSN 0207-9137.

Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik» dan olindi» deb izohlanishi shart.

G'afur G'ulom nomidagi NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 79. Adadi 6087 dona.  
100128, Toshkent sh., Shayxontohur ko'chasi, 86-uy.



**Иқбол МИРЗО,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси  
ўринбосари

## ДАВР ДАСТУРИЛАМАЛИ

Мустақил Ўзбекистонимиз ривожланган демократик давлатлар сафига жадал интилаётган ҳамда бу йўлда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаб, аҳолисининг турмуш фаровонлиги ортиб бораётган навқирон ва айни пайтда буюк кўҳна тарихга эга максандр. Юртимизда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилди, маъмурий буйруқбозлик, режали тақсимот тизимидан воз кечилиб, “Ўзбек модели” дея танилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳавас билан тан олинган миллий тараққиёт йўлини босиб ўтмоқдамиз. Осонгина айтилаётган бу гаплар замирида қарийб йигирма йил давомида амалга оширилган залворли ишлар турганини муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузаси билан танишган одам янада теранроқ ҳис этади. Юртбошимиз эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка берилиш оқибатида тараққиётдан узилиб қолиш хавфи юзага келишини таъкидлаб ўтди ва келгусида қилиниши зарур бўлган вазифаларни аниқ белгилаб, муҳим йўналишларга оид истиқболли таклифларини баён этди. Бу таклифлар давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини, ахборот соҳисини ислох қилиш, ахборот ва ғоя эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштиришдек ўта долзарб йўналишларни қамраб олганки, мазкур соҳалар ривожини очик демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевор вазифани ўтайди.


Юртбошимизнинг ушбу маърузаси узоқ йиллик олижаноб мақсадларни ўзида мужассам этган мукамал концепция сифатида кўплаб соҳалар қатори оммавий ахборот воситаларига оид ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга, журналистлар фаолияти эркинлигини таъминлашга беқиёс ҳисса кўшади. Аслида ОАВ фаолиятини демократлаштириш масаласи давалатимизнинг, айниқса, Президентимизнинг ҳамisha диққат-эътибор марказида бўлиб келган. Фикримиз исботи сифатида жорий йил бошида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма Мажлисини ёдга олиш кифоя. Президентимиз ўша Мажлисда сўзлаган “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номи маърузасида: **“Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислохотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор”**, дея таъкидлаган эди. Тўғри, бугун мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига хизмат қиладиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. ОАВни эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу қонунлар



такомили ОАВнинг фаол муаллифлари сифатида ёзувчи-шоирларни ҳам руҳлантиради. Ҳуқуқий асос қанчалик мустаҳкам бўлмасин, қалам аҳли мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана билмаса, касбий маҳоратини мунтазам ошириб бормаса, энг муҳими, ўзининг мустақил фуқаролик позициясини намоён эта олмаса, кўзланган мақсадларга эришиш ҳақида гапир-иш бефойда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарвар ислохотларни ёритишда ижодкорлар фақат қайдлар тарзидаги материаллар билан чекланмасдан, халқ ҳаётида, керак бўлса, ҳар бир фуқаро ҳаётида, тафаккурида қандай ўзгаришлар рўй бераётганини аниқ далил ва таъсирчан усулларда ифодалаб, таъсирчан ва долзарб асарлар яратишлари зарур. Бу, айниқса, юртимизда вояга етаётган фарзандларимизнинг маънавий камоли учун ҳам аҳамиятлидир. Юртбошимизнинг мамлакатимизда болалар спортини янада ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган маърузаларида шундай дейилган: “XXI асрда ҳам

жисмоний, ҳам маънавий етук, интеллектуал бойликка эга бўлган авлод ва халқгина жаҳон миқёсидаги бугунги кескин мусобақада ғолиб бўла олади”. Бу талабни бугунги навқирон адабиётимиз олдига ҳам қўйиш мумкин. Аёнки, мазкур жараёнда фаол иштирок этиш учун адабларимизнинг касбий маҳорати билан бирга, кенг билими, таъбир жоиз бўлса, жасорати, шижоати керак.

Биз сўз юритаётган концепцияда кўзда тутилган барча ислохотларнинг бош мақсади – инсон олий қадрият эканлиги оғизда эмас, амалда тасдиғини топишини таъминлашга қаратилган. Аслида адабиётнинг ҳам асосий вазифаси инсонни тадқиқ этиш, тарбиялаш, яхшиликка чорлашдан иборатдир. “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” деган эзгу ғоя адабиётимизнинг бош мавзуси бўлмоғи керак. Ана шунда фидойи, қаҳрамон замондошларимизнинг ҳаққоний қиёфаларини яратишдек муҳим талабни адо этиш мумкин.







**Сайфиддин РАФИДДИНОВ**

## *Адабиёт – руҳият мулки*

Болалик – инсон умрининг энг покиза дамлари. Ҳасаду адоватдан йироқ, дунёнинг турфа ўйинларидан ғофил чоғлар... Ким билсин, балки инсон шунинг учун ҳам ёши ўтган сари болалигини соғинар, қўмсаб қолар. Бугун ёшим олтмишни қоралаб борар экан, ўша беғубор онларни эсласам, юрагим ҳапқириб кетади.

Эсимда, отамнинг тўрт-беш нафар дўстлари чоғ-роққина меҳмонхонамизда тез-тез йиғилишарди. Кеч-қурунлари алламаҳалгача қизиқ-қизиқ суҳбатлар бўларди. Мен ҳам бир бурчақда уларнинг гапига гоҳ тушиниб, гоҳ тушинмай ўтирардим. Энди ўйласам, бу кишилар ниҳоятда саводхон зотлар бўлган экан. Чунки уларнинг суҳбатлари шунчаки олди-қочди гаплар эмасди. Улар Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Аллоҳёр сингари буюк алломаларнинг қўлёмаларини ўқишар, таҳлил қилишарди. Уларнинг Яссавий ҳикматларини ўқиб йиғлаб ўтирганларини бир неча бор кўрганман. Албатта, мен у пайтларда ёш бола эдим. Бу кўз ёшлар боисини тушунмасдим.

Орадан йиллар ўтди. Ёшим улғайган сари “меҳмонхона суҳбатлари”нинг асл маъносини англай бошладим. Англаганларим эса мени адабиёт аталмиш сирли бир даргоҳга етаклади. Менда китоб ўқишга қизиқиш уйғонди. Минг шукрки, бу қизиқиш ҳамон тарк этгани йўқ. Хуллас, оила муҳити мени адабиёт ва ижод томон бошлади.

Илк шеърий машқларимни ўқувчилик йилларида ёзганман. Бир сафар туман газетасида “Қишлоғим” деб номланган шеърим босилиб чиқди. Ўша пайтда қувончдан қанот чиқариб учиб кетай деганман. Чунки бу менинг илк марта ижод завқини туйишим эди. Ора-

дан бир неча йил ўтиб Мавлоно Атойи шеърятига бағишланган дастлабки китобим “Мажоз ва ҳақиқат” рисоласи чиққанда ҳам мана шу ҳиссиётни туйганман. Рост, букитоб ҳақида жуда яхши фикрлар билдирилган. Кейинчалик адабиёт, тил ва миллий қадриятларимиз ҳақида бир қатор мақолаларим чоп этилди.

Ўрни келганда айтиб қўйишим керакки, ўқувчилик йилларида шеър ва мақолаларимга тумани газетаси ходимлари Шарофжон Орифий, Бозор Номозов ва Неъмат Арслонов каби ижодкорлар яқиндан ёрдам бериб, устозлик қилганлар.

Болалиқдан мумтоз адабиётга қизиқдим. Бу болада Яссавий ва Навоий девонларини севиб мутолаа қиладиган қўшнимиз Шайх Хуррамхон эшон бобо, шахрисабзлик Қори Абдулаҳад ва Файзулло Махсум (Равнақий) домлалар, шунингдек, бобомиз Шайх Абдусаломхон эшонлар илк устозларим бўлишган. Уларнинг ҳар бири Яссавий, Навоий, Сўфи Аллоҳёр ва Машраб каби зотларнинг мухлис ва муҳиби ҳамда улар изидан борган диёнатли олим, ориф ва таъбир жоиз бўлса, авлиё зотлар эдилар. Мен улардан “илм ва адаб” тушунчасининг уйғунлигини, комиллик ва ҳалоллик масъулиятини ўргандим. Кейинчалик адабиётшунос, манбашунос ва матншунос бўлишимга шу зотларнинг ҳиссаси беқиёс бўлган. Агар ўзимда бирор яхши фазилат пайдо қилган бўлсам, аввало, ана шу устозларнинг таълими ва баракотидан деб биламан. Шунинг учун ҳам бир умр улар олдида ўзимни қарздор деб ҳис қиламан...

Ёшлигимда гарчи моҳиятини тўла идрок этолмасам-да, шарқшунос олим бўлишни орзу қилардим.



Бунга эришмоқ учун ҳаракатларим ҳам бўлди. Бирок насиба бошқа томонда экан.

Тақдир тақозоси билан Самарқанд Давлат университетининг “Ўзбек ва тожик филологияси”да таҳсил олдим. Талабалик йилларим ҳам ўқиш ва изланишлар билан кечди. Шу йилларда хаттотлик санъатини ўргандим. Мақтаниш эмас-у, хаттотликда юксак натижаларни қўлга киритганман. Шунинг учун ҳам университетни тамомлашда “Араб ёзувининг турлари ва тарихи” мавзусида диплом иши ёздим. Буни қарангки, ўша йили университетга давлат имтиҳони кимиссияси раиси бўлиб пойтахтдан беназир адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов бордилар. Менинг диплом ишим Матёқуб аканинг диққатини тортди. У киши мени чақириб, замонавий ва мумтоз адабиётимиз хусусидаги фикрларимни эшитиб кўрдилар.

– Мабодо Тошкентга ишга таклиф қилсак, борасизми? – деди устоз синовчан тикилиб. – Пойтахт ўзига хос мактаб, у ерда ўқиш ва изланишга етарлича имконият бор.

Кутилмаган бу таклифдан саросимага тушиб қолдим. Чунки бу таклиф менга жуда катта масъулият юклаётганди. Мен келажакда бу ишончни оқлашим зарур эди.

Матёқуб ака диплом ишимни Тошкентга олиб кетди. Назаримда у киши бу ижодий ишни кимларгадир кўрсатган. Шундан кейин устоз билан ўртаимизда жиддий суҳбат бўлиб ўтди. У киши менга Тошкентга бориб, кимлар билан учрашиб, қандай муомала қилишимгача батафсил тушунтириб қўйдилар. Ана шу кўрсатмаларга асосан Тошкентга келдим ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига ишга кирдим.

Тошкент адабий ҳаёти мени ҳар жиҳатдан улғайтирди. Устоз Матёқуб аканинг ёрдами ва маслаҳати билан ана шу тарзда ҳаётим, турмуш тарзим бутунлай ўзгарди.

Институтдаги фаолиятимда ҳурматли олимларимиз Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Ёқубжон Исҳоқов ва Иброҳим Ҳаққулов сингари адабиёт муҳибларидан кўп нарса ўргандим. Хусусан, илмий ишимга раҳбарлик қилган таниқли олим Иброҳим Ҳаққулов том маънода устозлик қилдилар ва бизнинг адабий суҳбатларимиз, сабоқларимиз шу даргоҳда ҳамон давом этмоқда.

Ўтган йиллар давомида илмий-ижодий фаолиятимнинг маҳсули ўлароқ ўзимнинг уч-тўртта китобим нашр этилди. Араб, форс ва турк тилларидан ўн олти китоб таржима қилдим. Мумтоз адабиёт, фольклор, дин, тасаввуф, ахлоқ ва бошқа соҳаларга оид бўлган 25 китобни сўзбоши, изоҳ ва луғатлари билан нашрга тайёрлаб чоп қилдирдим. Кўплаб илмий ва бадиий мақолаларим даврий нашрларда ёритилиб бормоқда. Лекин бу ишлардан ҳали кўнгил тўлганича йўқ. Қилиниши керак бўлган ижодий ишлар ҳали олданда. Аммо ҳар доим шу кунларга етказгани ва шу хайрли ишларга муяссар қилиб қўйгани учун Яратган зотга шукроналар айтаман. Ва яна бир шукронам шуки, илм ва китобат ишларида менга ҳамфикр

ва ҳамнафас бўлган оилам бор. Ҳарқалай адабиёт ва шеърят ихлосмандлари турмуш ўртоғим шоира Зебо Раҳимовани яхши танишади. Икки нафар фарзандимиз: бир ўғил, бир қизимиз бор. Ўғлим Муҳаммад Содиқ Тошкент Ислон университетини ўтган йили тамомлади. Шу пайтгача баъзи китобларни ҳамкор бўлиб нашрга тайёрладик. Келажакда маданий меросимиз ва мумтоз адабиётимиз билан боғлиқ илмий тадқиқотлар қилиш режаси бор. Кейинги пайтларда даврий нашрларда беш-олти илмий ва маърифий мақолалари эълон қилинди. Ота ва устоз сифатида бу ютуқлардан мамнунлигим беҳаддир. Қизим Дилдора Хотин-қизлар мадрасасида таҳсил олди.

Бир сўз билан айтганда оиламизда адабий муҳит ҳукмрон. Шунинг учун ҳам болаларим асосан адабиётга ихлосманд бўлиб улғайишди. Ростки, мен бундан мамнунман. Зеро, адабиёт илм, фан, шеър, тарих, тил, маданият, қадрият, ўзлик, дин, эътиқод ва ахлоқдир. Шартли равишда айтиш мумкинки, бутун бани башарга, инсониятга тегишли адабиёт бор ва айни пайтда ҳар бир миллатнинг ўз адабиёти бор. Адабиёт бу миллат кўзгуси, руҳият мулки. Жамиятдаги ютуқ ва камчиликлар, ёмон ва яхши хулқлар, миллатнинг ўтмиш ва келажаги, тил ва қадриятлари, ўзлиги, диёнат ва эътиқоди, борингки ҳар бир жабҳадаги муомала ва муносабатлари ана шу адабиётда, энг сара асарларда ўз аксини топади. Миллатни дунё сахнасига олиб чиқадиган воситалардан бири шубҳасиз адабиётдир. Адабиётсиз жамиятнинг, миллатнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин. Инсон онг ва фикрсиз, ҳис-туйғусиз, руҳсиз, шуурсиз яшаши мумкинми? Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг тонгида буюк Абдулҳамид Чўлпон “Адабиёт яшаса – миллат яшар” дея бонг урган эди. Шоир мазкур фикрлари давомида ёзади: “Адабиёти ўлмагон ва адабиётининг тараққийсига чалишмаган ва адиллар етиштирмагон миллат охири бир кун хиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур. Муни инкор қилиб бўлмас. Инкор қилгон миллат ўзини инқирозда эканун билдурур”.

Мана, бу фикрларнинг айтилганига ҳам сал кам юз йил бўлди. Аммо Чўлпоннинг фикри ҳамон эскиргани йўқ. Бу давр ичида халқимиз кўп ташвишли кунларни бошдан ўтказди. Шўроларнинг сохта мафкураси халқ онгини ҳам, адабиётини ҳам маълум маънода чалғитди. Лекин барибир яхши шеърлар, яхши асарлар ёзилди. Адабиётимиз ўзига яраша муваффақиятларга эришди. Айниқса, мустақилликдан кейин бир талай ёшларимиз адабиёт майдонига ўз овози, ўз сози билан кириб келди ва жонажон юртимизнинг истиқлолини, у берган моддий ва маънавий неъматлар ҳақида баралла куйламоқда. Аммо бу саъй-ҳаракатларимиз ҳали етарли эмас. Жаҳон тан оладиган ва миллатни дунёга танитадиган асарлар ёзилиши керак. Буюк мумтоз адабиётимиз ёшларимиз томонидан тадқиқ этилиши лозим.

Шахсан мен адабиётда асрлар синовидан ўтган шеърый шакл ва мазмун давом этишини истардим. Навоий, Огаҳий, Сўфи Аллоҳёр, Машраб сингари улуғларимиз тарғиб қилган пок эътиқод, ҳалоллик ва



адолат замонавий адабий асарларимиз мазмунига ҳам кўчиб ўтишини истардим. “Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат” бор дейдилар. Ҳар бир шеър ва адабий сўз мана шу мезонга мос бўлиши керак. Навоийнинг ҳикматли байтларини ҳар қанча такрорласангиз ҳам кўнгилга урмайди. Бунинг сири нимада? Бунинг сири Навоий ҳазратларининг ихлос-эътиқоди ва пок муҳаббатидир.

Шоир ғазалларини ўқий туриб, қалбимиз мудом ҳайратлар ошёнига айланади. Бу ғазаллар гўё сўзлардан эмас, балки уста заргарнинг моҳир қўли билан бир игга тизилган гавҳарлардан, маржонлардан иборатдек туюлади. Билъақс, шоирнинг ўзи ҳам сўз аталмиш илоҳий неъматни шеърларида “сўз гавҳари” деб ифодалайди. Ҳали қоғозга тўкилиб улгурмаган шеърларини эса “ҳали кўнгил садафи ичига яширинган жавоҳирлар” деб атайди. Айтиш мумкинки, сўз таърифини ҳеч ким ҳазрат Навоийчалик маромига етказа олмаган.

Албатта, ҳазрат Навоий таърифида ҳар қанча ёзса кам бўлаверади. Бироқ бу ердаги асосий гап шуки, биз Навоийни ўрганишимиз керак. Биз Навоийни ўрганмасак, у зотни буюк дейишимиздан маъно қолмайди. Асрлар ўтса-да, Навоий камолот осмонида қуёшдек балқиб тураверади. Бу қуёшдан баҳраманд бўлиш эса ўзимизга тан.

Агар диққат қиладиган бўлсак, ўзбек мумтоз адабиётидан адабий жанрларни, ҳатто сўнгги йилларда тез-тез қулоққа чалинаётган замонавий модернизм унсурларини ҳам топишимиз мумкин. Гарчи ўтган асрнинг сўнгги чорагида оммалашган “модернизм” атамаси “энг янги”, “замонавий” деган маъноларни англатса-да, бу адабий ҳодиса йўқ жойдан пайдо бўлган эмас. Мисол учун, Атойининг ўнлаб ғазалларида модернизмнинг асосий хусусиятларидан бири символизмни кўришимиз мумкин. Демокчиманки, айрим адабиётшуносларимизнинг модернизмни фақат ғарбга хослаб қўйиши унчалик тўғри эмас. Ёки буни ғарб андозаси дея инкор этиш ҳам яхши эмас. Муҳими, қайси жанр ёки қайси услубда бўлмасин, ўқувчи руҳиятига ижобий таъсир эта оладиган асарлар яратишдир. Адабиётнинг яшовчанлигини янги услублар эмас, яхши асарлар таъминлайди.

Ахир Навоий ҳазратнинг арузда ёзилган ғазалларини инсоният беш юз йилдан бери ўқиб келади ва



завқ олади. Уларда инсон аталмиш мураккаб ва шариф хилқатнинг турфа ҳис-туйғулари, завқу шавқлари, орзуу армонлари энг нозик қирраларигача ўз ифодасини топган.

Маълумки, Навоий ҳазратлари шоирларни яхши ва ёмонга ажратган ва бошқалар айтган маъноларни такрорлашдан қайтарган. У киши “Ҳайратул аброр” достонининг “сўз таърифида”ги бобида назмнинг ўрни, шеърнинг шакл ва мазмуни ҳақидаги тўхталар экан, боб хотимасида шундай дейди:

*Бўлмаса эъжоз мақомида назм,  
Бўлмас эди Тенгри каломиди назм.  
Назмда ҳам асл анга маъни дурур,  
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.  
Назмки, маъни анга марғуб эмас,  
Аҳли маъоний қошида хўб эмас.  
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,  
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.*

Назаримда, шоирнинг бундай теран фикрлари ҳар қандай ғарбпараст модернчини ҳам беҳуда даъволардан қайтарса ажаб эмас.

Биз модерн адабиёти Ғарбдан кириб келган дейишдан олдин Шарқ адабиётида ҳам доимо янгиликка, “тоза мазмун”га интилиш ва тарғиб қилиш бўлганини эслаб қўйишимиз керак.

Ҳақиқий ижодкорлар ҳеч қачон қандайдир “изм”лар қолипига мослаб шеър ёки бошқа асарларини ёзмайдилар. Истеъдодли ижодкорларда илҳом қуйилиб келади ва шунда энг сара асарлари туғилади. Дейлик, Фахриёр ёки Баҳром Рўзимухаммадлар шеърятда, Назар Эшонқул насрда бирор шаклий ёки маънавий ўзгаришлар қилган бўлсалар бу ижоднинг табиати. Ижодкор ҳамиша изланишда давом этиши керак, бўлмаса у ўз қобиғида ўралашиб қолади. Қолаверса, бу ўзгаришларни китобхонлар қандай қабул қилади? Яхши қабул қилмаса, ундай модернчиликнинг нима кераги бор?! Абдулла Орипов ёки Муҳаммад Юсуфнинг халқона ва теран маъноли шеърларининг нега шайдоси кўп? Менимча, ҳар қандай ҳолатда ҳам аслидан узилмаган ва замонасидан орқада қолмаган шеърят яловбардор бўлади.

Шу маънода бугунги ўзбек адабиётини ривожлантириш учун аввало, жўн ва ўртамаёна асарларнинг илдиз отишини тўхтатиш керак. Начора, Абдулла Қаҳҳор айтганидек, “Адабиётга ўғри мушукка ўхшаб туйнукдан ошиб тушадиганлар ҳам бўлади”.

Яна бир муҳим масала, ҳазрат Навоий ва бошқа мумтоз шоирларимизнинг асарларини, халқ оғзаки ижоди дурдоналарини яна-да кенгроқ тарғиб қилиш йўлидан боришимиз лозим. Тан олишимиз керак, болаларимизга ўрта мактабларда мумтоз адабиётимиз кўнгилдагидек ўргатилмаяпти. Тўғрироғи, бу борада малакали кадрлар ва ўқув қўлланмаларимиз ҳам ҳали етарли эмас. Тасаввуфий рамз ва тимсоллар луғатини, шоҳ байту ғазаллар шарҳини кўпайтириш керак.

Шунингдек, бугун адабиётимизда таржима санъатига жиддий эътибор қаратмоқ эҳтиёжи ҳам мавжуд.



Чет эл адибларининг энг сара асарлари таржима қилинса, айни пайтда ўзбек адибларининг китобларини ҳам хориж тилларга ўгириш ишлари изчиллик билан амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди. Афсуски, ҳали бизда Навоий асарларини хориж тилларига профессионал тарзда таржима қила оладиган мутахассислар деярли йўқ. Демак, бу масалага жиддий эътибор қаратиш керакка ўхшайди.

Ўзувчилар уюшмасида пайдо бўлган ҳар бир бадиий асар кенг миқёсда, талабчанлик руҳи билан муҳокама қилиниши керак. Зеро, бу ҳол ижодга эндигина кириб келаётган ёшларга адабиётнинг эрмак эмаслиги ёки касб эмаслигини тушунтириш, улар билан ишлаш ва яқин муносабатда бўлиш, янги истеъдодларни кашф этишимизга йўл очади.

Мана шу хайрли ишларга имкон қадар ҳисса қўшиш ҳар бир адабиёт муҳибининг зиммасидаги бурчдир. Шу маънода камина ҳам дафтаримга бир қатор режаларни қоралаб қўйганман. Гап энди уларни амалга оширишда. Жумладан, ушбу йилда “Ўзбек адабиётида қаландарлик” мавзусидаги докторлик ишимни охирига етказишим керак. Айрим мумтоз адабиётимиз

вакилларининг беназир асарлари ҳали қўлёзма ҳолида турибди. Уларни нашрга таёрлаш, араб ва форс тилларида битилган асарларини таржима қилиш лозим. Бу хусусда ҳам ўзига хос режаларим бор.

Хаттотлик, хат санъати бўйича ҳам бир қанча маълумотлар йиққанман. Уларни китоб ҳолида жамлашим керак. Шунингдек, ўйлаб қўйган бадиий қисса ва хотиралар ёзиш ниятим бор. Келажакда Навоий асарларини шарҳлаш, имкон қадар содда қилиб тушунтириб бериш асосий орзуларимдан бири.

Атоқли шоиримиз Огаҳийнинг “Таъвизул ошиқин” девони тўлиқ ҳолда нашр бўлмаган. Мен бу девонни энг ишончли қўлёзмадан кирилл алифбосига табдил қилиб чиқдим. Уни охирига етказиб, бу йил нашр қилиш ниятидаман. Ажабмас, мустақиллигимиз шарофатидан Огаҳий бобомизнинг мукамал асарлар тўплами нашр этилса.

Хуллас илм, ижод деганлари бу ҳаёт билан, инсонлар билан, турмуш ташвишлари билан боғлиқ ҳодисадир. Ана шу заҳматларга чидаб ижод қилиш барчамизга насиб этсин.


## ОЛИМ ҲАҚИДА

*Сайфиддин Рафиддинов – 1958 йил Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманига қарашли Темирчи қишлоғида таваллуд топган. 1987 йилда Самарқанд давлат университетининг Ўзбек ва тожик филологияси факультетини, 2001 йилда Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом маҳадини тамомлаган. Мумтоз адабиётни яхши биладиган, қўлёзма манбаларни пухта ўқий оладиган, араб хат турлари, форс ва араб тилларини биладиган адабиётшунос, манбашунос ва исломшунос олимдир.*

*У 1987 йилдан буён Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида ишлаб келмоқда. Институт аспирантураси ва докторантурасида ўқиган. 1994 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Атойининг поэтик маҳорати” мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилди ҳамда XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган машҳур шоир Маълано Атойининг Санкт-Петербургда сақланаётган ягона қўлёзма нусхасини кирилл алифбосига табдил қилиб, асл манбаси, сўзбоши ва изоҳлари билан нашр этди. Алишер Навоийнинг 20 жилдлик “Мукамал асарлар тўплами”нинг 17, 18, 19 ва 20-жилдларини нашрга тайёрлашда таржимон ва масъул муҳаррир сифатида фаол иштирок этди.*

*Илмий фаолияти давомида Сайфиддин Рафиддинов ўзининг 4 китобини эълон қилди. Мумтоз адабиёт, халқ оғзаки ижоди, ислом дини, тасаввуф, хусусан нақшбандийлик тариқати ва бошқа соҳаларга оид 16 китобни араб, форс ва турк тилларидан таржима қилиб, шунингдек, мазкур соҳаларга оид йиғирмадан ортиқ китобни сўзбоши, изоҳ ва луғатлари билан нашрга тайёрлаб чоп эттирди.*

*Унинг китоб ва мақолалари хорижда ҳам нашр бўлган. Олим Жазоир, Эрон ва Туркиядаги кўплаб халқаро илмий анжуманларда маъруза билан иштирок этган. 1998 йилдан Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмасининг аъзоси. Oilали, 2 нафар фарзанди бор.*





Ҳалима АҲМЕДОВА

# Кўзимда ухлаган кўёшни уйғотп



\* \* \*

Афсунгар юлдузлар рақсига боқиб,  
Туннинг дарёсига гарқ бўламан, гарқ.  
Сезаман, оламдан юзин ўгириб,  
Видолашмай,  
мени кимдир этар тарк.

Нафасим бўғилар туннинг тубида,  
Ой ҳам судралади лоқайд, бемажол.  
Дарахтлар жигига тегишин кўймай,  
Ҳануз ўйнаб юрар кўнгли ёш шамол.

Кунни ичиб кўйган сувлар оқар маст,  
Гуноҳлар тирилар туннинг қонида.  
Ногаҳон йўқолиб қоламан мен ҳам,  
Олис хотиралар тўполонида.

Ва кўзимни очар мискин бир “оҳ”да,  
Юрагимни чайнаб тугатган Орзу.  
Қисматнинг кўзидай қоп-қора тунда,  
Мени таҳрир қилар нуктадон қайғу.

\* \* \*

Бошдан оёғим нур,  
Бошдан оёғим –  
Шаффоф ҳаволарга кетдим чирмашиб.  
Агар менга боқсанг  
Шу лаҳза, Кўёш,  
Раҳиона кўзларинг кетар қамашиб.



«Согиниб яшадим...»  
Бу қандай калом?!  
Бошқа сўз на ҳожат,  
Шарҳга на ҳожат?  
Ҳаётни бошимга кўтариб бугун  
Қаёққа кетяпман бетоқат?

Минг йиллик зиндондан  
Чиққан маҳбусдай,  
Кўзим мунг либосин йиртиб ташлади.  
Ҳатто теграмдаги зулматли олам,  
Во ажаб,  
Нурларга дуна бошлади...

«Согиниб яшадим...»  
Нега бунча кеч?!  
Қисматнинг измига йўқдир ҳеч сабаб.  
Асрашга қодирдир наҳотки мени,  
Хазон газабидан  
Шу бир оғиз гап?!..

Бошдан оёғим нур,  
Бошдан оёғим...

\* \* \*

Жоним улоқади, маҳшар тунда,  
Исмин тополмаган гуноҳкор тандай.  
Яшаи ўша бўлса, яшамадим ман,  
Яшаи ўша бўлса, яшадим қандай?!



Руҳимни сўради гўзал видолар,  
Оёғим остига ғам тўшади тош.  
Ҳижрат кечасида дўзах ўтида,  
Мендай куйганмидинг, мукаррам қуёш?!

На бир шон истадим ва на бир шуҳрат,  
Кўксимга бош қўйиб ухлади ўлим.  
Узлат маъвосидан, шиқнинг зоридан,  
Хайрият, мен сени топдим-ку, ўғлим.

Самога айланиб бормоқда қалбим,  
Бунчалар яқинсан, эй олис ёрим.  
Боламнинг кўз ёши, кулгуси ҳаққи,  
Сенга тиз чўкаман, Парвардигорим...

Нечун безовтаман, ўғлим, бу кунлар?  
Мендан не сўрайди эртанинг бахти?  
Тунлар ухлатмайди ахир, шовуллаб,  
Кўзинг тубидаги соғинч дарахти...

\* \* \*

Санинг ишқинг билан бўлдим ривоят,  
Бошимга бу кўнгил келтирди офат.  
Ишқинг майи бирла бир жом тутибсан,  
Маним махмурлигим сенга маломат.

Ҳар зарра қатида соҳирмидурсан,  
Ўн саккиз минг олам айлар ҳикоят.  
Шамоллар сабрини емирадурсан,  
Кипригинг учида қуриб иморат.

Жоним торларини чертгин, эй ошиқ,  
Лайлисаро дилим уйғонса шояд.  
Ҳақиқа тош янглиғ тунда ёнарман,  
Мани ёнмоқлигим, айларми зорат?!

Манам бир дур эрдим денгиз тубида,  
Сўқирлар қўлинда бўлдим басорат.  
Кўзимда ухлаган қуёшни уйғот,  
Қоним ёнмоқдадир, ишқдин башорат.

Кел-эй, дил қонидан тотиб кўр сен ҳам,  
Ичмасанг қиёмат, ичсанг қиёмат...

\* \* \*

Эй, чархи шакарғуфтор,  
Дилтора-ю, ҳам айёр.  
Денгиз тубида ётган,  
Дурдона қани, кўрсат?

Шавқим ичида жоним,  
Ёнмоқда менинг қоним.

Ўчган ҳамма шаъмдонинг,  
Парвона қани, кўрсат?

Муғ дайри аро ҳайрон,  
Кўрдим-ки, кўнгил вайрон.  
Майхона хароб ўлмиш,  
Паймона қани, кўрсат?

Эй, тийри камони дил,  
Ҳам жумла жаҳони дил.  
Ишқим кўзида кулган,  
Девона қани, кўрсат?

Ҳасрат гулида пайдо,  
Лайлогамидинг шайдо?  
Эй, ошиғи афсунгар,  
Афсона қани, кўрсат?

Жаннатни кўрар дамда,  
Куйдим-ку жаҳаннамда.  
Қисмат фолида ойдин  
Пешона қани, кўрсат?

\* \* \*

Хаёл кечалари қисмат боғида,  
Ёлғизликда адашган манму?  
Аллоҳ, кафтларингда бир куни,  
Майса бўлиб эгиламанму?  
Ёмғир каби ёғилса жоним,  
Қароқларим бўлармикин жом?  
Тиг урилган бағрим қонига,  
Юрагини чаярму оқишом?  
Мен нур бўлиб ўпсам жимгина,  
Дил шаҳрининг эртақларини,  
Тилларида сўзлашаманму  
Онам қабрин чечакларини?  
Қушлар кўзин қорачиғида,  
Асир этиб кўмилган манму?  
О, жаҳаннам оташи, сандан  
Қочиб, санга интиламанму?  
Кўз ёш каби силқиган жонни  
Ичганида ичиккан дийдор,  
Дил қонидан ман сархуш ўлсам,  
Бандангманму, айт, Парвардигор?!  
Хаёл кечалари қисмат боғида,  
Ёлғизликда адашган манму?!

\* \* \*

Ҳеч бўлмаса сен шод бўлгин, эй рафиқ,  
Ортимдан тош отиб юрма, етар, бас!  
Ич, сенга асрадим, дилим қонидан –  
Кўзларимга тўлган кўҳна мусаллас.



Ҳеч бўлмаса бир бор қайғур, эй рафиқ,  
Мен билан қайғуни кўтар баробар.  
Асли сенга дея асраганим бу –  
Кўзларим тубида йиғлаган саҳар.

\* \* \*

Лабимдан артади муслима шамол,  
Ошиқ ёмғирларнинг ширин бўсасин.  
Мен эса тинглайман олма ҳидидан  
Анқиган севгининг қадим қиссасин.

Қачондир ишқ эдим нур бўлиб оққан,  
Дарахтнинг ёдида, гулнинг ёдида.  
Нега яшамадим, яшай олмадим,  
Мажнун наъраси-ю, Фарҳод додида.

Фурсат ўтиб кетди бир йўловчидек,  
Йўлин тўсолмади ҳаёту ўлим.  
Менга алам қилар, эсиз чириди  
Хазонлар остида олмадек кўнглим.

\* \* \*

Хўрсинма, мен хафа эмасман сендан,  
Кўзинг олиб қочиб бўлма хижолат.  
Қара, нигоҳларим шу қадар сокин,  
Бундай сокинлик бор ўлимда фақат.

Умримизнинг бевақт ёмғирларида,  
Ювилиб кетгандай ишонч ҳам, ишқ ҳам.  
Сенинг юрагингга қандай сизгайин,  
Мен икки дунёга сизмаган одам?!

\* \* \*

Кўнглимда тупроқнинг кўнгли бор эди,  
Рухимда фалаклар этар эди сайр.  
Мискин хаёлини қуёшда ювиб,  
Менинг кўзларимда ёнар эди дайр.

Кўнглимда оташнинг кўнгли бор эди,  
Қонимда ўйнарди ҳаётнинг қони.  
Созинч тонгларига исмимни қўшиб,  
Бир лаҳза тинмасди булбул забони.

Кўнглимда бор эди сувларнинг мавжси,  
Нухнинг қарғишидан қолгандим омон.  
Менга ниманидир эслатмоқчидай,  
Толе юлдузимни куйдирди осмон...

### Шавқона

Ҳой, девона, йўлдан қоч,  
Келади руҳи мастим.  
Бу дунёдан олгувчи  
Алашим бирла қасдим.



Ёлгон бахтдан воз кечган,  
Менинг андуҳпарастим.  
Келади Яратганга,  
Чўзилган узун дастим.  
Кўтар энди ниқобинг  
Ҳаёт, беҳуш аластим.  
Ўн саккиз минг оламга,  
Сизмаган бўйи бастим.  
Томирлари фалакнинг  
Томирига пайвастим.  
Келади жунун билан  
Май ичган руҳи мастим.  
Ҳой, девона, йўлдан қоч...

\* \* \*

Дўстларим кўп эди, ганимларим ҳам,  
Дўстлар каззоб чиқди, ганимим номард.  
Содда ишончимни яралаб кетди,  
Дўсту душманимдан ортиб қолган дард.

Ярадор ва фалаж ишончим билан,  
Яшайман оғриниб, яшайман оғриб.  
О, менинг теграмда кўз очган дунё  
Нақадан сўникдир, нақадар гариб.

Дилимга дил берган ҳақиқатларга,  
Энди ишонмайман, қаргаб ҳайдайман.  
Минг бор пуфласа ҳам илоҳий машишоқ,  
Бир садо чиқмаган куруқ найдайман.

Эй, олам томирин ушлаб билгувчи.  
Эй ягона Рафиқ, хокисор ҳабиб.  
Ўзинг айт, ярадор ишончим бугун,  
Даволай олади қайси бир табиб?

Дўстларим кўп эди, ганимларим ҳам...

### Тогда

Санъат асарини этар намойиши,  
Қўли гул ва моҳир сувлар нуртароши.  
Оламни қайтадан каишф қилар гўё  
Шабнам томчисида қамалиб қуёш.

Қушдайин енгилман, қушдайин озод,  
Исо нафасидек жонбахидир бу дам.  
Қайғуга бормайман энди ҳеч қачон,  
Тогнинг сабри билан ичаман қасам.


Сени жуда қаттиқ севганлигим рост,  
Ҳатто хаёлимда қилмай хиёнат.  
Бунда жарликлар кўп, йиқилиб кетмай,  
Қўлларимни қўйиб юборма, ҳаёт!







## БЕШИНЧИ ҲАҚИҚАТ



Ҳар қандай ғоя ўз фидоийлари билан тирикдир. Ана шу фидоийликнинг нечоғлиги ғоя умрини белгилайди. Бу ақида бевосита адабиётга ҳам тегишлидир. Шу маънода ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, адабиётшунос, мунаққид ва таржимон Иброҳим Ғафуров адабиётнинг том маънодаги фидоийларидан биридир. У туфайли ўзбек китобхони дунё адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд бўлди. Адабиётшуносликка оид юзлаб мақолалари орқали Навоийни англади, Ойбекни ўрганди, Достоевскийни таниди. Ўзбек адабиёти “Мансура” деб аталмиш янги бир жанр билан бойиди.

Сўнги йилларда Иброҳим Ғафуровнинг бир қатор диний-маърифий мазмундаги мақолаларини ҳам ўқишга муваффақ бўлдик. Буюк Қуръони карим оятлари қатидаги моҳиятлар, сўз жилвалари, маъно товланишлари закиблик билан тадқиқ этилди. Демак, ўқиш, ўрганиш, ўргатиш – сабоқ ҳамон давом этмоқда.

– Буюк мутасаввиф олим, “Шайхи Валитарош” бўлган зот Нажмиддин Кубро ҳазратлари “Фақирлик ҳақида” рисоласида ёзибдилар: “Умр ва дунёдан кўра тез ўтиб кетадиган, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узунроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан”.

Ҳазрат англамиш ана шу ҳақиқатлар уни руҳан мислсиз юксалтирди. У ўзи айтмоқчи моҳиятни илмдан, тафаккурдан топди ва бу фано даштидан соҳиби ҳикмат бўлиб чиқиб кетдилар.

Минг ваҳки, бу саодат ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бироқ бу саодатга интилиш, талпиниш ҳар кимнинг ўзига тан. Мен бир кишини сал кам йигирма йилдан бери кузатаман. У пойтахтимиздаги гавжум бекатлардан бирида яшайди десак ҳам бўлаверади. Унинг иши оддий: эрталабдан кечгача бекатда “Ипподиром... ипподиром... ипподиром” деб туради.

Мен бу кишини илк кўрган пайтларимда 25 ёшларда, бўй-баста келишган, тоғни урса талқон қиладиган йигит эди. Ҳозир ёши элликни қоралаб қолди. Елкалари чўкиб, юзларига ажин оралаб-

ди. Ажаб, шу одам бутун умрини “Ипподиром”га одам йўллаш билан ўтказиб юборди. Ўйлаб қоласан киши, агар бу киши эрталабдан кечгача “Ипподиром”нинг ўрнига “Илоҳий сўз”ни зикр қилганида 20 йиллик бу риёзатдан сўнг қип-қизил авлиё бўларди. Агар шу ўтган йилларини китоб титкилаш билан ўтказганида шу кунларда беназир олим бўларди. Ёки...

Хуллас, нима бўлганда ҳам бир умр ўтди. Инсонлар бир-бирига ўхшамагани каби умрлар ҳам турфа кечар экан-да.

Иброҳим ака, сиз ёзибсизки, “Ёшлигимдан ўзбек халқ достонлари, эртақлари, кўшиқларини қўлдан қўймайман”. Демак, бутун умрингиз китоблар ичида кечди. Сиз учун адабиёт тирикликнинг мазмунига айланди. Сиз бу кечмишдан бугун қанчалик розисиз?

– Ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмида ҳаёт бироз Ўзбекистонда ўнганган бўлса-да, лекин турмуш қашшоқликдан унча ҳам юқори кўтарилмаганди. Шунини яшириш учун Марказ репрессияларга зўр берган, халқнинг онгини уйғотиши мумкин бўлган фикрловчи кишиларни турли баҳоналар билан зулм ва

зўравонлик исканжасига олганди. Қашшоқлик деганим биз ўша зўравонлик йиллари бўйра ва намат устида дунёга келганмиз. У пайтлар қиш, баҳор, куз ойлари ёнғингарчилик кўп бўлар, сурункали давом этар, сомон сувоқли уйларнинг баридан уч ой чакка ўтиб ётар, шипга эски-тускидан чодир ясаб беш-олти жондан иборат бутун оила кафтдек қуруқ жой – у ҳам танчанинг устида жон сақлардик. То олтмишинчи йилларнинг бошигача уйларимизда гилам зотини учратмаганман. Кигиз ва намат бизни зах-намликлардан сақларди. Аммо атрофимиз бари бир-бирига туташ боғлар, кўкаламзорлар. Қичқириқ, Янгиариқ, Калковуз сувлари, маҳаллаларнинг ҳовузлари – кўзларимизни яшнатар, боғлар, кўкликлар йилнинг тўрт фаслида ҳам чиройли ва сербарака бўлар ва қашшоқлик боғлар туйфайли бизга билинмас, қашшоқлик бўлиб кўринмасди. Ҳаётда ибтидоий замонлар, ўрта асрлар ва атом бомбасини яшашга уринилаётган замон бари туташиб, бир-бирининг ичига кириб кетганди. Ҳозир ҳам инсоният яшаб ўтган ва яшаётган барча асрлар бир-бирига чамбарчас туташиб ётади, бир-биридан ажратиб бўлмайди. Энг замонавий одамларда, компьютер ва интернетдан баҳраманд кишиларда ҳам энг ибтидоий ҳиссиётлар, қарашлар жамулжамлигини ҳар қадамда кузатиш мумкин. Мен ҳозир ҳам ўша намат, ўша бўйра, ўша чаккаларни ҳеч унутолмайман. Улар гўдакликдан ҳиссиётларим, кўзларим, шууримга ўтириб, қаттиқ ўрнашиб қолган – эсламай деганда ҳам, доим ўзини эслатиб туради. Уруш пайтлари ва ундан кейинги йиллар маҳалламиз марказига – гузар демоқчиман, гузарларимиз, ҳовлиларимизга қора силлиқ картондан ясалган радиолар ўрнатишди. У тинмай гапирар, музыка чалар, пьесалар ўйнар, эски ҳофизларнинг кўшиқларини кўярди. Шунинг учун китобдан бурун ҳам радио қулоғимизга кирган. Ўн ёшимда китоб ўқий бошладим. “Ўқиш китоби”, Миркарим Осим, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, Фафур Ғуломнинг беназир шеърлари...

Китобга биров эрмак, биров овунчоқ, биров билим ва биров ҳаётнинг ҳикояси деб қарайди. Китобларда ёлғон гаплар ёзилади деб ўйлашади. Ёлғонликка ёлғон, лекин бир фарқи китобларнинг ёлғони ростдан яхши. Мен китоб ўқиш мақтанарли бир нарса деб билмайман. Одам нон ейиши, сув ичиши, ҳаво олиши билан ҳеч қачон мақтанмайди-ку, тўғрими? Аммо мен уруш ва айниқса, урушдан кейинги эллигинчи йилларда нонни аввал кўзига суриб, қанча оч бўлмасин, уни ниҳоятда авайлаб, бир ушоғини ҳам ерга туширмай еган, ейдиган одамларни кўрганман. Бу ҳолларни гарчи тушунмасам ҳам, лекин бу нарсада тушуниб бўлмайдиган муқаддаслик яшириниб ётганлигини юракдан туйганман. Бир куни девор қавагига нон парчаси қистириб қўйилганлигини кўриб ўзимдан ўзим йиғлаганман. Бу ниманинг нишонаси бўлиб кўринган, ёмонликка бўлса керак деб ўйлаганман. Китоблар ҳам одам учун шундай: нондай, сувдай, ҳаводай, ўтдай зарурат. Одам шу тўрт унсур бўлмаса яшолмайди. Ҳаёт йўқолади. Китоб эса бешинчи унсур. Китобсиз яшаб бўлади, аммо бу яшаш ёввойи яшаш бўлади. Китобга мен тарбия деб қараганман. Ҳозир ҳам тарбия деб қарайман. Ота-

онам, ўқитувчиларим, мураббийлар, донишманд кишилардан, меҳрибон одамлардан беҳад миннатдорман. Аммо мени китоб тарбиялаган, менинг биринчи устозим ҳали-ҳанузгача китоб. “Тирикликнинг мазмуни” деяпсиз. Қандай яхши сўз. Ҳаёт мазмуни бошқа, турмуш мазмуни бошқа, тириклик мазмуни бошқа. Кечмишимда китоб ҳамроҳ бўлмаган он йўқ. Шунинг учун ҳам кечмиш кўнглимдан узилмай уни тўлдириб туради. Китобларимга қараб ўтириб булар мендан қолади дейман. Уларни мендан кейин ким ўқийди? Ҳоли нима кечади? Шунинг учун чарчаган пайтлар: “Ўлим, нари тур. Ҳали ишим кўп. Ҳали уларнинг жамолига тўймадим. Мендан кейин уларни ким ўқийди? Ким ардоқлайди? Ким уларнинг ёнига яна бошқа чиройли китобларни қўшади?” – дейман. Шу менга тирикликнинг мазмуни бўлиб кўринади.

– **Сўнги пайтларда асардан-да ёзувчи, шеърдан-да шоир кўпайиб кетгандек. Китоб расталарига назар ташласангиз, умрингизда бирор марта эшитмаган исм-шарифларнинг “Танланган асарлар”ни кўришингиз мумкин. Бу ҳолга сўз мола адабиётчиларимиз “Бозорадабиёти” деб ном қўйиб олибдилар. Ажойиб, лекин мантисиз атама. Назаримда, Сўз, Туйғу – адабиёт моддий қиймат билан ўлчанмайди.**

**Нима деб ўйлайсиз, эҳтимол бу “ижодий жараён” ҳам давр талабидир. Агар шундай бўлса, бу ҳол ўқувчи дидини, савиясини саёзлаштириб қўймайдими? Бадиий адабиёт мезонлари бузилишига олиб келмайдими? Ҳар қалай, ҳазрат Алишер Навоий дарж этибдилар:**

**Қилса менга минг жафо – бир қатла фарёд айламон,  
Элга қилса бир жафо – минг қатла фарёд айларам.**

– “Бозор адабиёти” бозор иқтисоди билан бирга кириб келган тушунча. Тушунчанинг тагидаги фалсафа шуки, у китобга товар деб қарайди. Китоб доим бозор билан боғлиқ бўлган. Китоб бозордан ўтиб тарқалади, ўз эгасини топади. Одам қадр-қиммат топгиси келади. Қадр-қиммат топгиси келган одамлар китоб ёзишади, ўз ёнларидан пул сарфлаб китоблар чиқаришади, қаламкашларга айтиб ўз таржимаи ҳолларини китоб қилиб ёздиришади. Ёки шоирларга ҳавас қилиб эргашиб, шаклан шеърга ўхшаган нарсаларни жилд-жилд қилиб ёзишади. Шу билан ўзларини мангуликка муҳрлаб қўйгандай, сира тинчлик бермаган шуҳратпарастлик, орзу-ҳавасларини қондиргандай бўлишади. Кўнгилда. Лекин шоир, адиб, олим – қисмат – қочиб қутулиб бўлмайдиган толе. Одамлар ҳақиқий адабиёт билан сохта “бир кунлик” адабиётни яхши танийдилар. Сохта йилтироқ китоблар ичида кўмилиб ётган олтинни топиб оладилар. Бунда дид, фаросат, қизиқишлар қандай ва қайси йўналишда шаклланганлигига боғлиқ. Ўқитувчилар, ота-оналарга қанда қилмай мурожаат қилишимиз керак: сиз болаларга китоб ўқишни ўргатяпсизми? Уларни керакли китобларни ўқиш ва ўрганишга қизиқтиряпсизми? Китоб ўқиш интенсивлиги доим шуларга боғлиқ. Китоб ўқишни шулар тарбиялай-



дилар ва йўлга қўядилар. Шулар китоб ўқиш муҳитини яратадилар.

– **Агар инсон вақтида озиқланмаса унинг ҳаётидаги мувозанат бузилади. Бош оғриғиди, мадор кетади, пировардида ҳолдан тойган жисм унга бўйсунмай қолади. Шундай экан, инсон жисми мутассил озиқланиб туришга, парваришга муҳтождир.**

**Худди шу янглиғ, инсон руҳи ҳам мутассил парваришни талаб қилади. Руҳнинг озиғи илм, ибодат ва тафаккурдир. Бу борада инсон руҳини юксалтирадиган бебаҳо манба бадиий адабиёт бўлса керак. Ҳар қандай бадиий асар замирида инсон маънавиятига ижобий таъсир этадиган, руҳий озуқа вазифасини бажарадиган ғоялар бўлади. Ғарб адабиётшунослари бу ғояларни “нажоткор ғоялар” деб аташган. Сизнингча, замонавий ўзбек адибларининг асарларида бундай ғоялар мавжудми?**

– Оламлар бари, кавну маконлар бари илм билан қамраб олинган ва илм билан яратилган. Жумладан, одамзот, ҳайвонот ва наботот бари илм билан қамралган. Илмдан холи ҳеч нарса йўқ. Одамзот неча минг йиллардан бери бор ва неча минг йиллардан бери илм излайди. Илмга интилади. Илмни ер юзидан, коинотдан ва ўз-ўзининг ичидан қидиради. Илм излаш – XXI асрнинг шу кунларида ҳам нажоткор ғоя. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки илм ҳақиқатга етиш йўли. Инсон эса ҳақиқатсиз яшолмайди.

Шу кунгача файласуфлар ҳамма нарсани ажратиб келдилар. Ҳамма нарсадан ажралиш қидирдилар. Ягона Худо ўнлаб динларга ажралди. Булар инсоният тарихида ҳеч тўхтамаган қон тўкишлар билан борди. Одамзот синфлар, тоифалар, чегараларга ажралди ва булар ҳам тинимсиз қон тўкишларда давомат этди. Табиат ранг-баранг сараланган. Ирқлар сараланган. Маҳлуқлар сараланган. Ранглар сараланган. Шакллар сараланган. Аммо бу сараланишлар тамомила табиий. Олам ранг-баранглиқдан иборат бўлмаса, унда туриб бўлмасди. Ер қурраси. У бошдан оёқ чексиз мўъжиза. Ер қурраси. Муз ичида оловини сақлайди. Ер олов. Лекин уни икки кутб музлари сақлаб туради. Олов эса ўз навбатида музни сақлайди. Олов ва муздан ҳаво ва сув бино бўлади. Тазод.

Оламнинг бари тазод асосига қурилган. Ҳаммаси ҳаммаси билан ажралмас алоқада. Лекин тинмай ажратишга уринадилар. Ажратиш асосида урушларни келтириб чиқарадилар. Ажратиш учун қирғинлар қиладилар. Ажратиш учун кучлилар кучсизлар ўртасида ҳукмронликлар ўрнатадилар.

Ажратиш ғояси инсоният бошига чексиз фалокатлар келтиради. Ажратишнинг марказида мен афзалман! – деган ўта кетган ваҳший нидо-ҳайқириқ, ваҳшат васвасаси турди.

Ажратиш боис ҳар бир дин ўзини энг афзал деб чиқди. Ҳар ирқ ўзининг бошқалардан афзаллигини ис-

ботлашга уринди. Исботлаш эса фақат ўзи каби иссиқ жонларни қириш, қонини оқизиш билан бўлди. XXI асрга келиб ажралиш ва ажратилиш ғояси эскирдимикин? Қонли тарих саҳифасидан анахронизм сифатида тушиб қолдимикин? Инсоният ажралиш ва ажратилиш ғоясидан халос бўлса, келажакда олтин асрларда истиқомат қилади. Ажратиш, ажралиш ғояси кучлими ё бирлашиш, бирлик ғояси кучлироқми? Инсоният шу икки саволга аниқ жавоб беролса ва оғишмай борсагина келажак асрларда бежавотир умргузарлик қилади.

Ўзим шахсан кўплар қатори бирлашиб аҳл яшашга ўзга алтернатива йўқ деб ҳисоблайман. Чунончи Марказий Осиё халқлари учун ҳам иттифоқ бўлиб бирлашиб ўз ҳаётларини ихтилофсиз қуриш уларнинг дунёда қадр-қиммат топиши, куч-қудрат касб этишига олиб боради. Уларнинг ҳеч қандай талашадиган нарсалари йўқ. Ажратадиган нарсалари йўқ. Ўзбек адабиётида бирлашиш, аҳллик, халқларнинг иноқлиги юксак даражада бадиий фалсафий ифодасини топган асар бу – Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” дostonидир. Абдулла Ориповнинг “Ҳаким ва Ажал”, “Жаннатга йўл” асарларида ҳам шундай концептуал ғоя яратишга уриниш кўзга ташланади. Ҳалимаҳон Худойбердиева ва Усмон Азимнинг туркум шеърларида умумбашарий аҳамиятга эга универсал ғоялар эҳтиросини кузатиш мумкин.



Тонгларнинг бирлашиши, озодларнинг бирлашиши ва фарқларни рўқач қилавермаслик ўз навбатида тенглик ва озодлик иқлимларини яратади.

– **Буюк олмон адиби Томас Манн дунё классикаларини икки гуруҳга ажратди. Биринчи гуруҳни “руҳияти соғлом адиблар”, иккинчисини эса “беморлар” деб атаган. Томас Манн наздида буюк драматург Шиллер ва сиз ижоди билан узоқ вақт ҳамнафас бўлганингиз – Фёдор Достоевский “беморлар” гуруҳига мансуб. Стефан Цвейг эса Достоевскийни “буюк ҳақиқатгўй” дея таърифлаган. Унинг эсдаликларида “Достоевскийнинг коиноти – фазо эмас, инсондир” деган қайдлар бор. Сиз Достоевский асарларининг таржимони сифатида бу икки даҳо адибдан қай бирининг фикрини қувватлаган бўлардингиз?**

– Ф.М.Достоевский яқинлари ва замондошларининг хотирлашларича, эпилепсия (тутқаноқ) билан оғриган. Ўзининг айтишича, илҳом гувиллаб келиб мияси чакмоқдек ёришганда тутқаноқ бошланаркан. Соғлик ҳолати билан тутқаноқ тутиши орасидаги уч сонияда у ўзини дунёдаги энг бахтиёр одам деб сезар, ўзини ҳамма нарсага қодир деб ҳис қилар, хаёли кўкларга парвоз қиларкан. Лекин Ф.М.Достоевскийнинг “беморлиги” унинг ақл бовар қилмас даражада ишчанлигида. У жуда қаттиқ ишлар ва икки кеча-кундузда уч-уч ярим босма табоқ ҳажмида асар ёзарди. Биринчидан, у муҳтожликлардан қутулиш учун шундай меҳнат қилса, иккинчидан, энг юксак маънода ижодга, ёзувчиликка мубтало бўлган фавқуллодда инсон эди. Умр бўйи муттасил шундай мук тушиб ишлаган, сонсиз-саноксиз китоблар ўқиган, сон-саноксиз мулоқотларда бўлган, фарзандлар ўстирган ва катта оиласининг, Достоевскийлар хонадонининг катта-кичик ташвишлари билан яшаган одамнинг соғлиги қандай бўлган эканки, буларнинг барини ўз елкасида кўтарган. Ф.М.Достоевский биринчи йирик асари “Камбағал одамлар”дан то умрининг охирида ёзган “Оғайни Карамазовлар”гача муттасил, ҳа, муттасил бир зум ҳам танаффус қилмай ўз ўқувчиларини ларзага солиб турган. Гегел: “Дунёда ҳеч бир нарса эҳтироссиз содир бўлмайди” дейди. Ф.М.Достоевский асарларида эҳтирослар мисоли қуюндай айланади. Ўзининг эътирофича, “одамда одамийликни изларди”. Ёзувчининг ўзи ҳам, унинг барча асарларининг қаҳрамонлари ҳам идеал қидирган ва бу йўлда мислсиз фожиаларни бошларидан кечирган эдилар. Достоевский инсон қалбининг ҳеч ким тушолмаган қаърларига тушди. Ҳеч кимга муяссар бўлмаган руҳий ҳодисаларни кашф этди. У чинакам ҳақиқатгўй адиб эди. “Ҳақиқат Некрасовдан юксакроқ, Пушкиндан юксакроқ, халқдан юксакроқ, Россиядан юксакроқ, ҳамма нарсадан юксакроқ ва шунинг учун фақат ҳақиқатни демоқ ва уни изламоқ керак...”, деб ён дафтарчасига ёзиб қўйган ва ўзи бунга ҳаётида ҳам, асарларида ҳам қатъий амал қилганди.

– **Буюк ижод замирида буюк фожеа ётади. Бунга мисол қилиб ҳозиргина айтиб ўтганингиз Достоевскийни, Цвейгни, Нитшени келтириш мумкин. Хусусан, Нитше ҳаёти ва ижоди ҳақида**

**жуда кўп баҳслар, тортишувлар мавжудки, улар китобхон ақлини шошириб қўяди. Сиз эса ўзбек китобхонига Нитше ижоди, умуман буюк файласуфнинг мавҳумотга йўғрилган ҳақиқатлари ҳақида янгича тасаввур бера олдингиз.**

– Нитше Ф.М.Достоевскийнинг кичик замондоши. Уларнинг даҳоси бир хил табиатга эга. Нитше азбаройи кўп ўқигани, азбаройи кўп ёзгани боис оғир бош оғриғи ва шу билан бирга эпилепсия касалига гирифтор бўлган эди. У ўз дўсти Г.Брандесга ёзган мактубларидан бирида: “Касаллик менга жуда улуғ фойда келтирди, у мени бошқалардан ажралиб туришим ва матонат, мардоналик касб этишимга ёрдам берди”, деб ёзганди. У худди Достоевский каби ижод дунёсида ва ижод бобида том маънода телба эди. Унинг барча асарлари ва айниқса, “Зардушт таваллоси” насрий-фалсафий достони инсон, ҳаёт, фалсафа кашфиётлари билан лиммо-лимдир. Нитше: “Биз қандайдир фикрловчи қурбақалар эмасмиз, биз тинимсиз ўз фикрларимизни ўз дардларимиздан туғиб борамиз ва уларга худди оналардек нимамиз бўлса барини – ўз қонимиз, юрагимиз, ўтимиз, шўхлигимиз, эҳтиросимиз, азобимиз, виждонимиз, қисматимиз, толейимизни бағишлаймиз”, деб айтади.

– **Италиян адабиётшунослигида “Таржимон хоиндир” деган атама бор экан. Бунга қандай тушуниш керак?**

– Бу гап тўғри маънода эмас, мажозийроқ қилиб айтилган ва у қадар жиддий эътиборга ҳам лойиқ эмас. Урғу бериб ўтиришга арзизмайди. Таржимон бир манбанинг маълумотларини иккинчи манбага етказди. Матнларни бир тилдан иккинчи, учинчи тилларга ўгиради. Етказиш вазифасини ўз устига олади. Бир чеккаси шуни назарда тутиб ва иккинчи томондан, таржимон матн устида бир қатор трансформацияларни амалга оширади. Профессional таржимонлар таржима асарни қандай ўқувчига етказаятганлари, бу ўқувчининг дунёқараши, савияси, маълумот даражаси, ақидалари, урф-одатлари устида ҳам қайғурадилар. Ўқувчининг бошқа маданий муҳитда яратилган асарни қандай қабул қилиши устида бош қотирадилар. Таржимага ўзларидан қўшмаганларида ҳам, айрим қисқартишлар, таҳрирлар киритадилар, баъзан кескинликлар, яланғочликлар, бадахлоқликларни юмшатадилар. Профессional таржимонларнинг бу ишлари юзаки қаралганда муаллиф ҳақида тажовуз бўлиб кўриниши мумкин. Лекин таржима ўқувчиси менталитетини ўйлаб бундай нарсаларга берилгани боис таржима назарияси уларни ўз қоидалари доирасига киритади ва қонуний зарурат деб қарайди. Айтайлик, “Слово о полку Игореве” асарининг номи ўзбек тилига “Игор жангномаси” деб ўгирилган ва бу жуда чиройли. Лекин аслиятда “жангнома” дейилмаган-ку? Аммо ўйлаб қараганда, “Слово”дан кўра “жангнома” тўғрироқ, маъқулроқ ва шарқона аънаналарга мувофиқдир. Худди шунингдек, Юхан Смуулнинг “Ледовая книга” романи “Музнома” деб ўзбек тилига ағдарилди. Таржимон Усмон Шамсимухамедов бу номни “Музлик китоби” деб ўгирганди. У ҳайрон бўла-бўла ишониб-ишонмай



“Музнома”га рози бўлганди. Қаранг, “Музнома” қандай яхши ва қандай топилдиқ. Хўш, бундай сўз санъатига хос ҳодисаларни “хиёнат” деб бўладими? Йўқ, таржимон сўз санъаткори.

– **Маълумки, XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий жараёнлар қадим ва бой ўзбек адабиёти тарихида ҳам ғоят муҳим даврлар бўлди. Хусусан, адабиётдаги зуллисонайлик анъанаси ёнида аста-секин таржима мактаблари пайдо бўлди. Айниқса, ноширлик ва газетачиликнинг пайдо бўлиши таржима санъатининг пайдо бўлишига олиб келди. Дастлабки таржима ишлари рус тилидан бошланди. 1880-90 йилларда ўзбек ўқувчилари Л. Н. Толстой, А. С. Пушкин, А. А. Крилов сингари буюк адабиёт намоёндаларининг ижод намуналаридан баҳраманд бўлдилар.**

**Тўғри, бу давргача ҳам адабиётимизда бир қатор етук таржима ишлари амалга оширилган эди. Бу борада Хоразмда ўзига хос таржима мактаби шаклланган бўлиб, бу мактаб асосчиси ва ташаббускори шоҳ ва шоир Феруз эди. Маълумотларга кўра, XIX асрнинг ўрталарида Хивада саксондан кўпроқ ижодкор таржимонлик билан мунтазам шуғулланган. Бу таржимонлар орасида Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний, Табибий каби маълум ва машҳур шоирлар ҳам бўлишган. Албатта, бу маълумотлар журналхонлар учун эди.**

**Сиздан сўрамоқчи бўлганим: таржима жараёнида асар муаллифининг руҳияти таржимон руҳиятига таъсир ўтказиши, деган фикр бор. Буни қандай тушуниш керак? Ва яна айтиш-чи, бугунги ўзбек адабиётида таржимачилик жараёни қай даражада?**

– Миркарим Осим, Мирзиёд Мирзоидов, Ҳасан Тўрабеков сингари таржимонлар фақат ўзлари севган, руҳларига яқин асарларнигина ўғирардилар. Асар танлашга ўта синчковлик билан ёндошар, асарлардан ўзларига яқинлик қидирардилар. Камина кўпроқ экспериментал қийин асарларни ўзбек тилига ўгириш

йўлидан бордим. Ўзбек тили шундай фавқулудда асарлар услубини қайта яратиш бойиши, тобланиши зарур деб ўйладим. Прозамиз балоғатга етиб фольклор тилидан юқориққоқ, янги бадиий услублар тилига, бадиий услубларига кириб бориши, жаҳон адабиёти услубий изланишлари билан ҳамоҳанг бўлиши кун тартибида турарди. Экспериментал прозада инсонга, унинг руҳий дунёсига, дунёдаги ўрнига тамомила янги қарашлар ва янги шаклларда ёритишлар, тасвир усуллари мавжуд. Буларни ўрганмай замонавий асар яратиш, ҳозирги ўқувчининг диққат-эътиборини тортиш, замон даражасида туриши мушкул. Ҳозир бадиий таржиманинг сифатига, бевосита аслиятнинг ўзидан амалга оширилишига эътибор кучайиб борапти. Таржимонни бир неча тилларнинг чуқур билимдони, маданияти ва эрудицияси юксак тарбияланган одам деб билиш ва шундай талаб қилиш XXI аср таржимони деган мезон ва ўлчовни шакллантиришга хизмат қилади.

– **Гёте “Сал кам ярим аср китоб ўқидим. Бироқ умр поёнида ҳеч нарсани билмаслигимни билдим” деган экан. Китобларга ошнолик бобида сиз Гёте билан бемалол беллаша оласиз. Китоблардан адабиёт, санъат учун нималарни кашф этганингизни асарларингиз воситасида англагандекмиз. Суҳбатимиз сўнгида ўзингиз учун кашф этган ҳақиқатларингиз ҳақида сўрасам майлими?**

– Китоблар менга аввалимиз ва охиригимиз, ботинимиз ва зоҳиримизни тушунишга ёрдам берди. Вақт бизга берилган олтиндан ҳам қиммат нарса. Уни исроф қилмасликка ўргатди, ҳазрати Сулаймоннинг: “Беҳуда, беҳуда, ҳаммаси беҳуда”, деган ҳикматининг тагига етиш ва вақтдан максимал даражада тасарруф этишликка чорлади. Аллоҳ нурни яратган экан, ва Ўзи ҳам шу нур ичида экан, китоб ҳам илмлар, ҳиссиётлар, ақлларнинг нурномасидир. Менинг ҳақиқатим шуки, одам китоблар оламига шўнғимагунича ҳеч қачон сайқал топмас. Китоблар инсон ҳаётининг хайрли поғоналаридир.

**Суҳбатдош: Алишер НАЗАР**






Буюк Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига

**Омон МУХТОР,**  
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,  
Давлат мукофоти лауреати

# АМИР АЛИШЕРНИНГ ДАРДУ



**Икки парда, ўн икки ҳолатдан  
ибораат драма**

**Қатнашувчилар:**

Алишер Навоий – улуғ шоир ва мутафаккир  
Хусайн Бойқаро – Хуросон шоҳи  
Султон Бадиуззамон – шаҳзода  
Мавлоно Соҳибдоро – Навоийнинг дўсти  
Мажидиддин Муҳаммад – вазир  
Амир Валибек,  
Амир Али Бобо,  
Абдулхай табиб,  
Хўжа Шаҳобиддин – саройга дохил кишилар  
Нозанин – Навоийнинг муҳаббати рамзи  
Шижоъуддин Зуннун – Бадиуззамон лашкари сар-  
кардаси  
Ҳайдарбек – бузғунчи  
Кекса Муаррих, элчилар, мулозимлар, муаззин ва  
сомеълар, сипоҳилар, саҳродаги кишилар ва осийлар.

Воқеа 1498-1500 йиллар орасида Ҳирот шаҳри  
ва унинг атрофларида кечади.





## МУҚАДДИМА

*Саҳна олдидан Кекса Муаррих ўтиб кетаётиб,  
бировага мурожаат қилишдан кўра кўпроқ ўзи-ўзича  
ўйланиб сўзланади:*

**Неларни кўрмади  
дунёда бу бош,  
У – тарих бағридан  
юзиб ўтган Ер.  
Биров бўлса агар  
ердаги Қуёш,  
Мен унинг исмини дердим –  
Алишер.**

**Бир дард Алишерга берган Худойим,**

**Истади  
ҳаётда ўзгарса ҳолат:  
Ҳақиқат бўлсаю ҳар ишда доим,  
Бирдек ҳукм сурса доим адолат.**

**Курашди.  
Курашар  
кўрсатиб бардош,  
Наздимда ҳамонки,  
тирик Алишер.**

**Неларни кўрмади  
дунёда бу бош,  
У – тарих бағридан  
юзиб ўтган Ер.**

## БИРИНЧИ ПАРДА

### Биринчи ҳолат

*Амир Алишер Навоий анча чарчаб қолган. Хаста.  
Аммо мамлакатдаги нотинч аҳвол унга осойиш бер-  
майди...*

*Султон Бадиуззамоннинг Ҳирот этагидаги Пулу  
Молонда ўрнатилган чодир. Шаҳзода омонат тах-  
ти ёнида фаромушланиб турибди. Мулозим киради.*

МУЛОЗИМ. Султоним! Ҳазрат Низомиддин Али-  
шер Навоий сизга шахсан элчилар йўллабдилар.  
БАДИУЗЗАМОН. Кирсун!

*(Чодирга икки элчи киради.)*

БИРИНЧИ ЭЛЧИ. Буюк Султон! Сизга Падари  
бузрукворингиз, Султон Абулғози Ҳусайн Бойқаронинг  
Яқин Кишиси Ҳазрат Алишер Навоийдан мактуб кел-  
тирдик.

ИККИНЧИ ЭЛЧИ. Жавобни қистов кутмоқдалар.

БАДИУЗЗАМОН. *(мактубни олиб, ўйланиб).* Мен  
ўзим жавобни етказурмен.

*(Элчилар таъзим қилиб чиқиб кетишади. У мак-  
тубни очиб ўқишга тутинади. Шу сония унинг кўзи  
олдида Алишер қиёфаси жонланиб, овози эшитила-  
ди.)*

АЛИШЕР. Фазлу камол соҳиби, хуршиди дав-  
рон, улуг Султон Бадиуззамон Мирзо! Дуоисаломдан  
сўнгра, маълумингиз бўлғайким, Ҳирот яқин қирқ кун-  
дирки, қамал ҳолатида турғони, икки томон бир қавм,  
бир эл-улус, оға-ини, қариндош-уруғ одамийлик шартин  
унутиб бир-бирига қилич сермаш майлига кирғонидан  
бу фақири хокисор, ғариби паришонрўзғор бағоят ха-  
вотирдамен. Андуҳ-надомат чекмоқдамен...

*(Бадиуззамон мактубни ўқишдан тўхтаб, ўзича  
асабий сўзлайди.)*

БАДИУЗЗАМОН. Мен нима, бекорга жанга от-  
ланибманми? Орада муҳолифатни бошлагон менму?  
Падари бузруквор волидам Бека Султон Бегимдан  
кўнгиллари қолғонини менга ҳам билдириб, ўзлари  
доим бадмеҳрлик кўрсатмадиларму? Ана, Балхда  
бўлғонимда бир ёқдан илтифотли йўсинда қошимга  
Сиз Навоий ҳазратларини жўнатиб, иккинчи ёқдан Балх  
шаҳри қутволи Ислоом барлосга шаҳзода овга чиқса,  
қайтиб шаҳарга киритма, деб хуфёна фармон юбор-  
ган падари бузруквор Султон Ҳусайн Мирзо эмасму?  
Мендан норозиланиб, менинг хос кишиларимдан бир  
тўпини аёвсиз чопиб ташлаттирғон, бир гуруҳини асир  
олиб, уларни ҳам ҳукмга биноан қатл эттирғон Султон  
Бойқаронинг ўзлари эканини унутмоқ мумкинму)?

*(У мактубни ўқишда давом этади.)*

АЛИШЕР. Мени маъзур тутгайсиз. Тирик подшоҳ-  
отага қарши сиз, азиз шаҳзода, бутун Хуросон мулкани  
қўлга олмақ хаёли била ҳаракатда эканингиз расман  
ҳам, шаръан ҳам муносиб кўринмайдир. Сизга, тўнғуч  
ўғулга тақлидан укаларингиз Абулмуҳсин Мирзою би-  
родари Муҳаммад Муҳсин Мирзо бирлашиб, уруш-  
исён йўлин тутаётгонлари ташвишли ва ўкинчли. Ян-  
гидан фитна-фасод қўзғолиб, беғуноҳ кимсалар қони  
тўқулишидан асранмоқ лозим...

БАДИУЗЗАМОН *(яна ўзича бўғилиб ғудранади).*  
Ҳазрат Амир Алишер! Муҳтарам устоз! Ўзингиз  
воқифсиз. Менинг суюкли ўғлим Муҳаммад Мўмин  
Мирзони хатна қилғонда, Султон Ҳусайн Бойқаро уни  
валиҳад деган, Астрободни унга бағишлаб берғон  
эди. Бу ваъдани вақти келиб бузғони устига, Улуғ  
Бека Хадича Бегимнинг қутғуси ила падари бузрук-  
вор, ўз набираси, менинг жон-жигарим Мўмин Мирзо-  
ни ҳокимликдан бўшатиб зиндонга солди. Маст ҳолда  
фармонга қўл қўйиб, у нозик ниҳолни ўлдурди. Мен  
бунга қандоқ чидайман?



*(Султон Бадиуззамон ўкраб йиглаб юборади. Кейин, кўзёшларини артиб, яна мактубга боғланади.)*

АЛИШЕР. Ҳосили калом, шон-шукуҳли шаҳзода, падари бузрукворингиз, жаноб шаҳаншоҳ Астрободдан Ҳиротга келаётган бу дамда Сиз отага қарши ёмон фарзанд бўлуб кўрунишдан, жанг қилмоқдан асраниб, маълум муддатга бўлсун, бирон ёққа жўнаб кетгонингиз ва шаҳар атрофини лашкардан бўшатгонингиз мақсадга мувофиқдир. Ҳақ субҳанаху ва таоло Сизнинг зафарли умрингиз, хайрли ишларингизга баракот берсин...

*(Бадиуззамон тахтига бориб ўтириб, чуқур хаёлга ботади. Кўзи ўнвидан Алишер қиёфаси йироқлашади. Ниҳоят, у муайян қарорга келгандек бўлади.)*

БАДИУЗЗАМОН. Бадном бўлмоқдин кўркмасмен. Жанг қилмоққа шаймен. Аммо Султон Ҳусайн Бойқаро эмас, Ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзлари ва сўзлари ҳаққи-ҳурмати ҳозирча исёндан тийилурмен. Худонинг иродаси шу бўлса, ажаб эмас. (У мулозимни имлайди.) Амирлар, бекларни чорланг. (Амирлар, беклар киришади.) Лашкар отлансун! Муваққат Пули Молондан Пули Солорга, Мурғоб дарёси бўйига кўчурмиз...

#### Иккинчи ҳолат

*Орадан бир неча кун ўтган. Ҳирот. Катта кўча. Бир ён бозор, иккинчи ён мўъжаз масжид айвони.*

*Бомдод пайти. Бозорда битта-ярим одам қораси кўринади. Масжид айвони эса бўм-бўш.*

*Масжид эшигидан чиққан муаззин у ён-бу ён pariшон қарайди. Айвон олдидаги мезанага кўтарилиб, азон айтади. Кейин, пастга тушиб, яна ҳар ёққа аланглайди.*

*Ниҳоят, уч-тўрт киши кўчада пайдо бўлиб, айвонга келади.*

БИРИНЧИ СОМЕЪ (муаззинга). Ассалому алайкўм ва раҳматуллоху ва баракотуху.

МУАЗЗИН. Ассалому алайкўм.

ИККИНЧИ СОМЕЪ (муаззинга). Имом ҳазратлари шу ердами?

МУАЗЗИН. Ҳалидан бери кутиб ўтирибман. Кўринмаяптилар. Сизлардан бўлак сомелар ҳам йўқ.

УЧИНЧИ СОМЕЪ. Уйдан чиқишга кўрққан бўлсалар керак. Киши юрак ҳовучлаб кўчага чиқасан! Кўчадан тирик қайтасан ёки йўқ. Жоннинг ўзи омонат бўлиб қолди.

БИРИНЧИ СОМЕЪ. Оталаримиз даврида Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон бир бола бошида тилла тўла табақ Машриқдан Мағрибга бориб қайтсин, ҳеч ким унга дахл қилолмайди, деган эканлар. Мамлакатда шундай осойишталик, хотиржамлик ўрнатган эканлар.

ИККИНЧИ СОМЕЪ. Инсоф юзидин, айтиш керак. Султон Соҳибқирон Ҳусайн Бойқаро жаноблари ҳам юрт ободонлиги, раиятнинг бахт-саодатига доим кўшиш билдириб келадилар. Ана, шаҳзодалар билан орадаги низоларга ҳам имкон қадар барҳам бериб, тартиб ўрнатган эдилар. Энди енгил нафас ола бошлаган эдик.

УЧИНЧИ СОМЕЪ. Бу бедодлик, ур-йиқит, ҳимоясиз эгасизлик ўзи кимдан, қайқандан чиқди? Олдин биров бундай савдога ҳеч дуч келмаган эди... Мамлакатнинг авра-астари ағдарилиб ётибди.

*(Шу пайт уларнинг гапи бўлиниб, айвонга беш-олти киши бир катта ва бир кичик тобут кўтариб келадилар. Тобутларни айвон тўрига қўядилар. Муаззин ва сомелар бадтар паришонланишади.)*

БИРИНЧИ СОМЕЪ. Вақт ўтаяпти. Намозни нима қилдик?

ИККИНЧИ СОМЕЪ. Намоз майли, жанозани ким ўқийди? Шунча кутдик, имом келмадилар.

УЧИНЧИ СОМЕЪ. Сўфи ҳазратлари, ўзингиз имоматга ўтинг. Жанозани ҳам ўқийсиз. Бу кунча бошқа илож кўринмайди.

*(Улар ва уларга қўшилиб, тобут кўтариб келганлар масжидга кириб кетишади. Айвонда ёлғиз икки тобут қолади.)*

#### Учинчи ҳолат

*Шу нотинч кунлардан бири.*

*Абдулла Ансорий мажмуи яқинида янги барпо қилинган боғ ўртасидаги чортоқда Амир Алишер билан Мавлоно Соҳибқоро бошларини солинтириб ўтиришибди. Боғ девори ортидан кўшиқ эшитилади: “Кеча келгумдир дебон...”*

*Кўшиқ тугагач ҳам улар анча жим турадилар. Ахийри...*

АЛИШЕР. Мавлоно Соҳибқоро, нечун сукутдасиз? СОҲИБҚОРО. Улуғим, Сиз, Навоийдек зот, каминани дўст ва мусоҳиб тутғондан бери Сизга ҳар кун недур хуш хабар келтурдим. Ҳозир ундоқ қилолмасмен.

АЛИШЕР. Ҳамиша бўлғонидек, сўзланг. Бу кун шаҳарда ўтгон ҳодисотлардан неларни кўрдингиз ва неларни эшитдингиз?

СОҲИБҚОРО. Кўнглим хижил, улуғим. Аммо, руҳсат тегди, борини айтаман... Бу кун ҳаммаёқда тўстўполон. Хавф-хавотирли аҳвол. Соҳибқирон Амир Темурнинг нури дийдалари Шоҳрух Мирзо мамлакатни мустаҳкам тутуб насибалари узулғонида кўрингон “бузуғлиқ даври” қайтиб келғондек. Мамлакат гўё эгасиз. Айниқса, Ҳирот. Бехос вабо-ўлат, зилзила ё сел рўй бергон, салтанат араваси жарга тушиб кетаётгондек...

АЛИШЕР. О, мен буни билиб турибмен. Бу мен учун кўрқинчли бир туш. Умрим бўйи темурийлар хонадони ҳалокатга юз тутмасун, шу салтанат емирилмасун, деб ҳаракат қилдим. Мана, дунё ишларидан юз буриб, зиёратгоҳда узлатда ўлтурғонимга қарамай, ҳамон аравани тўхтатишга уринмоқдам.

СОҲИБҚОРО. Хуллас, шаҳарда мафий иш тутгон янги бир жамоа пайдо бўлгон. Аксари ўн уч-ўн олти ёш орасидаги жоҳил, ёвуз, итоатсиз ёшлар. Улар тўпланиб, бир даста, неча тўда тузгонлар. Кундузлари уй-уйларида ёшуруниб, кечалари шаҳарни пайхон қиладилар. Одам ўлдирадилар. Улар учун на катта-кичик, на шоҳ, на доруға, на қози, на миршаб бор. Ҳамма ерда ўз ҳукмини ўтказишга мойил... Ўтган тунда девор ошиб бир ота-болани уйида пичоқлаб кетгонлар.





Тонгла намозга бораётгон бир масжид имомини ўласи калтаклаб, мажруҳ ҳолга солгонлар...

АЛИШЕР. Минг таассуфки, мен бундан хабардормен. Лекин, англамасмен. Нега бу танг аҳвол юз берди? Шаҳар эмди бедарвозаму? Жиноятга боргонлар қайси тоифа кишилар фарзанди? Уларнинг раҳнамоси ким?

СОҲИБДОРО. Мен билғоним, улардан бир қисми шоҳ ва шаҳзодалар олиб боргон жанг-жадалда ҳалок бўлгон амирлар, беклар, аскарларнинг болалари, отасиз ўсгон ярим етимлар. Яна бир қисми қашшоқ, ночор қолгон оилалар фарзанди... Мамлакатда тинимсиз уруш бораётғони-ю, шаҳаншоҳ ҳазратлари Султон Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзони худ-беҳуд қатл эттиргонлари замида, фикри ожизимча, бу ўт-алаф унғонга ўхшайди. Бузғунчилар бошлиғи Ҳайдарбек деган йигит эмиш.

АЛИШЕР. Ҳайдарбек? Мен уни билмасмен.

СОҲИБДОРО. Ўзгалар ҳам билмас. Фақат, одамлар ичида исми маълум, холос.

АЛИШЕР. Мўмин Мирзо мен учун азиз фарзанддек эди. Худо шоҳид, унинг ҳасратида неча кун мотам тутдум... Аниқки, Султон Бойқаро жаноблари ўзи ҳам шаҳзодалар орасида аҳиллик, бири-бирини англаш, диёнат йўқлигидан озурда. Бир бармоғини тишласа, иккинчиси оғрийди. Боз аниқки, бу кун мамлакатни гўштдек парча-парча чопиб-кесиб, юлқиб кетишдан асраб тургон – Султон Бойқаро! Мен уни ҳамиша қўллаганмен ва қўллагаймен... Етим-есирлар, ғариб-бечораларга ўзини инсон, ўзини мусулмон деб билгон киши бефарқ қарамас. Бироқ, Мавлоно Соҳибдоро, сиз айтгон жамоа ичида улар озчилик, кўпчилик уларни ҳам мажбур қилиб ўзи томон торғон қора кучдур. Тартибсизлик келтиргон, осойишталикни бузгон, безорилик, ўғрилиқ, қотиллик қилгон кимсалар каттамикчикки ҳеч ваҳдин оқланмас. Унда, одамийликнинг минг йиллик устунлари қуламайдиму? Баҳорнав, бу аҳволга қарши бирон чора топмоқ керак. Босқин, қирғинни тўхтатмоқ керак...

СОҲИБДОРО. Оре, улуғим. Шундоқ. Мушкул жойи, шаҳарда барча бу ваҳший оломондан кўрқувга тушгон, ўзини унинг олдида ожиз сезгондек. Барчанинг тили, қўли боғлангон кабидир. Одамлар, билмадим, доим жоҳиллик, ёвузлик, зўравонлик авжига минғонда довираб қолиб, кўзёш ва фарёддан бўлак нарсани билмагон шикаста вужудга айланар эканму?

*(Дарвозахонадан уларнинг ёнига мулозим келади.)*

МУЛОЗИМ (Алишерга.) Амир ҳазратлари! Анча бўлди, эшиқда тўрт-беш киши турибди. Бандлар, чарчагонлар, десам ҳам кетишмаяпти. Сизга арза келгон. Уларнинг додини эшитишингизни сўрашаяпти. Билдирмай иложим қолмади.

АЛИШЕР. Тўғри қилибсиз. Айтинг, киришсун...

### Тўртинчи ҳолат

*Орадан яна бир неча кун ўтган.*

*Тунда ой ёруғида бутун қадим Ҳирот шаҳри ва Султон Ҳусайн Бойқаронинг кўшкки ғира-шира кўзга ташланади.*

*Бўм-бўш кўчаларда, ўзини шамолда тутолмаётгандек намойишда чайқалиб, бошида тунги енгил кулоҳ, энида сурп кўйлак Султон Бадиуззамон Мирзо аллақандай ганғиб кезиб юрибди.*

БАДИУЗЗАМОН (ўзича). Худойим! Мен ўз борғоҳимда, Мурғоб дарёси шовуллашини эшитиб ухлаб ётган эмасмидим? Бу нима, ўнгми ёки туш кўраяпманми? Туш бўлса керак... Мен туғилиб ўсгон Ҳирот шуми? Бу ерлар Туркистон. Шу билан бирга, Афғон! «Фигон» сўзиданмикан? Йўқолиб бораётган Хуросон қисмати... Тавба! Ҳаммаёқда қабристон сукути. Даҳшатли сукут! Тирик жон борми? На қоровул, на миршаб кўринади...

*(Айни сония бирдан кўчага қўлида ханжар, тиғ, болта беш-олти ўсмир ёпирилади. Улар Бадиуззамонни кўрмаганга оладилар ёки кўрмайдилар.)*

ЎСМИРЛАР. Ҳайдарбек! Бошладикми?

ҲАЙДАРБЕК. Бошланглар!

*(Улар дўконларнинг эшик-дарчаларини синдириб, нималардир ташийдилар. Ҳовлиларга девор ошиб туша бошлайдилар. Ҳар ёқдан қий-чув, дод-фарёд эшитилади.)*

БИРИНЧИ ЎСМИР (девор устидан). Битта кампир ётибди.

ҲАЙДАРБЕК. Ўлдиравер.

ИККИНЧИ ЎСМИР (бошқа девор устидан). Бешикда бола.

ҲАЙДАРБЕК. Ўлдиравер.

БАДИУЗЗАМОН (улар атрофида айланиб юриб). Ҳой, тўхтанглар! Сизлар ким, одам боласими ёки Иблисми? Дунёда ўғрилар, безорилар, каллакесарлар ҳар ерда гоҳо учрашини билардим. Лекин улар эл-улус боши устига чиқиб олғондек ҳукм суришини кўрмаганмен. Бу инсониятнинг қиёматга юз тутғони, таназзули, инқирозимикан?

*(Улар Бадиуззамонга аҳамият бермайдилар, уни пайқамайдилар. Ўз жиноятларини давом эттирадилар.)*

ҲАЙДАРБЕК (ўзича). Кимки, мени ёмон ишлар қиляпти, ёмон йўлга кирган, дея ўйласа, адашади. Мен бор тартибга қарши исён кўтардим. Салтанатни тўнтариб ташламоқчиман. Эски дунёни бузиб, янги дунё тузмоқчиман. Рўйи-заминда ожиз кишилар эмас, фақат тенг, озод, кучли кишилар яшашга ҳақли.

*(Шу асно кўшк томондан кўчага ҳар қачонгидек отда эмас, бир неча мулозим кўтарган тахтиравонда Султон Ҳусайн Бойқаро кириб келади. У ҳам афтидан Султон Бадиуззамонни кўрмайди. Бироқ Бадиуззамон унга разм солиб қарайди.)*

БАДИУЗЗАМОН. Падари бузруквор! Қарибсиз... Падари бузруквор, бу мен, Бадиуззамон, танимаяпсизми? Юртни бошқаролмаяпсиз! Нега ҳаёт равишини мана, бу очкўз – бузғунчи оломонга бериб қўйдингиз? Уларнинг танобини тортмадингиз! Тортмаяпсиз! Нима учун? Бу ҳолда Ҳирот аҳли истаган одамга дарвозани очади. Қатъий ҳужум қилсам, менга ҳам шаҳарни



жангсиз топширади. Мен Ҳазрат Навоидан ҳайиқиб,  
уялиб ўзимни тўхтатиб турибмен, холос.

*(Султон Ҳусайн Бойқаро аксинча, ваҳший гуруҳга,  
улар эса Ҳусайн Бойқарога юзланади.)*

ЎСМИРЛАР. Қаранглар, подшоҳимиз ўтиб кетаяп-  
тилар.

ҲАЙДАРБЕК. (кулиб). Ўтса, ўтаверсин.

БОЙҚАРО. Ҳайдарбек! Мен сени кўриб турибмен.

ҲАЙДАРБЕК. Кўрсангиз, нима? Мен ҳам кўра-  
япман... Сиз олижаноб бўлишга интилган, кўнгилчан  
одамсиз. Сиздек шоҳлар бор экан, тахтлар қулаб, тож-  
лар топталаверади. Билинг! Мен сиздан кўркмаймен.  
Фарзандларингиз кўркмайдию...

БОЙҚАРО (ўзича, ўкиниб). Дунёда шафқат бағрида  
шафқатсизлик, меҳр бағрида меҳрсизлик, камтар, сод-  
да иш тутиш бағрида бепарво ҳурматсизлик туғилиши  
наҳотки, ҳаётда қонуният бўлса? Мен мамлакатни  
йиллар давомида тинч-осойишта сақладим. Уни обод,  
бой, маърифатли ҳолга келтирдим. Ҳирот «Ердаги  
жаннат» деб ном олди. Бобомиз Соҳибқирон Амир  
Темурга муносиб иш тутишга ҳаракат қилдим. Лекин  
биринчи бўлиб улғая бошлаган фарзандларим итоат-  
дан бош тортиди, интизомни бузди... (Жамоага.) Демак,  
сенлар ҳам итоатдан бош бурмоқдасанлар? Бир куни  
ўзларинг ўз бошларингга етишларингни англамаяп-  
санлар! Ҳар қандай итоатсизлик, исён зулмининг она-  
сидур...

*(У тахтиравонда узоқлашади. Бузғунчилар та-  
ланган, ўғирланган нарсаларни халта-қопларга жой-  
лаша бошлашади. Соядек судранган Султон Бадиуз-  
замоннинг қаршисида қутилмаганда Амир Алишер  
Навоий жонланади. Яқин-олисдан узун бир аёллар  
ноласи эшитилади.)*

БАДИУЗЗАМОН. Азиз устоз! Муҳтарам Амир! Би-  
ласиз, подшоҳ-отам ҳарамига кирган ўн бир хотин-  
дан кўп ўғул, кўп ўғул-набира кўрди. Булардан ҳар  
бири подшоҳ бўлишни истади. Мен ҳам... Бунинг учун  
шаҳзодаларни айблаш қийин. Бизнинг қисмат йўлимиз  
шу! Мана, энди бошим қотғон. Салтанатни эгаллаш-  
дан ҳам кўра уни асраш мушкул экан! Қаранг, ўзига  
бино кўйғон, нафс-манфаат йўлида одамларни янчиб-  
топташдан, ҳатто қотилликдан қайтмайдиғон бу бос-  
қинчи, жоҳил, ёвуз оломонга қарши нима қилмоқ керак?

*(Бошқалар сингари Амир Алишер ҳам атрофида  
капалакдек айланаётган Султон Бадиуззамонга эъ-  
тибор бермайди, уни кўрмайди. Бу орада сал пасай-  
ган аёллар ноласи энди авж пардага кўтарилади.)*

АЛИШЕР (махзун кўйда).

**Кўруб дардим, тараҳхум қилмадинг ҳеч.  
Тўкуб ашким, табассум қилмадинг ҳеч.**

**Фироқинг ўти ичра неча йиғлаб  
Фиғон чекдим. Тараҳхум қилмадинг ҳеч.**

**Жаҳонга оҳ-у, ашким солди ошуб,  
Бу тўфондин таваҳхум қилмадинг ҳеч.**

**Сўзунг шавқидан эрдим – хаста умри,  
Сўрарға бир такаллум қилмадинг ҳеч.**

**Мусаллам ишқ, эй кўнглум, сангоким,  
Кўруб зулмин, тазаллум қилмадинг ҳеч.**

**Муҳаббат аҳли қисмин неч-чун, эй чарх,  
Қилиб меҳнат – танаъум қилмадинг ҳеч...**

*(Безорилар энди кўчадан апил-тапил даф бў-  
ладилар. Кўчада биргина Амир Алишер ва ҳамон  
унинг атрофида айланаётган Султон Бадиуззамон  
қолади.)*

БАДИУЗЗАМОН (ўзича).

**Эл жафосининг малоли...  
Ўксуди эл майли мендин...**

Улуғ устод! Дунё шу, ҳар ким ўзини бошқалардан  
ақллироқ, кучлироқ деб билиб, бири-бирини энгиш,  
бири-бирини маҳв этишдан иборатми? Наҳотки, инсон  
шунинг учун дунёга келгон бўлса? Падари бузрукво-  
рим мени тиз чўқтирмоқ истади! Мен уни мағлуб эт-  
гим келади! Мана, бу ваҳший тўда эса бизнинг барча-  
мизни йўқ қилиб, ўзи ҳукмрон бўлишга урунади... Бу  
телбаликнинг ниҳояси борму? Худойим, тўзим бер!

*(Амир Алишер Султон Бадиуззамонга қарамайди,  
уни пайқамайди.)*

АЛИШЕР: Худойим! Сен одамни тўкис яратдинг.  
Уни кўркам дединг. Унга кўркам туйғулар бахш эт-  
динг. Аммо инсон ўз умрида жаҳолатдан, ғафлатдан  
қутулолмади... Одамда одамлик асраниши керак! Дунё  
бир куни ҳалокатга юз тутмасин, деса у барибир, ўзини  
тасқаралиқдан халос этмоққа мажбур...

*(Алишер чиқиб кетади. Султон Бадиуззамон  
кўча ўртасида чўкиб, бошини чангаллайди.)*

БАДИУЗЗАМОН (ўзича). Устоз юрт тинч, эл осо-  
йишта, фаровон, бахтли яшашини истадилар. Аммо  
кўпчилик атрофда «гўрлар кўпорилсин, ўзининг қозони  
қайнаши»ни ўйлаган бир шароитда бунга қандоқ эри-  
шасан? Бу қисматми ёки бизнинг айбимизми? Биз  
адашиб-улоққан бандаларингни кечиргин, Худойим!

### Бешинчи ҳолат

*Султон Ҳусайн Бойқаро саройи хоналаридан би-  
рида Амир Муборизуддин Валибек, Амир Али Бобо,  
Мавлоно Саҳибдоро, Хўжа Шаҳобиддин, Абдулхай  
табиблар тўпланган.*

ХЎЖА ШАҲОБИДДИН. Валинеъматимиз ва  
пушти-паноҳимиз Султон Ҳусайн ҳазратлари уч кун-  
дан буён девонда кўринмайдилар. Ниятлари не, биз  
билмаймиз. Аниқ, не иш билан машғул бўлишни ҳам  
билмаймиз.

АМИР ВАЛИБЕК. Бизнинг ҳар қачон вазифамиз  
арзу дод эшитиш, ғофил турмай молу мулк ишини на-  
зорат қилиш, яна жаноб Султон айтғонларидек, мунта-



зам таворих-китоб кўруб мушоҳада юритиш эмасму? Аҳвол қандоқ бўлмасун, киши ўз вазифасини бажа-ришга масъул.

АМИР АЛИ БОБО. Бу айни ҳақиқат. Аммо ҳамма нарса шарт-шароитга боғлиқ. Ҳозир биз нима қила оламиз? Мен қаттиқ ташвишдамен. Адашмасам, Султон ўзлари ҳам қанча саъй кўрсатмасунлар мамлакат ёқа-енги бир бўлмағонидан шу кунлар чуқур изтиробда. Бир ён Ҳиротдаги парокандалик, бир ён суюкли шаҳзода Султон Бадиуззамон Мирзо...

АМИР ВАЛИБЕК. Султон Ҳусайннинг умрларида бу биринчи танг аҳвол эмас. Султон саломат ва бардамлар. Иншооллоҳ, барча иш хайрли бўлғай. Вазири аъзам Мажидиддин Муҳаммад Султоннинг ҳузурларига борғонлар, келсунлар, янги бир машварат бўлса, эшитгаймиз.

СОҲИБДОРО. Амир Алишер Навоий Султон Бадиуззамонга кўп меҳр кўргузғон. Тарбия берғон. Аммо Бадиуззамон Мирзо Амир Алишернинг иродаларига бўйинсунуб Ҳирот қопқасини тарк этғони билан, шаҳаншоҳга қарши адоватли жангдан батамом қўл тортғони йўқ. Бу кун у саркарда Шижоъуддин Зуннун билан бирликда Балх мамлакати ва унга тобе бўлғон ерлар, Мурғобдан то Амударё бўйларигача зафар қозониб эгаллаб бораётғони бутун мамлакат учун хавотирлидур.

АМИР АЛИ БОБО. Ҳозир ташқи низолардан ҳам кўра кўпроқ Ҳирот ичидаги номаълум талотум ёмон. Бу барчамизнинг ҳаёт-мамотимизга тегишли. Расули Акрамдан кейинги Халифалик даврида Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмондек саҳобаи киромларни кўчада чавоқлаб кетган диёнатсиз қавм бу кун биздек ожиз бандаларга қўл кўтармаслигига ким кафолат бера олади? Мен гапирмасдим, аммо пичоқ суякка бориб етди.

ХЎЖА ШАҲОБИДДИН. Биз албатта, Султон Бойқарога бир не демоққа ожизмиз. Султон ҳазратлари бизнинг чулдирашимизни тинглашга муҳтож ҳам эмас. Ҳукм подшоҳнинг ҳукмидир! Лекин неча кундур масжид-мадрасалар, йўллар, кўприклар қурилиши, ободонлик тўхтағон. Ҳиротдек кўкдан тушғон мовий шаҳар вайронага ўхшаб турибди. Уйларда мотам-маросим бор, тўй йўқ. Бозорда савдо ўлғон, деҳқонлар шаҳарга бундоқ эшакда ўтин ҳам олиб келмаяпти.

АМИР АЛИ БОБО. Энг ёмони, Амир Валибек, Соҳибқирон Амир Темур Самарқандда тузғон пойтахтни бир пайт Шоҳрух Мирзо Ҳиротга кўчирғонида Самарқанду Бухородан, Хивадан, Фарғонадан, Қаршидан, бутун Туркистондан саройга яқин турмоқ истаб, бу ерга келиб қолғон оқил ва кўркам инсонларнинг фарзандлари энди уй-жойи, мол-мулкни ташлаб Ҳиротдан ҳар ёққа гурас-гурас кўчиб кетаяпти. Биз Мовароуннаҳр билан Хуросон – иккиси ҳам юртимиз, деб юрғон эдик. Бу ерда мақом топғон туркий эл-улус учун Хуросон бу кун ватан бўлмай қолди.

АМИР ВАЛИБЕК. Биз билғон гапларни Султон Бойқаро ҳазратлари юз чандон ортиқ англайдилар, ўйлайдилар. Подшоҳ ҳукми вожиб, биз кутгувчилармиз! Мажидиддин Муҳаммад келсунлар, балки бир мужда бўлғай... Биродар Абдулхай табиб! Ҳазрат Амир Алишернинг саломатликлари қандоқ?

АБДУЛХАЙ. Бир оз товлари қочғон эди. Бу кун анча дурустлар, тонгла хабар олғон эдим...

ХЎЖА ШАҲОБИДДИН. Амир Алишерга қадрдон ва мусохиб бўлсам-да, ҳазратнинг бот-бот хуруж қилғон дардлари не, мен яхши билмасмен.

АБДУЛХАЙ. Амир Навоийнинг дардлари ҳар бир воқеага куюнуб, эҳтирос била, бор имкон доирасидан ҳам кўп ўзини сарфлаш, бундан ҳолсизланиш касали, заъф касалидур. Бу касалнинг давоси ҳар қандоқ ишдан, ҳатто изтиробли ўйдан тўхтаб, ором олмоқдур. Гоҳ ёлвориб, гоҳ дағдағага ўтуб ҳам, буни ҳазратдан талаб қилолмайсан.

АМИР АЛИ БОБО. Шу кунлар ҳазрат айниқса қайғуга ботғон бўлсалар керак...

*(Вазир Мажидиддин Муҳаммад кириб келади.)*

МАЖИДИДДИН. Ҳамон мажлис куриб ўлтириб-сизларми?

ҲАММА. Балле.

МАЖИДИДДИН. Олампаноҳ билан ундан-бундан анча сўзлашиб қолдик.

АМИР ВАЛИБЕК. Лутфу карам соҳиби онҳазрат не дедилар?

МАЖИДИДДИН. Ҳеч нарса.

АМИР АЛИ БОБО. Аҳвол борасида бир оғиз ҳам индамадиларми?

МАЖИДИДДИН. Бунда не ҳикмат, билмасмен, Султон жаноблари менга осойишта ва бедард кўрундилар. Хазина қурий бошлағонию бож-хирож масаласида гап-лашдилар. Аскарлар толиққанию уларда жанг қилиш салоҳияти пасайганига ўқундилар. Фақат, гап орасида бир марта, тунда нега ҳар ерга қўйилғон посбонлар, кўчалардаги қоровуллару миршаблар писиб-беркиниб юрғон экан, аниқланглар, дедилар. Хуфялар шундай хабар етказғон бўлиши мумкин!

ХЎЖА ШАҲОБИДДИН. Фақат шу холосми?

МАЖИДИДДИН. Йўқ. Кейин, улуғ махдумимиз Султон жаноблари (*қўйнидан қоғоз чиқариб*) боболари Амир Темур Соҳибқироннинг мана, бу қоғозда ёзилғон сўзларини ўқиб бердилар. “Ҳеч ким эшитдим, менинг қўл остимда бўлғон ерлардаги бир шаҳарда дўконнинг ўғирланғонини? Ёки, қайси бир кишининг уйига ўғри босиб кирғонини?.. Чунончи, бир доруға шаҳар амниятини ўз устига қабул қилиб олдим, у қуруқ номга вазифахўр эмас, балки масъулиятли бир ўринда турғонини билмоғи, кеча-кундуз ўз вазифасининг ижросида огоҳ бўлмоғи лозимдур. Агар бир ўғрилиқ ҳодисаси зоҳир бўлса, ҳаммадан аввал доруғанинг ўзи масъул тутиладур. Ўғри топилмаса, доруғанинг қўли кесилиб, ўғрининг ўрнига ўзи жазоланадур...” (*Қоғозни қайтиб буклаб қўйнига солиб.*) Бу гаплардан камина недур англагондек бўлдум. Аммо хулоса ясаёлмадим.

АМИР АЛИ БОБО. Хулоса маълум. Султон Ҳусайн жаноблари шаҳарда тартиб ўрнатишни балки, биз, аҳли давлатдан, балки, фуқаронинг ўзидан кутаяптилар. Қандайдир истиҳола юзидинми, ўзлари бирон чора кўришга шошмаяптилар.

ХЎЖА ШАҲОБИДДИН. Нимадан истиҳола? Нега? Ахир, нега? Аҳвол кундан-кун бадтар эканини айтмадингизми?



## Олтинчи ҳолат

*Амир Алишер Навоий ўз уйи тўрида, хонхата олдида хаёл суриб ва қуюлиб келган мисраларни қоғозда тизиб ўтирибди. Ҳар дам тўхтаб, остонага ўйчан тикилади, бировни кутаётгандек бўлади.*

АЛИШЕР.

**Не тирикмен, не ўлик, не соғ, не бемормен,  
Айта олмонким, фироқингдин не янглиғ зормен.**

**Нуктаи оғзинг ғамидин тортибон жадвалдек оҳ,  
Ашк селин оқизиб, саргашта чун паргормен.**

**Дўстлар, кўнглум ҳадисин демангиз, Тенгри учун,  
Ким, мен ул девонаи саргаштадин безормен.**

**Кўнглакингдинким, топар жон дам-бадам Юсуф иси,  
Эй азизим, мен ҳам ул кўнглак аро бир тормен.**

**Бир қуёш ҳажринда тундек рўзғорим тийраду,  
Тонг эмас, гар тун киби, мотам тутуб йиғлормен.**

**Майли афъюн эзгил, эй муғким, бу эски дайр аро  
Телбарармен ғуссадин, гар бир нафас хушёрмен.**

**Невчун эл дашному таънидин бўлай ошуфтаҳол,  
Эй Навоий, чун неким дерлар, юз онча бормен.**

*(У яна остонага тикилади ва унга гўёки остонада бир Нозанин тургандек туюлади.)*

НОЗАНИН. **Не тирикмен, не ўлик, не соғ, не бемормен...**

Бу ҳолатнинг поёни борму?  
Хаста экансиз. Кўргони келдим...

АЛИШЕР.

Кел-кел, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени,  
Чеҳра очким, кўрмак истар дийдаи гирён сени...

*(Нозанин остона кечиб, бурқаъни очади.)*

**Эшиқдин соя киргач, соғинур-менким,  
куёшимдур...**

НОЗАНИН *(пойгақда чўкиб)*. Мен соя эмасмен.  
Жонли вужудмен! Сиз мени доим соя деб билдингиз.

АЛИШЕР. Шубҳасиз, вужуд. Жонли вужуд!

**Хусни ортар юзда зулфин анбар-афшон айлагач,  
Шам равшанроқ бўлур торин паришон айлагач...**

НОЗАНИН. Дарвоқе, шам. Сиз мени бошда Гули деб танидингиз. Кейин, бора-бора ғазалларингизда номаълум бир гўзалга, Нозанинга айландим. Бу мен учун шараф. Бахт! Лекин мана, энди умр шамимиз кундан-кун сўниб бораяпти. Шундай паллада, яна хаста ҳолда ўтириб, нега ёзаяписиз? Ёзманг! Ўзингизни асранг!

АЛИШЕР. Илож йўқ. Бу менинг ҳаётим мазмуни... Дунёда шу қадар олис йўл, олис масофа кечдимки! Айрилиқ, саргардонлик, ночорлик, ғариблик... Аммо маҳзун НАВОДан умидбахш НАВОГА етиб келиш мени НАВОИЙга айлантирди! Умримда оёқ остида лойдек

хорланиб-топталишларни ҳам, лойдан ясалғон кўзадек қўлларда кўтариб алқашларни ҳам кўрдим. Мени ни-гун ҳолатда ерга кириб кетишдан, фараҳли-кўркем ҳолатда ўзингни осмон деб ўйлашдан Сўз, Назм, Адабиёт асради! Умрим сўнгигача мен шу Қора Меҳнатга ва Сенга фидомен, парирухсор!

НОЗАНИН. Менга дейсизму? Ростданму?

АЛИШЕР. Рост! Сен!

**Гоҳ сарв узра, гоҳе гул узра булбул нағмасоз...**

НОЗАНИН. Барибир, тузалгунча ёзманг. Қаранг, шаҳарда нима ғавғо? Оламда нима шўриш? Наҳотки, Сизнинг меҳнатга берилиб изтироб чекканингиз шу, телба оломонга керак бўлса? Наҳотки, азалдан нокомил ҳаёт алал-оқибат изга тушади, хатолардан, гуноҳ қилишдан умрида ҳайиқмаган одамлар ўзгаради, инсон тузалади, деб ўйласангиз? Ерда ҳақиқат ҳукм суриши, Адолат қарор топиши учун биров ўлгунича куйиб-ёниши – наҳотки! – шарт деб билсангиз? Бунга ишонсангиз?

АЛИШЕР. Ишонамен! Шарт!

НОЗАНИН. Хаёлпараст! Булбул!

АЛИШЕР. Менинг хасталигим ўткинчи. Меҳнатим бир овунчоқ. Дардим бошқа... Биз, инсонлар ёлғон-ёзуққа, нафс йўлида алданишга, кибру-ҳавога берилғонмиз. Покланиш ва бошқаларда ҳам бунга кўшиш уйғотиш аввалдан, олисда қолғон болалиқдан умримда муродим бўлди. Бунга гоҳ эришдим, гоҳ аро йўлда қолдим! Менинг ҳаётим дунёда бўлғон-бор хатолар, гуноҳлардан озорланиб, Тангри таолога қилғон ибодат-илтижо! Бутун саъй-ҳаракатим ҳам ибодат-илтижодур.

НОЗАНИН. Умрингиз охирлаб, бошингиздан кўп савдолар ўтуб, телба дунё ройиши қандоқ, одамнинг феъл-атвори қандоқ, билмадингизму? Сиз ўйлаган – инсон камолотга етиши, покизалик, бу – саҳродаги бир сароб...

АЛИШЕР. Валлоҳки, бу неча минг йиллардан келган акс-садодур. Ғариб Оламда ҳар қачон Гўзал Оламлар, ажиб белги-хислатлар топилғон. Хушхулқ, хуштаъб кўп инсонлар ўтғонлар. Ҳеч қачон ёлғон ҳақиқатдан, ваҳшат одамииликдан, хунуклик кўркамликдан, ёмонлик яхшилиқдан ғолиб келмағон. Ғолиб келмагай, иншооллоҳ! Биз ўз қавмимиз маърифатли, олижаноб, мағрур ва яқдил бўлишини орзу қилғон кишилармиз. Биз фоний дунёни беазагон фано аҳли, ишқ аҳли элчиларимиз. Изтироб эгаларимиз.

НОЗАНИН. Ишқ ва изтироб бир эканму?

АЛИШЕР. Бир!

**Дилбаро, сендин бу ғамким, менда бордур. Кимда бор?**

**Фурқатингдин бу аламким, менда бордур. Кимда бор?**

НОЗАНИН. Севсангиз, нега мендан узоқлашдингиз? Яна, гўёки менга фақат “бир булбули нолон керак” эмиш... Фироқ-айрилиқ боиси мен эмас. Ўзингиз.

АЛИШЕР. Балки, ўзим?

**Ҳар дам онсиз юз ўлум эрди Навоий жонига, –  
Бир ўлум бирла бу дардиға даво қилди фироқ.**

НОЗАНИН. Ёзғонларингиз аксар ҳасратли... Биз бахтли бўлармидик?

*(Олисдан, аллаердан яна аёллар фарёди эшитилади.)*





АЛИШЕР (*бир оз сукутдан сўне*). Мен сени бахт-сиз қилишдан кўрқдум. Аёл ишқ учун яратилғон! Изтироб учун яратилмағон...

НОЗАНИН. Дунёда доим изтироб чекиб яшаган аёл-ку!

АЛИШЕР. Менинг дарवेशона йўлим бир кишилик! Сени севдим. Ёндим. Ўртандим. Аммо менинг тўфонли уммонимда сенинг фарқ бўлишингни истамадим. Инсон бир неча вазифани бўйнига ололмайди, бир вазифани бажаради! Менга бировга зулм қилмоқдин ёлғизлик ва бекаслик афзал туюлди. Бу мен ишқдан воз кечганимдан эмас! Бир инсондек яшадим.

НОЗАНИН. Бу кун мамлакат нотинч. Шаҳарни ҳам совуқ бир шарпа, қора бир исён ишғол этган. Гоҳ тун, гоҳ кундуз аёллар оху фарёди кўкка кўтарилаетир! Сиз чарчагансиз. Хастасиз. Лекин нега бу бобда бирон чора-тадбир топмаяпсиз?

АЛИШЕР. Бу бобда мен ўзи-ўзимдан бир иш қилолмасмен, чора-тадбир кўрмоқ Султон Ҳусайн жанобларининг вазифасидур. Олий таъб, инсоф ва диёнат соҳиб Султон Абулғози Бойқаро қандоқ йўл тутишни бу фақирдан кўпроқ билурлар. Барчадан бурун мамлакат тақдири учун жавоб бермак шоҳларнинг насибидур.

НОЗАНИН. Султон ҳазратлари сушт қарамоқдалар. Ишни пайсалга солмоқдалар. Ҳар куни қон тўкилаётир. Неча одамнинг хонумони куяётир. Бундан шаҳаншоҳ заррача қаҳру ғазабга келмаётирлар.

АЛИШЕР. Оллоҳнинг ғазаби-ю, шоҳнинг ғазаби кўрқуликдур. Султон қаҳр нишонаси қизил либос кийиб, бошига қирмизи тож кўндуриб хос хонадан саройга чиқса, оламга ўт кетиши тайин. Бу кунча шоҳимиз бардош кўрсатмоқдалар.

НОЗАНИН. Бардошнинг ҳам уйи куйсин! Элнинг аллақачон сабр косаси тўлғон... Султон эса бепарво юрғондек!

АЛИШЕР. Бепарво эмас! Воқифмен, жаноб Султон асосан, ҳар ерда уруш ҳаракатлари кўзғалаётгани билан хаёллари банд. Ҳиротдаги аҳволга кундалик

кўнгилисиз ҳодисалар деб қарагон бўлишлари мумкин. Бундан бўлак, Бойқаро учун майдонда душман аниқ, жангда юзма-юз олишиш ўнғай. Аҳоли ичидаги тартибсизликка қарши қилич кўтаролмайсан! Яна айтсам, жоҳил ҳолга киргонлар умуман ўсмир, ёш. Айниқса, булардан бир қисмининг “етим” деган номи бор. Мусулмон подшоҳи ўз юртида “етим-есирлар бошини силаш” ақидасига амал қилиш ўрнига бунга қарши иш тутиши қийин... Шу боисдан, Султон билан орамизда баъзибир зиддиятлар борлигига қарамай, мен ҳам паришонмен!

НОЗАНИН. Мен тушунмадим. Бу ҳолда нетмоқ керак?

АЛИШЕР. Ҳақиқат ва адолатга қараб, сабр-бардош кўрсатиб иш тутмоқ керак.

НОЗАНИН. О, бунинг учун узоқ йиллар, асрларни кутишга тўғри келади...

(У ўрнидан туриб, чиқиб кетади.)

АЛИШЕР.

**Ёр борди-ю, кўнглумда анинг ноzi қолибдур,  
Андоқки, қулоғим тўла овози қолибдур.**

**Кўз хонасини қилди – барандохта бу ашқ,  
Кўз борди, вале хона барандози қолибдур.**

**Кўнглум қуши то сунбулингиз домиға тушди,  
Булбул киби ҳар гул сори оғози қолибдур.**

**Ул қуш сафар айлаб, не тараб, гулбунин очгай,  
Ким, боғ аро бир – сарви сарафроси қолибдур.**

**Мен ишқ румузин демай ўлдум. Сафар этгум,  
Фарҳод ила Мажнуннинг ўкуш рози қолибдур.**

**Тақлид қилиб кўнглума – ишқ аҳли чекар оҳ,  
Ул борди-ю, эл ичра саровози қолибдур.**

**Ҳижрон-у, висолни кўпу оз дема, Навоий,  
Юз шукр деким, кўпи бориб, ози қолибдур...**

Парда.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### Еттинчи ҳолат

Султон Ҳусайн Бойқаро саройи. Аъёнлар жам. Вазир Маждиддин Муҳаммад, Амир Муборизуддин Валибек, Амир Али Бобо, Мавлоно Соҳибдоро, Хўжа Шаҳобиддин шу ерда. Амир Алишер Навоий ҳам шу ерда.

*Қизиллибос кийиб, бошига қирмизи тож кўндирган  
Ҳусайн Бойқаро кириб келиб, тахтга ўтиради.*

БОЙҚАРО. Маждиддин Муҳаммад! Ҳирот осойишталиги учун не чора-тадбир кўрулди?

МАЖИДИДДИН. Онҳазрат! Тунда дўконларнинг қоровуллари ва кўча посбонлари, ўктам йигитлардан танлаб, икки ҳисса кўпайтурилди. Кундузлари ҳам

одамлар ўз иши, тирикчилик билан машғул бўла олсин учун собиқ сипоҳилардан бир қисми миршабларга бориб қўшулди. Тагин...

БОЙҚАРО (*кескин*). Аммо аҳвол тузалғони йўқ. Девонга шикоят ёзаётгон кўп. Арзу-дод билан келаётгонлар ҳам... Амир Валибек, сиз не дейсиз?

ВАЛИБЕК. Аҳвол дарҳақиқат оғир, Султон жаноблари. Барча камар боғлағонмиз, ҳар доим бўлғонидан юз чандон ортиқ югуриб-елиб хизматдамиз. Натижа кўринмаётир!

БОЙҚАРО (*бошқа аъёнларга*). Сизлар не дейсизлар?

АМИР АЛИ БОБО. Бузғунчи-безорилар шаҳарнинг қаерида? Қандоқ беркиниб юрибди? Биров билмайди...



**ХЎЖА ШАҲОБИДДИН.** Шаҳарда, нотинчликка қарамай, жаъми болалар, ёшлар кундузлари мактаб-мадрасада. Тунда булар орасидан кимлар ўғрилик, қотилликка бораётир, ажратиб-аниқлашнинг иложи йўқ...

**СОҲИБДОРО.** Султон ҳазратлари, кўплар саройга арзу-дод қилсалар-да, кўча-кўйда одамлар сўзлашишдан қочмоқдалар. Улар ўзларига зиён тегиб, бир қор-қол рўй беришидан кўрқиб-хавотирдалар...

**АЛИШЕР.** Юрт хавф остида. Элнинг аҳволи яхши эмас. Бутун саъй-ҳаракатга қарамай, бу кунгача жиддий бирон чора-тадбир кўрилмағони аниқ.

**БОЙҚАРО.** Фармон тайёрлангиз! Қайси кўча, қайси маҳаллада безор ва бебошлар бўлса-ю, уни тутиб келтириб беришмаса, шу жойни бузуб ташлаб, аҳолиси қириб ташлансун... Шафқат қилиб ўтирилмасун! Мен борича меҳр ҳам, бардош ҳам кўрсатдим. Етади... Рухсат сизларга! Амир Алишер, сиз тўхталинг...

*(Аъёнлар чиқиб кетишади.)*

“Подшоҳлик борлиғи – бошдин-оёқ бош оғриғи!” Маъқул айтғонсиз. Билиб! Онглаб... Ҳиротда турғон танглик тез барҳам топиши лозим. Нури-дийдамиз Бадиуззамон Мирзо кўп ерни тортиб олиб, эгаллаб, юрт иккига парчаланиб қолғони кам. Шаҳзода бизга қарши янгидан қўл кўтармоқ учун лашкар йиғаётғони менга аён. Унинг ғолиб-жаҳонгир байроғи ҳаммаёқда шуъла сочаётир. Лашкарининг сурнай ва карнай овози бот-бот қулогимга чалинаётғондек...

**АЛИШЕР.** Шаҳаншоҳи олам, Султон Бадиуззамон ўз жигарбандингиз! У феъли торлик қилиб Сизга қарши турса-да, Сиз унга қарши борманг...

**БОЙҚАРО.** Шаҳзоданинг катта қўшунга бошчилик қилиш салоҳияти, ҳарбу зарбда истеъдоди борасида эшитиб, бир ёқдин фахрландим. Суюндим. Болам сафга кирибди, деб ўйладим. Иккинчи ёқдин мени ғам-ғусса чулғади. У менинг шон-шавкатимга путур етказмоқда.

**АЛИШЕР.** Султон Бадиуззамоннинг шон-шавкати ҳам сизнинг шон-шавкатингиз, хоқоним...

**БОЙҚАРО.** *(уни эшитмагандек).* Мен қисматимга шукрона келтираман, Ҳақ субҳона-у ва таоло менга шоён бахт берди, лекин мен истагон оқил ва солиҳ фарзандлар бермади. Бобомиз Ҳазрат Амир Темур Соҳибқирон тузғон катта давлатдан фақат бир улуш қолди, у ҳам синдирилғон нондек, парчаланғон. Мендин сўнгра, ғайрат-шижоати бор, аммо фикр-мулоҳазаси йўқ Темурзодалар уни ҳам “еб битиришлари” муқаррар. Мен буни кўриб турибмен! Шу кунлар кўнглумда жанг қилиб Бадиуззамон Мирзонинг таъзини бериш нияти турибди, шундоқ қилардим ҳам! – мамлакат заифлашғон, аскар жангга тайёр эмас. Бир оз муддат керак...

**АЛИШЕР.** Менинг кенгашимга қулоқ тутсангиз, Мажидиддин Муҳаммаднинг маслаҳатига кириб элулусдан ўлпон йиғишни тўхтатинг. Хазина бўшаб қолғон экан, мен ҳаж учун тўплаган нақдинамни тортиқ қиладурмен. Элнинг норозилиги янги бир исёнлар келтириши мумкин. Жанг қилиш ниятидан ҳам қайтинг, онҳазрат. Ота-боланинг жанги хосиятсиз иш. Олдинги бундоқ жанглар эл-улуснинг қони бекордан

тўкилғони-ю, мамлакатда катта билан кичик орасида ҳурматсизлик уйғонганидан бўлак нарса келтирмағони ўзингизга маълум. Мени маъзур тутинг, шаҳардаги аҳвол ҳам шунинг оқибати...

**БОЙҚАРО.** Мен аралашмасам-да, ташқарида шаҳзодалар бошлиқ, шабохун тарзида амирлар, беклар ичида бораётғон жанглар ҳам, шаҳардаги бу тартибсизлик ҳам ўзи-ўзидин чиқмағони аниқ, албатта. Муҳими турли тарафдин Хуросонга, бутун туркий элулусга ғайрлик қилиб нифоқ солиш ҳаракатида юргон, келиб одамлар орасида жойлашғон, жоҳил, нодон кимсалардин бировни мактаб, бировга ҳатто маблағ бериб уларнинг териси остига кирғон душман бу кун ҳар ерда топилиб турадур. Мен бу кўрунмас қўлни қир-қолмадим.

**АЛИШЕР.** Буни бартараф этиш учун мамлакатда осойишталик даркор. Бир хонадонда аҳиллик бўлмаса, бегоналар хонадон эгаларидан ҳар бирини камситиб, озор етказа оладурлар.

**БОЙҚАРО.** Хўп, нетмоқ керак?

**АЛИШЕР.** Ҳақиқатга риоя қилиб, адолат юзидин иш тутмоқ керак...

#### Саккизинчи ҳолат

*Мурғоб дарёси бўйидаги қасрда Султон Бадиуззамон Мирзо каттакон дераза олдида ўтирибди. Дераза ортида, майдонда сипоҳилар қиличбозлик машқи ўтказишяпти.*

**БАДИУЗЗАМОН (ўзича).** Аслида, Ҳиротни оладурғон бўлсам, ҳозир олғон дуруст. Хуфялар, у ерда ит эгасини танимайди, деяпти. Падари бузруквор қайсарлик қилмай салтанатни менга топшириб қўя қолсалар-ку, яхши бўларди. Аммо ўзим бостириб бориб олсам, шоҳ билан қандоқ муносабат тутаман? Отам бўйинсунса, ҳай-ҳай! Бўйинсунмаса, Абдулла-тифга ўхшаб падаркушга айланаманми? Албатта, шоҳ атроф-булукларнинг халқини қалъа ичкарисига олиб, шаҳар девор ва буржларини мустаҳкамлайди. Жангга ҳам киради! Кейин-чи? Менинг йигитларим яхши. Лашкарим кучли. Ғолиб келишим кўриниб турибди! Фақат... ўртада Амир Алишер! Араб ва Ажамда у машхур. Ўзи ҳам дунёни кафтдагидек кўради. У билан ҳисоблашмай бўлмайди. Дунёга минг йилда бир келадурғон киши у! Сенга бир оғиз “ҳайф” деса, тамом, ер ёрилиб ерга кирғондек. Қандоқ илож топса экан?

*(Амир Шижоъуддин Зуннун киради.)*

Менга қара, Шижоъуддин Зуннун! Қўшун жангга тайёр, деб ўйлайсанму?

**ЗУННУН.** Тайёр. Бунинг устига, Ҳирот ичкарисида энди бизга хайрихоҳ кўп. Султон Бойқаро кўтарилғон тўзонни бостиролмаяпти. Ҳаммаёқ алғов-далғов. Аммо...

**БАДИУЗЗАМОН.** Нима, аммо?

**ЗУННУН.** Ҳиротдан Мавлоно Соҳибдоро Сизни зиёрат қилғони келғон.

**БАДИУЗЗАМОН.** Мулозимга айт, олиб кирсун.

*(Зуннун мулозимга кўрсатма бериб, орқага қайтади.)*





Нима мақсадда келгон экан?

ЗУННУН. Индамади. Сиз билан кўрушиб-зиёрат, деди, холос.

БАДИУЗЗАМОН. Мавлоно Соҳибдоро бунинг учунгина келмайди.

*(Мавлоно Соҳибдоро киради.)*

Мавлоно, марҳамат, хуш кўрдук.

СОҲИБДОРО. Улуғ Султон ҳамиша саломат бўл-гайлар.

*(Ўтиб ўтиради.)*

Азиз Мирзо! Сиз билан гапим пишса, расмий, йўқса, шахсий меҳмонингизмен.

БАДИУЗЗАМОН *(кулиб)*. Иккисини бирлаштирса бўлмасму?

СОҲИБДОРО. Бунинг учун иккимиз олдин махфий сўзлашиб, келишиб олишимиз лозим.

БАДИУЗЗАМОН. Мен Ғур яйловига Сейистондан, Амир Зуннун ўзига тегишли Заминдовардан келиб, бир мақсад билан лашкарни қўшгон кундан буён менинг Амирдан бекитиқча гапим йўқ.

СОҲИБДОРО. Мен қаршингизда хижолат чека-дурғон гаплар чиқиши мумкин, шаҳзодам.

БАДИУЗЗАМОН. Чиқаверсун!

СОҲИБДОРО. Султон Бойқаро ҳазратлари билан Сиз, муҳтарам шаҳзода, ота ва фарзанд бўлгонларингга қарамай, орада сулҳ тузмоқ таклифи билан келдим.

БАДИУЗЗАМОН. Сулҳ? Шаҳаншоҳ ожизланиб, сичқоннинг ини минг танга бўлғонидами? Паришонланиб, пайтавага қурт тушғонидами?

СОҲИБДОРО. Бу – иннинг қандайлигига боғлиқ. Бу этикка ҳам боғлиқ! Подшоҳ жанобларининг этиклар-и ҳали мустаҳкам... Рухсат бердингиз, айтаман, мени маъзур тутасиз! Ҳозир Сизнинг аҳволингиз мушкулроқ. Қўлингизда шоҳлик шаҳодатномаси йўқлигидан, сизнинг лашкарингиз ҳар ёқни талаб юрғон қароқчи ка-бидур. Шариат ҳукмига биноан, Сиз икки томондан, подшоҳга ва отага саркашлик қилиб, исён кўтаргон осий ҳолдасиз.

ЗУННУН. Сулҳда не кўзда тутулгон?

СОҲИБДОРО. Сулҳ ҳар жиҳатдан хайрлидур.

БАДИУЗЗАМОН. Сўзланг.

СОҲИБДОРО. Энг аввал, Падари бузрукворин-гиз ҳар қандоқ муҳолифатни унутиб, Сизнинг бор гуноҳингизни кечирадилар. Сиз ҳам фитна-фасод, са-рой ўйинлари қурбони бўлгон жигарбандингиз Мўмин Мирзо учун Падари бузрукворни кечиринг. Айниқса, бу кун сиз эгаллаб турғон Балх мамлакатига ва унга тобе ерлар, Мурғобдан Амударё бўйларигача Сизда қолади. Пешкаш қилиб, муҳр босиб берилади. Фақат, ўртада подшоҳ ва отанинг ҳақ-ҳуқуқи, ҳурмати риояси қолади. Сиз тўла ваколат билан қўлга олғон вилоят-да хоқон ҳазратларининг ҳумоюн номи билан Сизнинг донгдор номингиз хутбада бирга қўшиб ўқулади...

БАДИУЗЗАМОН *(ўйланиб турганча кулиб)*. Ўз мулкингни ўзингга қайтариб бермоқ... Бу – ўз шаръий хотинингга уйлангон кабидур.

СОҲИБДОРО. Истасангиз, шу. Бу борада олдин Амир Алишер ҳам сизга мактуб ёзгон. Истамай жанг

қилмоқ бўлсангиз, барчамизга бу не малолату, не ма-ломат, келтурушини Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи билади.

ЗУННУН. Шартнома тузилгони?

СОҲИБДОРО. Тузурмиз.

БАДИУЗЗАМОН. Тўғриси айтинг, Падари Буз-руквор надомат чекиб ўзлари шундоқ нозик кўнумга келдиларму?

СОҲИБДОРО. Худо ҳаққи, ўзлари... Ва албатта, Амир Алишер билан кенгашиб...

БАДИУЗЗАМОН *(кулиб)*. Мен айтдим-а... Балки, Ҳусайн Бойқаросиз Алишер Навоий бўлмасди. Лекин Алишер Навоийсиз Ҳусайн Бойқаро ҳам бўлмас эди...

## Тўққизинчи ҳолат

*Тахминан бирон ойдан сўнра.*

*Саҳро. Қуёш ёниб ётибди. Амир Алишер – қўлида ҳасса, қумга ботиб секин суруниб бораётти. Бир тўп киши ундан сал орқада, лекин унга эргашган. У бошда буларга эътибор бермайди, кейин, бурилиб қарайди.*

АЛИШЕР. Сизлар нега эргашаяпсизлар?

ЭРГАШГАНЛАР. Сиз – Навоий...

АЛИШЕР. Сизлар-чи?

ЭРГАШГАНЛАР. Биз бенаволармиз!

АЛИШЕР. Бутун олам НАВОдан иборат-ку! Қушлар сайроғи. Дарахтлар шовуллаши. Шамолнинг нола чек-кани ҳам... НАВОСИЗ одам бўлар эканми?

ЭРГАШГАНЛАР. Ўзимизда бўлмағонидан, Сизга эргашаяпмиз-да! Ўт чиққанида биров ёниб-куяяпман, деса, бошқаси мен учун ҳам айт, деган экан. Бизнинг дардимизни ҳам айтадигон – Сиз! Навосиз элнинг на-вобахши!

АЛИШЕР. Мен айтғонимни айтдим! Энди боринг-лар, менга эргашманглар. Мен чарчадим. Бунинг усти-га, «танга қариликда нотавонлик етди». Бутун ҳаётимни кўз олдимга келтириб, охиратни ўйлашим керак...

ЭРГАШГАНЛАР. Фақат, бир оғиз сўз... кўз олдин-гизга нима келаяпти?

АЛИШЕР. Болалиқда саҳрони кўрғон эдим. Яна саҳро! Менинг умрим шу икки саҳро ораси...

*(Бир тўп киши тўхтагандек бўлади ва дам ўтмай, янгидан эргашади. Алишер эса хаёлга ботади.)*

**Эй пари, раҳм этки, кўнглум зор эрур. Бечора ҳам. Ишқу савдо даштида Мажнун эрур. Овора ҳам.**

**Тандаги пайконлар-у, ашким ёрутмас уйниким, Дуди оҳимдин қорармиш собиту сайёра ҳам.**

**Заҳми кўп бағримни тикмак мумкин эрмас, эй рафиқ, Ким, эрур юз пора-ю, мажруҳ эрур ҳар пора ҳам.**

**Васли иқболи-ю, мен ҳайҳотким, рухсорини Тоқатим йўқдур йироқдин қилғали наззора ҳам.**

**Ўйла, сув қилди бало кўхсорини оҳим ўти, Ким, олиб кўксумга ургунча топилмас хора ҳам.**

**Чарх макру фитнасининг ғофил ўлманг, зинҳор, Чунки, бу шоҳид баса фаттон эрур. Маккора ҳам.**



**Телбараб, иттим Навоийдек жунун сахросида,  
Қилмади ёдимни ҳаргиз бир пари рухсора ҳам...**

*(У бурилиб қараб одамлар ҳамон эргашаётгани-  
ни пайқайди.)*

Кетмадинглари?  
ЭРГАШГАНЛАР. Йўқ,  
АЛИШЕР. Сабаб?

ЭРГАШГАНЛАР. Ҳали Сизга айтмағон гапларимиз бор.

АЛИШЕР. Мен ҳажга бораяпман. Халал берманглар. Мени йўлдан қолдирманглар.

ЭРГАШГАНЛАР. Биз йўлда қолиб кетсак, бизнинг хатоларимиз, гуноҳларимизни ҳам сўранг!

АЛИШЕР. Албатта, сўрайман. Энг аввал, ўзимнинг хатоларим, гуноҳларим бор. Мен ҳам бир бандаман, улардан покланишим керак. Кейин, барчанинг дарди...

*(У беш-ўн қадам юради. Қараса, барибир  
орқадан одамлар келаяпти.)*

Тўхтанглар! Хўш?

ЭРГАШГАНЛАР. Сиз кетсангиз, бизнинг арзу додимишни ким эшитади? Ким ўз ҳимоятига олади?

АЛИШЕР. Қизиқ экансизлар! Қози бор, бек бор, доруға бор, ҳоким бор, шоҳ бор... Ҳаммадан бурун, арзу додингни Худога айтиш керак!

ЭРГАШГАНЛАР. Айтамыз. Лекин Осмон узоқ Ер каттиқ...

АЛИШЕР *(ўйланиб)*. Келинглари, майли. Эшитаман.

*(Барча қум устига ўтиради.)*

Ҳажга энди боролмаслигим ҳам мумкин. Неча бора шахдландим. Гоҳ ҳозир мавриди эмас, гоҳ йўл хатарли, деб Султон Бойқаро изн бермади. Тўғрироғи, мени ёнидан кетгазгиси келмади. Яна бир отланиб, қатъий қарор қилганимда юрт пешволари, эътиборли кишилар йўлимни тўсди, борманг, деб ёлворди. Мана, шу кунлар бормоқчи эдим, бу гал сафар аниқ эди, лекин йиққанганимни юртга топширдим. Йўлимдан чиқиб менга умид билан боққан инсонлардан бошлаб қўлимдан дон еган қўшларгача – уларнинг аҳволи, тақдирини ўйладим...

**Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай...**

Мен бу Каъбани кимга ташлаб кетаман? Буёғи умрим тугагунча шу сахрода, ҳаж йўлидамен... Марҳамат, сўзлангиз!

ЭРГАШГАНЛАР. Қандоқ сўз бошламоқни ҳам билмасмиз. Бизнинг ҳар кун, ҳар соатимиз алам ва мотамдан иборат. Сўз йўқ...

*(“Қаро кўзим” кўшиғи, барча бошини солиптирган,  
сукутга чўмган ҳолатда, маҳзун янграйди. Ниҳоят...)*

ЭРГАШГАНЛАР *(Биринчи киши)*. Ҳиротда шу кунлар ўғрилари, қотиллари, ҳар хил ёвузлардан тўйган эдик. Султон Бойқаро жаноблари уларни жазолаш тўғрисида фармон бердилар, бизнинг бахтимиз, осо-

йишталигимизни ўйлаб, керакли, доно иш қилдилар. Ташаккур! Аммо Ҳиротда аҳвол олдингидан юз чандон бадтар бўлди...

ЭРГАШГАНЛАРДАН *(Иккинчи киши)*. Одамлар гуноҳкор-гуноҳсиз бировларни тутуб келтирувчи, улар кекса экан, ёш экан, деб ҳам қараб ўтирмай, минг азобу уқубатларга солинаяптилар. Балки, маъқулдур! Аммо зиндонбонлар, соқчилар, миршабларга Худо “берди”. Маҳбуслардан баъзиларни тахтага, тошга-деворга михлатиб ташлаяптилар. Баъзиларни қўлтиғидан осиб, оёғига тош боғлаб иккига бўлиб-парчалаяптилар. Яна баъзиларни кўзларини ўйиб, қўл-оёқдан тирноқларини суғуриб олаяптилар...

ЭРГАШГАНЛАРДАН *(Учинчи киши)*. Ёвузлик, золимлик салтанат учун қонун эканму ёки одамнинг қонида бор эканму, гуноҳкор, жазо бераяпмиз, деб шундоқ шафқатсизлик қилинаяптики! Буниси ҳолва. Биргина айбдор чиқибди, деб аямай, бутун кўча, бутун маҳаллаларни бузуб, аҳолиси қириб ташланаяпти. Султон Бойқаронинг фармони шундоқ экан! Кексаларда нима гуноҳ? Гўдакларда нима гуноҳ? Сиз доим ҳақиқат, адолат, дейсиз. Ҳақиқат қани? Адолат қани?

АЛИШЕР *(ўрнидан туриб кетиб, хафа бўлиб, жаҳли чиқиб)*. Бу – янги бир бедодлик! Аянчли ҳол! Лекин сенлар ҳам бундай ўйланглар. На иссиққа, на совуққа чидайсанлар! Подшоҳ раҳм қилиб, суйиб, кўнгиладан-бўш қараса, на ҳокиму доруға, на бири-биринг билан келишмай кўясанлар! Ўзларингдан кетиб, бошга чиқиб оласанлар! Бузғунчилик қилиб, нохушлик келтирасанлар! Подшоҳ аксинча, қатъият кўрсатиб, ғазабланиб, арқонни тортса, дарҳол мусичаи-беғуноҳ бўлиб қоласанлар. Обидийда қилиб, нола-афғон чекишга тушасанлар! Кўчага чиққан болага қарамайсанларму? Китоб ўқутмайсизлар. Меҳнатга ўргатмайсизлар. Бу болалар, ёшлар Мирхондони, Хондамирни билмайди. Шоҳ Музаффарни, Беҳзодни билмайди. Тарбия бермайсизлар! Бировни кечаси уйига бостириб кириб пичоқлаган махлуқни мен ҳимоя қилишим керак эканму? Ҳар қандоқ шафқатсизлик, қон тўкиш, бировга жабр-ситама менга ёқмайдур! Бирон вайдан оқламасмен ҳам! Аммо сенларга ортиқ ёрдам ҳам беролмаймен. Керак бўлса, подшоҳга боринглари!

*(Шу пайт эргашганлар орасида Алишернинг бе-  
хосдан Абдулхай табибга кўзи тушиб қолади.)*

Абдулхай табиб! Сиз нега бу ерда турибсиз?

АБДУЛХАЙ. Олижаноб ҳазрат! Ётиб олинг. Сиз ётишингиз керак! Иситмангиз баланд...

АЛИШЕР. Йўқ, сиз рўй берган аҳволга қандоқ қарайсиз?

АБДУЛХАЙ. Минг қатла узр, Амирим. Мен ҳакам эмас, ҳакимман. Албатта, воқеанинг маъносига, одамнинг афт-ангорига қараб баҳо берилади. Аммо мен бировни ҳаётнинг гули, бировни қабиҳ экан, деёлмайман. Яхши-ёмон барчани даволайман. Сизга яқин томоним, мен ҳам инсон ёвузликдан, жаҳолатдан, дардлардан қутулишини истайман... Энди бир оз ором олмасангиз бўлмайди.

АЛИШЕР *(унга ортиқ аҳамият бермай, ўзича)*. Ҳажга бораётган эдим. Йўл бунчалар чўзилиб кетди.





*(У яна кумда вазмин сурина бошлайди. Одамлар ҳам эргашадилар. Бир маҳал тўхтаб...)*

Ҳалиям шу ердамисизлар?

ЭРГАШАНЛАР *(Биринчи киши)*. Савол чиқиб қолди.

АЛИШЕР. Нима экан?

ЭРГАШАНЛАРДАН *(Иккинчи киши)*. Улуғ инсонсиз. Биз осий бандаларни кечиринг... Сиз Шоирми ёки Амирмисиз?

АЛИШЕР. Шоирлик қисматим. Амирлик ҳам... Ақлимни таниганимдан ёлғизлик ва фақирликни ис-тадим. Умримда жуда эрта бу дунёнинг омонат, фоний эканлигини онгладим. Хушнуд ва оғир дамларда бир сўз-икки сўз айтиб ўзумни овутмоққа арундим. Ҳали дунё тўқис, инсон нақадар комил эмаслиги мени қайғуга солди. Йиллар давомида дунё ишларидан узлатга чекиндим. Мана, ҳозир ҳам зиёратгоҳда ғариблиқда турибмен. Аммо ҳаёт ғавғоси ва савдоси менга бирон пайт осойиш бермади. Бу кун ҳам ўзи-ўзимча қолиб, хатолар, гуноҳларимиз учун тавба-тазарру қилишга имкон йўқ. Ана, интильғоним билан, Каъбага етиб боролмаяпман. Рўй бераётган аҳвол, одамларнинг бири-бирини онгламаслиги, бири-бири билан келишмаслиги, жоҳиллиги, худбинлиги мени ўртаб юбораяпти. Мен Ер юзида ирқи, миллати, динига қарамай, Тангри таолога итоатда бўлган инсонлар аҳил, эркинликда, хур яшашини орзу қилдим! Аммо инсонлар аксар исёнда бўлдилар. Улар, шохдан гадогача, осойишталик бўлмагон ерда хотиржамлик ҳам, бунёдкорлик ҳам, бахт-саодат ҳам бўлмаслигини ўйламадилар. Душманлик эмас, дўстлик қилишни ис-тамадилар. Худога, бири-бирига бўйинсунмадилар. Одамнинг одамга зулми, зўравонлиги бўлган ерда қотил ҳам, мақтул ҳам қулдур. Мен сизларга доим ёрдам беришни истаймен. Таассуфлар бўлсунким, ёрдам беролмаяпмен...

*(Абдулхай табиб бошқалардан ажралиб келиб, уни қўлтиғидан тутди.)*

АБДУЛХАЙ. Ҳазрат! Жон ҳазрат! Бир оз ором олинг. Бемор ўзи ҳақимга ёрдам бермаса, ҳақим қийна-налиб қолади... Бу томон кун кеч. Офтоб ботаяпти...

*(Саҳрода қуёш бота бошлайди.)*

### Ўнинчи ҳолат

*Саройда Султон Ҳусайн Бойқаро аъёнлари билан. У ҳам, аъёнлар ҳам ҳорғин, паришон. Ташқаридан одамлар сурони эшитилади.*

БОЙҚАРО. Не шовқин? Ғулғулага боис не?

АМИР АЛИ БОБО. Келганлар подшоҳ арзу доди-мизни эшитсун, дейишяпти.

БОЙҚАРО. Биз уларнинг безорилар, бузғунчилар устидан ёзгон арзу додларидин, иродасидин келуб чиқиб, фармон бердик. Яна нима шикоят бор экан?

ХЎЖА ШАҲОБИДДИН. Аҳволдан улар ҳамон норози бўлишяпти.

БОЙҚАРО. Нега норози бўлар экан? Жиноят со-дир қилгонларга жазо барҳақ. Ўз экканини ўрсин!

ХЎЖА ШАҲОБИДДИН. Раият ўз бахту саодати посбони бўлган подшоҳига кўнглида борини айтиши шаръан ва расман раво, Султон ҳазратлари.

АМИР ВАЛИБЕК. Улар бир бедодлик ўрнида ик-кинчи бедодлиғ, қордин қутулиб ёмғирга тутулгондек бўлдик, дейишяпти. Ҳиротда тинчлик ўрнашғони йўқ, дейишяпти.

БОЙҚАРО *(Мулозимларга)*. Айт, машварат қилиб олғунча тинчиб турсин!

*(Мулозимлар чиқиб кетишади. Ташқарида тўлқин-дек бир кўтарилиб, бир тушган сурон тинади.)*

МАЖИДИДДИН. Кўп чора-тадбир кўрулғонига қа-рамай, чиндан нотинчлик давом этаяпти, онҳазрат! Биз, содиқ қулларингизнинг Худо олдида ҳам, Сизнинг олдингизда ҳам гуноҳимиз бўйнимизда. Ҳамма бало шундаки, бировлар бузғунчилик, ўғрилик, қотиллик қилаётғонидан бўлак гап бизга аниқ эмасди.

АМИР ВАЛИБЕК. Ҳозир ҳам аниқ эмас. Қоронғуда пайпасланиб юрган кишидек иш тутмоққа тўғри кела-япти.

МАЖИДИДДИН. Бундан ташқари, ким айбсиз, ким айбдор текшириб-аниқлаб ажратишни фуқарога ҳавола қилмагон дурустмиди? Беайб Парвардигор! Ҳеч бир айби йўқ банда бўладиму? Кимнинг кимгадир қасди бўлса, ўч олиш, кимдир ўз одамини қутқариб, беғуноҳ бировни жарга суриб ташлаш каби ҳодисалар ҳам рўй бераяпти. Жоҳил миршаблару иш топилса қўлини ишқай бошлайдигон жаллодлар-ку, дўппини ол, деса бошни олаверади. Ҳақиқатни суриштириб, адолатга риоя қилиш қози-қуззотларнинг вазифаси. Аммо улар ҳам кўзларини пирпиратиб, гангиб юрибди. Алқисса, хўлу куруқ баравар ёниб ётибди, подшоҳи олам.

БОЙҚАРО. Сўзлашдин мурод – амал. Мен учун у муҳим!

МАЖИДИДДИН. Қандоқ бўлмасун, кундалик ҳу-кумат ишларидан озод бўлган, лекин давлат номидан сўзлаш, ҳукм юритиш, катта-кичик арбобларни ҳам тафтиш қилиш ҳақ-ҳуқуқига эга доно бир киши керак. Бунга барча иштибоҳсиз қарайдурғон киши! У аҳволни тез, теран ўрганиб-билиб айбдор билан айбсиз орасин ажрим қилиши лозим! Адолатли иш тутилғонига одам-лар ишонини лозим! Шундоқ қилмагунча Ҳирот тинчи-майди, онҳазрат.

БОЙҚАРО *(ўйланиб)*. Ким? Ким бу вазифанинг уҳдасидан чиқа олади? Шу тахлит ҳакам юртда бор-му? Топиладиму?

*(Аъёнлар анча сукутга чўмишади. Ахийри...)*

АМИР ВАЛИБЕК. Амир Алишер... Бўлак кишини эсламадим.

ХЎЖА ШАҲОБИДДИН. Ул Зотдан бошқа киши бу вазифани бажаролмайди!

СОҲИБДОРО. Юртда бирон одам йўқки, Амир Алишернинг тўғри, ҳалол иш тутишига шубҳаланиб қараса!

АМИР АЛИ БОБО. Ул Зот бировни жазога буюр-са ҳам, бировга шафқат қилса ҳам, инсоф-диёнат кўрунади. Ҳеч ким норози бўлолмайди!

МАЖИДИДДИН. Мен Амир Алишерни ҳазратнинг саломатликлари ёмон бўлғони, дардлари борлиги учун айтмадим.



БОЙҚАРО. Яқин Кишимизга бу гарон юкни ортсак, оғирлик қилмайдиму? Не дейсиз, Абдулхай табиб?

АБДУЛХАЙ. Амир Алишер бир енгил тортиб, бир оғир ётқон эдилар. Алҳамдулиллоҳ, икки кундан буён оёққа турдилар. Қолаверса, Алишер ҳазратларининг юрт, эл-улус ташвишидан бўлак нима дардлари бор? Мен ул жаноб номларидан истаганча сўз айтишим мумкин. Кафолат берғонлар. Мабодо шаҳаншоҳ Амир Алишерга бу вазифани топширсалар, у киши буни ҳар қачонги Сизнинг ишончингиз ва марҳаматингиз, деб биладилар. “Бош устига” деб мамнун, миннатдор бўлиб қабул қиладилар.

БОЙҚАРО (*хурсанд бўлиб*). Ташаккур. Борақоллоҳ.

### Ўн биринчи ҳолат

*Бир ертўлада фонус ёқиб Ҳайдарбек икки ўсмир билан чилим тортиб ўтирибди. Қўлида бош чаноғи учинчи ўсмир киради.*

УЧИНЧИ ЎСМИР. Ҳайдарбек, қара. Мен буни тарашлаб, қадаҳ ясамоқчиман. Марварид қадаб, ўз динимиз байрами куни сенга совға қилмоқчимен.

ҲАЙДАРБЕК. Совғани ҳар куни айтиб юриб эмас, индамай вақтида топшириш керак! Кел, ўтир, чилимдан торт.

*(Ўсмир чаноқни миҳга илиб, ўтиб ўтиради.)*

БИРИНЧИ ЎСМИР. Малла! Шаҳарда нима гап?

УЧИНЧИ ЎСМИР. Сув қуйгандек!

ИККИНЧИ ЎСМИР. Бўлиши мумкин эмас... Бу ерда туққан хотиндек ётиб, занглаб кетдик. Ҳатто кундузи бирров чиқмаяпмиз... Ҳайдарбек, бир айланиб келмаймизми?

ҲАЙДАРБЕК. Ҳар кеча бир кишининг чиққани етади! Ҳозир шароит шунақа! Сен, Малла, ялпайиб ўтирмай, аҳволни гапир. Сенлар тек ўтиринглар!

УЧИНЧИ ЎСМИР. Тўғрисини айтсам, мени ўлдиришинг мумкин. Қўрқамен.

ҲАЙДАРБЕК. Ўлдирмаймен.

УЧИНЧИ ЎСМИР. Шаҳар ростдан ҳам жимжит! Одамлар, икки юзга яқин киши, Ҳусайн Бойқарога шикоят билан борғонлар. Шунинг учунми, қўлга олинғонларни жазолаш тақа-тақ тўхтағон. Буниси яхши. Шароит юмшаганидан, бизга янги қўшиладиғонлар чиқадиғонга ўхшайдур. Буниси ҳам яхши...

ҲАЙДАРБЕК. Чўзма!

УЧИНЧИ ЎСМИР. Миршаблардан бир айғоқчимизнинг айтишича, энди қози-ю, қозихоналарни четлаб бир мадраса ҳужрасида Амир Алишер қўлга олинғонларни тергаётган экан...

ҲАЙДАРБЕК (*жонланиб*). И-е, Амир Алишер дейсанми? Яхши-ку! Мен Навоийни биламан. Вақтида отам Амир Жаҳонгир барлосни қўллағон. Подшоҳга айтиб, Туршиз қасабасига ҳокимликка қўйғон эди. Кейин, отамни қасаба аҳолиси ўлдириб кетғон. Аммо Навоийнинг ҳиммати менинг хотирамда қолғон.

УЧИНЧИ ЎСМИР. Ёмон жойи, Амир Алишер бировни урушмас, сўқмас, ҳатто баланд товушда гапирмас, фақат рост сўзлашни талаб қилар экан. Қўлга

олинғонларни ёлғон ёки рост сўзлағонига қараб, икки томонга ажратаётган экан...

ҲАЙДАРБЕК. Бунинг йўли осон. Йиғлаб юбориб, ёқа йиртиб ёлғонни ростдек кўрсатса бўлади. Баъзилар қандоқ ишонтаришни билмайди.

УЧИНЧИ ЎСМИР. Осон эмас экан-да! Амир Алишер юз-кўзингга бир қараганида, сен ҳали сўзламай туриб, бутун ҳаётинг унга кўриниб қолар экан. Авлиёми ёки ярим авлиёми, дейишади.

ҲАЙДАРБЕК. Ўзим у кишининг олдига бостириб борсаммикан?

БИРИНЧИ ЎСМИР. Бизни ўйинга солиб, ўзинг эсингни еб қўйдингми, Ҳайдарбек? Нималар деяпсан?

ҲАЙДАРБЕК. Эсим жойида! У киши авлиё бўлса, мен пайғамбармен. Сенлар ишондинглар-ку, ҳазратни ҳам ишонтираман.

ИККИНЧИ ЎСМИР. Амир Алишер қаёқда-ю, биз қаёқда? Қалтис ишни ўйлама! Қалтис ҳазиллашма ҳам!

ҲАЙДАРБЕК. Ҳазил ҳаром. Ҳазратнинг олдига бориб, бир оз ёлғон-яшиқ гапириб алдайман. Кейин, очик савдога ўтаман. Сиз доно одамсиз, тушунинг, янги дин, янги пайғамбар керак, мен шу пайғамбар бўлиб келдим, дейман. Бир пайт отамни қўллағонсиз, мени ҳам қўллаб юборинг, дейман. Ҳусайн Бойқаро дўстингиз, лекин мамлакатни бошқаролмаяпти, фарзандлари ҳам бошқаролмайди, мен бошқаришим керак, дейман.

БИРИНЧИ ЎСМИР. У киши худди шуни кутиб ўтирибди!

ҲАЙДАРБЕК. Менга биринчи иймон келтиринг, одамларнинг ҳар хил динга кирғони нотўғри, дунёда озгина одам қолиб, ҳамма бир ёққа қараб бориши керак, дейман. Шунинг учун менга бу адашиб-тентираб юрғонларнинг жони ва моли ҳалол қилиб берилғон... Сиз эркинлик куйчиси. Иккимиз бирлашайлик, дейман.

ИККИНЧИ ЎСМИР. Амир Алишер шунчалик гўлимиди, сенинг оғзингга қарайдурғон?

ҲАЙДАРБЕК. Қаратаман. (*Пастак дераза олдига келиб, кўчага кўз ташлайди.*) Кун ёришаяпти. Сенлар шу ерда кутиб ўтиринглар, мен бир оз кўча айланиб, ана, кўрасизлар, бемалол гаплашиб келаман.

УЧИНЧИ ЎСМИР. Бормайсан! Сен бориб бизни сотмоқчисан!

ҲАЙДАРБЕК. Сенларнинг нимангни сотади? Ўзларинг сотилғонсанлар! (*Қўйнидан пичоқ чиқариб.*) Йўлимни тўсма!

БИРИНЧИ ЎСМИР. Сенинг гапингга кирғон биз аҳмоқ... Дўппи тор келаётганини билиб, энди ўз жонингни қутқаришни ўйлапсан. Номард!

*(Улар ҳам қўйинларидан пичоқ чиқаришади. Ҳайдарбек маймундек сакраб, улардан бирини чалади, бирини тепади, учинчисининг кўксига пичоқ санчади. Қаттиқ олишиб, қолган икки ўсмирни ҳам пичоқлайди.)*

*Кейин, шошмай нималарнидир бир туғунчага йиғади. Фонусни ўчиради. У ён-бу ён қараб, бояғи бош чаноғини фонуснинг устига қўндирганича, хонадан чиқиб кетади.)*





## Ўн иккинчи ҳолат

Хирот мадрасаларидан биридаги кенг-мўл ҳужра тўрида Амир Алишер қоғоз қоралаб ўтирибди. У ён томондаги ўйиқ равоқлардан бирига ўйчан тикилади ва ҳарир парда ортида шу асно яна Нозанин кўринади.

АЛИШЕР.

**Назарга қайси тарафдинки, бир ғубор келур,  
Кўзум ёрур – бу таманно билаки, ёр келур.**

**Чу кўчадин қулоғим «дубдур»ни эшитса, кўнгул  
Дукуллар, ўйлаки, ул нозанин-сувор келур.**

**Боқар яна сари-кўрмасқа солибон ул шўх,  
Қошида – қайсаридинким, бу беқарор келур.**

**Қочинглар, аҳли саломатки, кофири масти –  
Чиқорғали хирад-у, сабрдин димор, келур.**

**Кўруб, бўлурлар ошuftа рўзғор аҳли,  
Қаю тарафки, бу ошuftа-рўзғор келур.**

**Буким, бири-бири кейинча бордилар аҳбоб,  
Аъзолариға сиришким тузуб, қатор келур.**

**Навоий-ё, қаламинг жаври-бахр йўлимидур,  
Ки, турмайин ичидин дурри шоҳвор келур...**

НОЗАНИН. Ёр келур...

**Ул нозанин-сувор келур...**

*(парда ортидан чиқиб)*

Мен келдим! Бадкорлар даф бўлиб, бегуноҳлар ўз тирикчилигини давом эттиргони учун Сизга тасанно. Толиқибсиз! Лекин азоб билан, машаққат билан ҳақиқат ва адолатни қарор топдирдингиз.

АЛИШЕР. Бу – энг аввал, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазратларининг ҳиммати, заковати.

НОЗАНИН. Балки, шундоқдир? Мен билмаймен.. Сиз олдин ҳам неча бора «қози»лик қилгонсиз. Бировларнинг мушқулини осон қилиш, ёшларнинг бошини қовуштириш! Одамлар ривоятлар тўқуб юрадилар. Аммо бу галги ҳакамлик... Уч кун ичида ҳар куни неча ўнлаб кишини тергаш ўзи бўлмайди!

АЛИШЕР. Мен ундай деб ўйламайман. Салтанатга, юртга, элга хизмат қилиш бизнинг вазифамиз. Мен учун дунёда юрт тинчлиги, элнинг осойишта, бахтли ҳаёт кечиршидан муҳим ва азиз нарса йўқ!

НОЗАНИН. Сиз қўлга олингон, жазо берилишини кутаётгон маҳбусларни бир-бирдан, навбат билан ҳужрага чорлаб тергаганингизни эшитдим. Гуноҳи бўлмай тухматга қолгонларни қутқарганингиз, гумроҳлик қилиб адашгонлардан бир қисмини мардикорликка юбориб, бир қисмини тарбия учун қариндошуруғлари қўлига топширганингизни ҳам биламен. Гуноҳ қилмоққа улгурмагонлардан яна бир қисмини турли усталардан хунар ўрганишга жўнатганингизни ҳам одамлар гапириб юрибди. Гуноҳ қилгон ва ашаддий бузғунчиларни жазони белгилаш учун миршаблар орқали қозикалоннинг ўзларига юборганингизни ҳам

айтишди. Бу гаплардан нафақат мен, Ҳиротда ҳамма хабардор... Тагин не иш қолгон экан?

АЛИШЕР. Ана-мана, кўрурсен...

*(Ҳужрага икки миршаб киради. Нозанин парда ортига чекинади.)*

БИРИНЧИ МИРШАБ. Улуғ Амир! Қўлга олингон, тергаш лозим бўлгонлардан ҳеч ким қолмади. Фақат, ҳовлида уч-тўрт киши қабулингизни истаб ўтирибди.

АЛИШЕР. Кимлар экан?

ИККИНЧИ МИРШАБ. Уларнинг бизга дахли йўқ! Бир масжид аҳли билан, муллаваччага ўхшаган мулойим, одобли бир йигит.

БИРИНЧИ МИРШАБ. Биз маҳкамага қайтиб кета-верайликму? Бизга рухсатму? Агар муҳим бир хизмат бўлмаса...

АЛИШЕР. Шошманглар! Хизмат бор... Мулозим қаерда?

ИККИНЧИ МИРШАБ. У ҳам ҳовлида...

АЛИШЕР. Мулозим эшик олдида турсун. Масжид аҳли кирсун. Сизлар йигит билан гаплашиб ўтиринглар. Кетиб қолмасун. Айтганимда киритасенлар.

*(Миршаблар чиқиб кетишади. Эшик олдида мулозим пайдо бўлади. Ичкарига катта кўчада жойлашган масжид муаззини ва уч сомеъ кириб келишади.)*

МУАЗЗИН ВА СОМЕЪЛАР. Ассалому алайкўм ва раҳматуллоҳу ва баракотуху.

АЛИШЕР. Ва алайкўм ассалом. Марҳабо!

*(Келганлар ўтиб ўтиришади.)*

МУАЗЗИН. Жаноб Амир! Биз билан сўзлашмайсиз, деб кўрққан эдик.

АЛИШЕР. Нега?

БИРИНЧИ СОМЕЪ. Сизнинг диндорлар, мулла-лар, ҳатто шайхлар тўғрисида баъзан қаттиқ ёзғонингиз маълум. Зоҳидларни ҳуш кўрмайсиз...

АЛИШЕР. Мен Тангри таоло яратгон барча тирик жонни ҳуш кўрамен. Аммо дин ва жаҳолат, маърифат ва хурофот бир эмас. Баъзи муллалар масжидда ўзини шундоқ кибр-ҳаво билан тутадик, гўё унинг ўзи айни шу соатда тўғри Худонинг олдидан ерга тушгондек. Бу кам, дунёда яшагондан кўра ҳозироқ ўлиб қўяқолгон маъқулдек кўйда ваъз айтади. Биз тирикларга, раҳравға, фано – бақо эканлигини, фоний дунё боқий дунёнинг йўлаги эканлигини ёки тушунмайди, ёки тушунмаганга олади.

ИККИНЧИ СОМЕЪ. Хокисор, ақлли муллалар ҳам кўп.

АЛИШЕР. Кўп! Шундоқ бўлса-да, биргина зоҳиднинг ўзини жаннат эшигида тургондек, барчани кофир деб дўзахга ҳайдаётгондек тутғони охирати ободонлигини ўйлаб, фоний дунёга кўрк бераётгон кишиларнинг кўнглига озор еткизади. Бу майли, суяги қотмагон норасидалар-ёшларни диндан ҳам, дунёдан ҳам бездиради. Эгри йўлларга суриб юборади. Уларнинг фикрини бузади... Энди сизлар озгина сабр қилинглар. *(У ҳужранинг иккинчи томонидаги ҳарир парда тортилган ўйиқ равоқни кўрсатади.)* Мана, бу ёқда овоз



чиқармай туринглар. (Улар парда ортига ўтишади. Алишер мулозимга мурожаат қилади.) Ҳовлидаги йигит кирсун..

(Ҳужрага Ҳайдарбек киради.)

ҲАЙДАРБЕК. Ассалому алайкўм ва раҳматуллоху ва баракотуху.

АЛИШЕР. Саломга алик олмаслик гуноҳ. Ва алайкўм. Кел!

ҲАЙДАРБЕК. Сиз мени танитайсиз. Шунинг учун ҳали танишмай туриб ҳар нарсани гумон қилаяпсиз! Амир Жаҳонгир барлосни эслайсизму, мен ўша одамнинг ўғлиман.

АЛИШЕР. Биламен. Сен Ҳайдарбексан!

ҲАЙДАРБЕК. (асабийланиб). Йигитлардан бирови мажбур бўлиб сизга менинг исминни айтиб қўйдиму? Мени сотдиму?

АЛИШЕР. Йўқ. Биронтаси оғиз ҳам очғони йўқ. Лекин халқ нодон эмас. Сенинг исминг аллақачон аён бўлган эди... Сенинг қилган ваҳшийликларинг кўринар, ўзинг панада эдинг. Шундоқ пардаланган эдингки, одамлар яқин бормоққа кўрққанлар.

ҲАЙДАРБЕК. У сизга қаердан ошкор бўлди?

АЛИШЕР. Айтамен. Гуноҳкорлардан рост сўзлашни талаб қилганимда, ёлган эмас, рост сўзлашганлардан ҳам ҳеч бири мақсадга яқин бормади. Шунда, мен улардан, ёлғиз йигитга ўхшайсан, ҳеч киминг йўқми, деб сўрагондек бўлдим. Улар кими бўлса, айтди. Дўст-биродаринг-чи, деб сўрадим. Бир-иккиси ўз тенгитўшини санаётғонида, афтидан беихтиёр, сенинг исминг оғзидан чиқиб, ранги оқариб кетди. Мен бу, сен эканлигингни пайқадим.

ҲАЙДАРБЕК. Сиз мени олдин кўрмагонсиз. Ҳозир бу мен эканимни қаёқдан билдингиз?

АЛИШЕР. Сен масжид аҳлига қўшулиб, ўзингни мулойим, одобли муллаваччадек тутғонинг-у, эшикдан кирасолиб муллалардек салом берғонингдан билдим.

ҲАЙДАРБЕК. Мен ўзим муллаваччамен.

АЛИШЕР. Биламен. Сен мадрасада ўқуғонсен. Катта кўчадаги масжидга ҳам бориб турғонсен. Сени таниб қолғони учун, имомни уруб, мажруҳ ҳолга солғонсен.

ҲАЙДАРБЕК. Нега келганимни ҳам биласизму?

АЛИШЕР. Биламен. Сен мени алдаб-авраиман, деб келдинг.

ҲАЙДАРБЕК. Мени кутмаганмидингиз?

АЛИШЕР. Нега? Кутаётган эдим. Жиноятчи барибир, ўзи жиноят қилган ерлар атрофида айланади.

ҲАЙДАРБЕК. (ўйланиб). Ҳазрат Амир! Сиз ер остида илон қимирласа, билар экансиз. Сиздан гап ёшуриб бўлмас экан. Майли, дардимни сизга дастурхон қиламен... Сиз вақтида отамга меҳрибонлик кўрсатгансиз. Уни ўлдирингизди. Оломон уриб-тепиб, юлиб-юлқиб сазойи қилиб ўлдирди. Энди отам Амир Жаҳонгир барлос йўқ. Лекин оломоннинг жоҳиллиги, ёвузлиги-ю, сизнинг дадамини қўллағонингиз, бағрикенг, шафқатли инсон эканлигингиз менинг хотирамда қолган. Шунинг учун ўз оёғим билан олдингизга келдим.

АЛИШЕР. Амир Жаҳонгирнинг ҳам, – ёвузлиги, ваҳшийлиги бу даражага бормаган бўлса-да, – бузуқ

иши кўп эди. Унинг учун одамларни қийнаш, топташ пашша кўришдай гап эди. Бир куни олдимга келиб йиғлади, тузаламан, деди. Мен унга ачиниб, тарбия топишини умид қилиб, кейин умрим давомида бир марта Султон Ҳусайндан танбеҳ олганмен.

ҲАЙДАРБЕК. Отам сизнинг юзингизни ерга қаратган, албатта. Худо кечирсин, у нодон, жоҳил киши эди. Гуноҳ қилишдан кўрқмасди.

АЛИШЕР. Астафуруллоҳ! Одамларга шунча зулм ўтказиб, бедодлик қилиб, сен доно, ақлли, яна гуноҳ қилишдан кўрқар экансенму?

ҲАЙДАРБЕК. Ҳамма нарса мақсадга боғлиқ. Мен «Орийлар» деган жамоа тузган эдим. Сиз улуғ инсонсиз, тушунасиз. Дунёнинг ярми паст табақа, гуноҳга ботган, ерда қурт-қумурсқадек судралган кишилар. Қадимдан ҳозиргача бутун тарих давомида сиздек мутафаккир инсонлар одам ўзгарсин, тузалсин, олий бир даража касб этсин, деб ҳаракат қилиб келганлар. Шундоқ эмасми? Лекин одамлар кам ўзгарди! Мен шу ҳаракатни тезлаштиришга урундим. Мен янги дин яратган прайғамбармен. Дунёда одамлар ягона эътиқод тутган, ягона олий ирқ бўлиши, Худони таниган Одам даражасига етишини орзу қилдим.

АЛИШЕР. Телба! Одамга жон ато этиш ҳам, унинг жонини олиш ҳам сен эмас, Ёлғиз Тангри таолонинг иши! Бировни бегуноҳ, бировни осийга ажратиш, бировга юксак маснад бериб, бировни пастга тушириш ҳам Худодан! Сен оёқ остидаги бир чумолининг йўлини ўзгартишга қодир эмассен! Олимми, шоирми, уламоми – мутафаккирнинг вазифаси зиддиятли дунёда фақат мутаносиблик, мезон сақланиб туришига хизмат қилишдан иборат. Дунёни тузатаман, деб одамларни қириш, қатаган қилиш – жаллодликдир. Парда тортган билан ёпилмайдурган жиноятдир... Ўғурлик қилиб юрғонинг-чи?

ҲАЙДАРБЕК. Ўғрилик ёмон. Лекин жамоага маблағ керак эди. Тўғри, бошқа ерлардан ҳам тарафдорларим менга ёрдам берганлар, ўзим барибир кўпроқ куч йиғишга мажбур эдим.

АЛИШЕР. Тарафдорлар? Юртни ичдан бузмоқ истаган, туркий эл-улус аҳил бўлиши, бир ёқадан бош чиқаришга доим раҳна солган душманлар! Сенинг барча айтғонинг ҳам уларнинг сўзи...

ҲАЙДАРБЕК. Менинг ўз эътиқодим шу! Бунинг сиздек улуғ киши ҳам жон-вужудимдан чиқартиролмас! Ёшлиқдан шу йўлни тутганмен. Мен насиҳат эшитмоққа келганим ҳам йўқ... Тушуниб турибмен, сиз менга фикрдош бўлолмайсиз! Фақат, билмоқчимен. Ана, ёнингиздамен, сиз мени ўлимга ҳукм қиласизму?

АЛИШЕР. Бирор ёққа нега қочмадинг? Сени ҳеч ким танимас эди. Тутмас ҳам эди.

ҲАЙДАРБЕК. Қочардим. Айрим номардлар...

АЛИШЕР. Уларга энди сен керак эмассен... Сенинг мулкинг – одамларга нафрат, менинг мулким – муҳаббат. Сен ўғри, каллакесарсен. Бунинг устига, муқаддас динимизга маломат келтириб куфр ва исён йўлига киргансен! Бузғунчисен! Ёвуз жамоа тузгансен! Лекин бировга жазо бериш менинг вазифам эмас! Мен нафақат инсон, бирон тирик жонга озор етишини истамасмен. Энг ёмон, энг тубан бир махлуқотнинг ўлими ҳам менинг кўзларимга ёш келтиради...





ҲАЙДАРБЕК. Раҳмат, ҳазрат Амир... Мен энди ёмон ишларимни ташлайман. Тинч юраман! Тушундим. Фақат, сиз менга ёрдам беринг.

АЛИШЕР. Бир кунлар отанг ҳам шундай деган эди...

ҲАЙДАРБЕК. Отам учун ҳам... Мени қутқаринг. Ўлдиришмасин! Айтинг, бир пайт отамга ачинганингиздек, ҳозир менга ҳам ростдан ачинасизму?

*(Шу пайт тоқати тугаб, бир ён парда ортидан Нозанин, иккинчи ён парда ортидан муаззин ва сомёлар отилиб чиқишади)*

НОЗАНИН. Амир Алишер ачинганда ҳам, мен ачинмасмен. Сен бир бола туғилиши қанчалик азоб эканлигини биласанму? Кексалар кўзида ғилтиллаган ёш нима эканлигини тушунасанму?

СОМЕЪЛАР. Амир Алишер ачинганда ҳам, биз ачинмаймиз.

МУАЗЗИН. Бизнинг масжидимиз бозор яқини, гавжум жойда. Аммо сенинг касринга одам келмай кўйгон эди. Яратгонга шукроналар бўлсинким, бу кун бомдод намозидан масжид тўлди.

*(Бехосдан Султон Ҳусайн Бойқаро, Мажидиддин Муҳаммад, саройга дохил кишилар, Султон Бадиуззамон ва Шижуддин Зуннун ҳужрага кириб келишади. Эшик олдида турган мулозим билан икки миршаб ҳам ичкари киришади.)*

БОЙҚАРО. Амир Алишер ачинганда ҳам, мен ачинмасмен. Салтанатда шафқат бўлмайди. Сен бузғунчилик қилиб, шунча одам ўлдуриб, шунча хонадон ёстигини қурутдингки, бу гуноҳларнинг юздан бири бўлғонда ҳам, сени дор кутар эди! Жаллод...

*(Ҳайдарбек туйқусдан қўйнидан пичоқ чиқаради.)*

ҲАЙДАРБЕК. Биттанг яқинлашма! Гадоми, шоҳми қараб ўтирмайман, чавоқлаб ташлайман... Ўртадан йўл очасанлар, чиқиб кетаман, тамом! *(Бойқарога)* Жаноб Султон, мени турғон-битғон қотил, деяпсиз. Тўғри! Сиз-чи! Мана, бу ўғлингиз-у, дунё талашгон бошқа фарзандларингиз? Бири-биринг билан душманлик қилиб, урушиб, одам ўлдурғон, ўлдуртурғон эмасмисанлар? Сенларга рухсат берилғон, менга рухсат йўқму? Худо олдида мен осий бўлсам, сенлар ҳам осий... Яна беш-ўн киши қирилмасин, десанглар, йўлни бўшат!

АЛИШЕР. Ҳайдарбек! Бу дунё-у дунё ҳар кимнинг қилғон гуноҳи учун жавоб бор. Жазодан қочиб

бўлмайди. Сени кечириш қийин. Мен сенга ачинаман, сен ҳам одам боласисен. Ёрдам беришни ҳам истайман. Лекин ёрдам беролмайман...

*(У Ҳайдарбекка журъат билан, шунинг баробарида осойишта яқинлашиб, қўлидаги пичоқни олади, мулозимга топширади. Миршаблар югуриб келиб, Ҳайдарбекнинг қўлларини боғлайдилар, уни олиб чиқиб кетадилар.)*

АБДУЛХАЙ *(Алишернинг ёнига келиб)*. Бир дори ясаепман. Барча дардга даво бўладурғон. Эртага келтураман.

АЛИШЕР. Барча дардга даво, дейсизму?

БОЙҚАРО. Абдулхай табиб айтдим, ишонмоқ керак.

*(Ҳаммалари, улар орасида Нозанин ҳам чиқиб кетишади. Ёлғиз Алишер қолади.)*

АЛИШЕР.

**Ҳар нафас дунё иши, чархнинг жафоси ўзгадир, Осмон юлдузларин доғи балоси ўзгадир.**

**Кеча-кундуз жомаси ё тимқаро ё кўк магар, Тун азоби бошқа-ю, кундуз азоби ўзгадир.**

**Бил, бу боғнинг гуллари мотамзада, садпорадир, Ўртанурда ҳар бирин кийган қабоси ўзгадир.**

**Аҳли дил гарчи муқаддас боғ сори майл этсалар, Бунда маъно бор. Унинг обу-ҳавоси ўзгадир...**

*(У ҳужрада ўйчан нари-бери юраётиб, тўхтабди. Айни сонияда ҳужра тўридаги равоқда майдон кўринади. Алишер бошини кўтариб қараб, тикланган дорда чайқалган Ҳайдарбекнинг жасадини кўради.)*

Ҳақиқат ва адолатнинг баҳоси бунчалар қиммат!

*(Равоқдан узоқлашиб, титраб кетади. Ғамгин қунишиб, юзи, кўзларига кафтларини босади. Нозанин қайтиб киради.)*

НОЗАНИН. Шу билан, бор бедодлик битдиму?

АЛИШЕР. Илоҳим, битган бўлсун... *(кўкка илтижо қилиб)* Ё Парвардигор! Менинг қавмимга ва барчага дунёда тинч-осойишта, бахт-саодатли яшашни буюргин...

## ПАРДА





Бобомурод ЭРАЛИ



## Бойсун арчазорлари

Шукур Холмирзаевга

### 1. Согинч

Қоятошлар орасидан чиқиб келгандек,  
Хув қотларнинг тепасида турар шовуллаб.  
Йўл бермайди бепоён чўл Жайхунга қадар,  
Саратонда қир-адирлар ёниб, ловуллаб.

Етиб келмас бу жойларга Жайхун сувлари,  
Тиканак сим, қумтепалар қиргоқларида.  
Қуруқ чўл деб ўйламагин бурун жийириб,  
Асотирлар кўмилгандир туфроқларида.

Шамол бўлиб келганида хотираларинг,  
Ё шеър каби бирпасдаёқ қўяр шошириб.  
Чўпон билан гурунг қилсанг узун тунлари,  
Кўмгонига қарамайди, чойни тошириб.

Фир-ғир эсиб турса шамол, майли кечгача,  
Хув тепада маза қилсанг Бойсунга қараб.  
Лойсувоқ уй шундоққина қоя остида,  
Бир сулув қиз ўй суради сочини тараб.

Туяқушининг тухумига ўхшатар эдим,  
Ким кўтариб келтирган-а улкан тошларни.  
Хаёл сурсанг, ҳеч ким сенга бермаса халал,  
Танишларинг саломлашар ирғаб бошларни.

Тонг-азонда эшагини ҳайдаб болалар,  
Йўлдан ўтар қанорини тагига солиб.

Бутун шаҳар гимирлайди, ташивишлари мўл,  
Сен шунчаки қузатасан хаёлга толиб.

Қирга қараб чиқиб борар ўнқир-чўнқир йўл,  
Ҳализамон унутмадим ўйноқи сойни.  
Тошсупада ётганимда аста имлардим,  
Кўкда сузиб бораётган тилларанг ойни.

Хўрсинтирар, ҳали-ҳали хотирамдадир,  
Тошдан-тошга сакраб юрган олис йилларим.  
Сокингина ҳаётимга бермади тинчлик,  
Баҳор чоғи оқиб ўтган тошқин селларим.

Бунда тошлар қадрдоним, жўраларимдай,  
Баҳордаги қизгалдоқлар яқин эгачим.  
Ҳар гал борсам чопиб чиқди йўлга Бойсунжон,  
Шуни ўйлаб яшаганда ёришар ичим.

Қандай гўзал ойдинликда турган дарахтлар,  
Ғам қотирган бўлса ҳамки, эрийди кўнгил.  
Ойга қараб уйқу келмас ёш болалардек,  
Юлдузлар ҳам ҳарсангтошда синади чил-чил.

### 2. Ов

Қоятошлар орасидан чиқиб келгандек,  
Хув қотларнинг тепасида турар шовуллаб.  
Йўл бермайди бепоён чўл Жайхунга қадар  
Саратонда қир-адирлар ёниб, ловуллаб.

Тонг-саҳардан кимдир ўтар милтиқ кўтариб,  
Қоятошлар ўшшаяди ёқтирмагандек.





Пир этганча кўтарилар какликлар ҳуркиб,  
Овчи унга парво қилмас, сезмаётгандек.

Арчазорлар оралаб жим бораверасан,  
Айувларга дуч қилмасин бу ҳаёт сени.  
Минг йилларким, дилгир-дилгир шовуллайди сой,  
Тақдир сенга раво кўрган, билмайсан нени.

Қорли тоғлар хотирада қотар абадий,  
Ов ҳам эсдан чиқар шунда олдинга юрмай.  
Илонизи сўқмоқ қайга бурилиб борар,  
Қадам босма, ўйламасдан, чамалаб кўрмай.

Бу ҳаёт ҳам овга ўхшар билсанг аслида,  
Бой берганинг пайқамайсан ўлжангни дарров.  
Хув қарагин, зор оғзига ташилаб кетгандек,  
Ёқмоқ учун олиб келган ўтинни биров.

Аёз қисар. Ғор ичида исинайлик, кел,  
Ҳеч бўлмаса қаҳрланган шамолдан пана.  
Ўтин бизга насиб қилган экан, жўражон,  
Қайси овчи илингани – тўшак ҳам ана.

Ёмғир ёғса усту бош ҳам шалаббо бўлар,  
Балки ов ҳам татимайди уйга борганда.  
Эҳ, унутиб қўйибмиз-ку овхалтада йўқ,  
Ўт ёқмоққа гугуртни ҳам милтиқ олганда.

Ўтин қолар, ўрталикда қизийди гурунг,  
Хув дарага сузиб кетар булутлар ёғмай.  
Қанча кийик отганию мерганлигини,  
Анчагача мақтанади аканг қарагай.

Сўнг қайтамиз борган йўлдан қовоқ осилиб,  
Ўлжасидан қуруқ қолган бўри мисоли.  
Иккимиз ҳам уринамиз билдирмасликка,  
Ов қилишдан қайтиши йўқ деб албатта ҳали.

Ҳаёт шундай. Йўлга чиққан қанча овчилар,  
Довонларда қолиб кетар манзилга етмай.  
Қанчалари бой беради ўлжаларини,  
Бироқ сирни ичга ютиб, асло сездирмай.

### 3. Кўҳна тепалар

Қоятошлар орасидан чиқиб келгандек,  
Хув қотларнинг тепасида турар шовуллаб.  
Йўл бермайди бепоён чўл Жайхунга қадар  
Саратонда қир-адирлар ёниб, ловуллаб.

Тепаликлар билсанг оддий тепалар эмас,  
Бунда ой ҳам, юлдузлар ҳам ботиб кетгандек.  
Маҳшаргача овоз бермас, индамас ҳеч ким,  
Ажал майин тотганидан сархуш ётгандек.

Ай, бу макон, улкан қуёш шу ер остида,  
Қорайганча сўниб ётар кўтарилолмас.  
Тирикликнинг шами ўчган, чарх урар фақат,  
Парвоналар арвоҳлардек тиниб-тинчимас.

Шамол чиқиб етаклайди харобаларга,  
Бетавозеъ, ҳамма бунда тенг ва баробар.  
Хумга қара, бўшаб ётар қиёматгача,  
Ҳаёт бунда сўнганидан беради хабар.

Совутлару шамишларни кўтармас ҳеч ким,  
Бир чеккада занглаб ётар қиличу қалқон.  
Сопол кўза синиқлари олис хотира,  
Хаёлларни таъқиб ётар, тўхтагин бир он.

Ай, бу ҳаёт дарёсида сузиб илгари,  
Соҳилида унутилган қайиқлар бўм-бўш.  
Ай, бу жимлик оламида қанча ботирлар,  
Ётганига гувоҳ эрур шу сирли оғуш.

Ў, Жарқўтон, Сополтепа, Қучуктепалар,  
Кўзаларга қуюлгандир гаройиб қайғу.  
Шамол гир-гир эсаётир дўнгликлар оша,  
Деворпана жойни топиб чалгани чолғу.

Қизгалдоқлар ётирилган тепаликларга,  
Ҳеч ким энди у тарафга нигоҳин бурмас.  
Жимлик аро тўнгигандек, қотиб қолгандек,  
Қани, мен ҳам кўрайин деб ўрнидан турмас.

Шоҳу гадо, бой ва фақир, ҳамма жамулжам,  
Тирик пайти ухлаб бундай ором олмаган.  
Найза тутган ясовуллар йўлни тўсмайди,  
Эшикларнинг олдида ҳам биров қолмаган.

Шоҳ саройи бўшаб ётар. Бир-бир тушасан,  
Энди шоҳга олиб бормас зинапоялар.  
Сену менга ниманидир билдирмоқчидек,  
Бу кенгликда айланади фақат соялар.

### 4. Қоракамар

Қоятошлар орасидан чиқиб келгандек,  
Хув қотларнинг тепасида турар шовуллаб.  
Йўл бермайди бепоён чўл Жайхунга қадар  
Саратонда қир-адирлар ёниб, ловуллаб.

Юлдузларни элагидан ўтказар осмон,  
Ойнинг сўник ёғдусида ёришмас сўқмоқ.  
Ғам-андуҳлар уюлгандир ер супрасида,  
Қизим, ундан пишириб бер менга бир қуймоқ.

Босқонларда зарб қилинар қуёш тангадек,  
Кечалари хумдонларда ийланади ой.



*Наҳот, сени сескантирмас, эй нодон кулол,  
Боболарнинг қони томган бу табаррук лой.*

*Хаёлимда лопиллайди сопол тобутлар,  
Ҳожат йўқдир кўздан силқиб чиққан ёшларга.  
Буқаламун дунё, сендан ўч олмоқчидек,  
Рўзи Чори расм чизар қоятошларга.*

*Индамайман, чақирмайман, майли, яйрасин,  
Илҳом пайти дуруст эмас халақит бермоқ.  
Торозуси кўпайганда ҳалолликнинг ҳам,  
Дангиллама уй нима-ю чайлада турмоқ?..*

*Сўнги авлод жон сақлаган Қоракамарда,  
Ўргимчаклар тўқиётир ўзига гилам.  
Фор оғзини топа олмай шамол овора,  
Фор оғзига сизмай қайтар бу ёруғ олам.*

*Орзуларни қатл этар қилич тутган вақт,  
Шамол бўлиб яшамоқнинг қандай гашти бор!  
Бинафша-ю бойчечакни соғинганимда  
Олислардан ўтиб кетар мен кутган баҳор.*

*Тоглар узра ёгаётир пага-пага қор,  
Дараларнинг совуғида юриб музлайман.  
Чулдираган ирмоқларнинг сувидан ичиб,  
Хуркиб қочган оҳулардек нени излайман?*

*Осмон салқиб тушар ерга улкан пардадек,  
Дарахтлар улгурмасдан остида қолган.  
Ҳайратланар, кўкка қарар ажабланишиб,  
Аллақачон ҳамма ўзин бир четга олган.*

*Хув юксакда шовуллайди арчазорларим,  
Рухим янглиз бўйинсунмай ва чақмоқсимон.  
Из қолдириб яшай дедим бу ҳаётимни,  
Чўққиларга қараб борган бир сўқмоқсимон.*



## **БАРКАМОЛ АВЛОД СЎЗИ**

# ИФТИХОР ТУЙҒУСИ

Кундан-кунга ривож топиб, янада юксалаётган Ватанимиз не-не оғир кунлар, йўқотишларни бошидан кечирди. Аммо халқимизнинг метин иродаси, Юртбошимизнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли ажодларимиздан мерос бўлмиш бу замин истиқлол аталмиш орзиқиб кутилган бахтга эришди. Ўша ондан бошлаб Ватанимиз гуллаб-яшнаб, янада ривож топиб борди. Собиқ Шўролар даврида Ватан учун жон бериб номлари қора бўлган олиму фузалоларимизнинг номлари тикланди ва шу билан биргаликда тарих зарварақларида бутунлай муҳрланди.

Мустақилликка етишганимиздан сўнг ҳар бир соҳага юксак даражада эътибор қаратилди. Президент бобомиз биз ёшларни Ватанимиз келажагининг устуни сифатида кўриб янада юксак эътибор қаратдилар. Гапимнинг исботи сифатида Деҳқонobod туманининг ўзидаёқ кўплаб мактаб ва коллежлар, янги-янги заводлар, кичик корхоналар қурилганини айтишим мумкин. Хусусан, калий ўғитлари заводи ҳақида фахру ифтихор билан истаганча гапириш мумкин. Мактабимизга

ҳам янги жиҳозлар, кимё, биология хона анжомлари олиб келинди.

Шуни айтиш жоизки, биз ёшларнинг кучимиз ҳам, иқболимиз ҳам билимдадир. Муҳтарам Юртбошимиз И.А.Каримов “Менинг энг катта ишончим ва умидим, бугун замонавий билим ва тарбия олаётган, эндигина кучга кираётган ёшларимиз, фарзандларимиздандир” дея гапирганини ҳаммамиз яхши биламиз. Мана шундай билим масканларида таҳсил олар эканмиз, серқуёш заманимиз доврўғини бутун оламга ёйиш учун кўлдан келганча ҳаракат қиламиз. Ўтмишимиз ва бугунги кунимиздан фахрланиб айтамикки, ушбу имкониятлардан оқилна фойдаланиб, Ватанимиз келажагига мустаҳкам пойдевор ўрнатамиз. Чунки биз мустақил юртнинг баркамол фарзандларимиз!

**Машҳура ЭШМАМатОВА,**  
Деҳқонobod туманидаги  
7-мактабнинг 9-синф ўқувчиси





ОТАУЛИ



## ИККИ ҲИКОЯ

### НУҲ КЕМАСИ

*Ушбу мўъжаз асарнинг ёзилишига туртки берган устоз Абдулла Ориповга бағишлайман*

Нух алайҳиссалом ёнида ўтирган суюкли кенжа ўғлининг кифтига қўлини қўйиб босиқлик билан ўз ўгитини давом эттирди:

– ...Кемага тушганнинг жони бир, дейдилар, ўғлим Ёфас, биз шу кемада жон сақлаб турган чумолидан филга қадар жамики тирик жонзотнинг эрта бир кун саодат соҳилига етишиб, ер юзига ёйилиб, ўзларидан кўпайишларига жавобгармиз. Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидаймиз-да энди. Мана, тўфон суви тобора ортга чекинапти. Ўзингиз кўрдингиз, куни кеча Ҳумо қушини учирдик, шоядки у тез орада қуруқликдан бирон мужда олиб келса! Ўшанга қадар ҳушёрликни яна-да оширишимиз, айниқса, кемадаги ҳар бир тирик жоннинг тинчлиги-осойишталигини сақлаш учун уларга кўз-қулоқ бўлиб туришимиз керак. Токи ит билан мушук ҳадеб ит-мушук бўлавермасин, бўри кўзичоқнинг бўғзидан олмасин, қобон бўталоқнинг қорнини ёриб ташламасин... Кемамизнинг ҳар бир қисмида тинчлик-осойишталик, тартиб-интизом, мураса-мадора сақлансин. Ақалли қуруқликка чиқиб олгунимизга қадар ит – итлигига, бўри – бўрилигига, тулки – тулкилигига бормай, тарки одат қилиб, мўмин-қобилроқ бўлиб тура турсин...

Ёфас алайҳиссалом отасининг ўғитларига сомилиқ билан қулоқ тутиб ўтирар экан, бу гаплардан кўнглида андаккина оғриниш туйди. Очиғи, қарийб олти ойдан буён кемадаги турфа хил ҳайвонларга пойлоқчилик-посбонлик-қоровуллик қилавериш ҳолдан тойди. Ит билан мушукни, бўри билан кўзичоқни мурасага келтиришни-ку, туппа-тузук уддалаб турибди-я! Лекин “Мен зўравонман! Мен ҳукмронман” дея ўзича ҳезланиб юрган не бир ваҳший дарранда-ю газандаларни ўзаро мураса-мадорага келтириш, о, нақадар мушкул

иш экан! Табиатан уришқоқларни тинчлик-тотувлик, тартиб-интизомга чақирсангиз ҳам бошингиз балоларга қолаверар экан! Кунига-кунора орачининг бошига олти таёқ келиб тушаверар экан!..

Бунга-ку, чидаса бўлади! Қолаверса, у кемадаги одам боласидан бошқа жонзотларга қоровуллик қилишдан кўрқмайди, толиқмайди ва ё ор қилмайди, асло! Бироқ, айни чоғда, икки акасига дил-дилидан ҳавас билан қарайди. Мана, қарийб олти ойдан буён икки акаси отасининг икки ёнида елкадош бўлиб туриб, навбат-банавбат дарғалик қилиб, кемага тушган “жони бир” башар наслига бош-қош бўлиб келмоқда! Ақалли бир кеча бутун кемани бошқариш гашти билан ундаги жон ҳовучлаб яшаб, нажот соҳилини муштоқлик билан кутаётган одам боласини эзгу амалларга йўналтириш масъулиятини ҳис қилиши унга мумкин эмасми энди ҳеч қачон?!

Отаси ўзининг кўнглидан кечаётганларини савқи табиий ила уқдимми, ё машҳур бир нақлдагидек шунчаки “босувига қашуви” тўғри келиб қолдимми, дафъатан ўз ўғитларини ўзгачароқ ўзанга йўналтирди:

– Сиз, тўғри, серғайратсиз. Шу топда кучингиз танангизга сиғмай турибди. Лекин тан олишингиз керакки, ҳали анчагина ёшлигингиз бор, ўғлим. Кўп нарсаларга ақлингиз етавермайди. Шунинг учун акаларингизга ўхшаб кемага дарғалик қилишга зинҳор шошилманг! Яхши от кейин чопади. Тўғри, аввал-бошда Яратганнинг амри билан кемага ўзимиз яхши деб билган синнашта одамларнигина чиқарган эдик. Феъли айниган ёмонлар-ку, Худонинг қаҳрига учраб, тўфон сувига ғарқ бўлиб кетдилар. Бироқ начора, дунёи дунда яхши одамларнинг ҳам олмаси ичида экан-да! Бу ола, айниқса, қалтис сафар чоғларида аниқ-равшан кўриниб қолар экан! Не бир яхшилар ҳам дўппи тор келиб қолганида ўз балойи нафси йўлида ёмонликка қўл уриши, о, нақадар осон экан! Тор жойда гўшт егунча кенг жойда мушт е деганлари ҳақ-рост экан! Мана, тор кемадаги яшаш учун курашларда анчагина йўғон чўзилиб, ингичка узилиб,

не бир яхшиларнинг ичидаги олеси кўриниб-билиниб турибди! Сиз ҳали билмайсиз, ўғлим, бу улкан кемага дарғалик қилиб, айна чоғда, одам боласи билан муомалани жой-жойига қўйиб, уларнинг инжа кўнгилларига йўл топиш ҳам ёмонликдан қайтариш... ўтакетган дарранда-ю газандалар билан муомала қилишдан минг карра мушкулроқ иш, мен сизга айтсам! Шунинг учун ҳозирча бу фақир билан икки акангиздан дарғалик сирларини пухтароқ ўрганиб-ўзлаштирган ҳолда ўзингизни ер юзидаги улуғ ишларга руҳан ҳозирлаб турганингиз ҳар жиҳатдан маъқул деб ўйлайман. Уч ўғлимнинг кенжаси – Кенжа ботир сифатида сиздан умидим катта-да, ахир! Ҳали тўфон офатидан ҳалос бўлиб, қуруқликка омон-эсон чиқиб олганимиздан кейин кемада туғилган суюкли набирам Турк билан унинг энди туғила-жак укалари-сингилларини авайлаб-асраб, бошларини силаб, ер юзида Одам Отамиз билан бу фақирнинг пушти-палагини ўстириб-ундиришингиз керак бўлади! Қолаверса, ер юзини яна барбод эмас, аксинча, қайта обод қилиб, яратувчилик, бунёдкорлик намуналарини ғайр кўзларга кўрсатмоғингиз лозим, токи ҳар бир одам боласидан яхши асар, фахрланиб айтса арзигулик ном-нишон қолсин! Энг муҳими, ер юзида икки акангизга елкадош бўлиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, ўзингизни ҳам, акаларингизни ҳам энг олий мурод-мақсад манзилларига етказиш сизнинг зиммангизда эканини унутманг! Айниқса, жаҳолату нафс балолари, бахиллик, худбинлик, мунофиқлик, ёлғончилик сингари балолару балоҳўрларнинг тажовузларидан одам боласининг руҳини асраб, руҳни пок сақлашдек энг шарафли ишга аввало сиз масъулсиз, Ёфас, ўзимнинг Кенжа ботирим!..

Отасининг сидқидил гапларидан Ёфас алай-ҳиссаломнинг юраги қаттиқ орзиқди. Кўнгли ёришди. Ҳалигина отасию акаларига нисбатан кўнглида уйғонган ўксинишдан асар ҳам қолмади. Демак, унга дарғалик раво кўрилмаётганига сабаб – кўзи қиймаслик – қизғаниш эмас, асло! Аксинча, уни авайлаш, эҳтиётлаш, одам боласининг суқ назарларидан бир қадар холироқ тутиш, ер юзидаги улуғ ишларга руҳан чоғлаш экан! Демак, бутун келажаги ҳали олдинда! Демак, унинг чинакам сермазмун ҳаётию серқирра фаолияти омон-эсон соҳилга чиқиб олганларидан кейин – ер юзида бошланади! Отаси бир пайтлар айтиб берган ривоятни беихтиёр эслади. Нақл қилишларича, Парвардигори Олам гил (тупроқ, балчиқ)дан Одам Отамизнинг жисмига шакл бергач, Жонни ҳам яратиб, буюрибди: “Кир-гил!” Ушанда Жон уввало солиб Парвардигори Оламга ёлворибди: “Мен бу кир гилнинг ичига қандай кирман, раҳм қилинг! Бу лаҳаддек совуқдан-совуқ гилдан ясалган ғорға ўз ихтиёрим билан киролмайман, ахир!” Ушанда Парвардигори Олам ажиб бир сеҳрли оҳангни яратиб, Жонни унга чулғаб ташлабди. Жон ўзида мисли кўрилмаган илоҳий сархушлик-мастоналик туйибди. Шундан кейин Парвардигори Олам яна буюрибди: “Ана энди, эй Жон, ўйнаб-қулиб шу Танга киргил-да менинг иродам билан ўзингизнинг тақдирингизга кўнгли!” Илоҳий оҳанглар шавқиде сархуш Жон ҳалигина ўзи “кир” дея ижирғаниб қараган Танга ўйнаб-ўйноқлаб кириб кетар экан, икки пурҳикмат сўз Таннинг ич-ичидан бетиним акс-садо бериб турибди: “кир – гил”, “кўн – гил”. Таннинг қоқ марказига бориб кўним топган Жонга энди гил мутлақо кир-чир туюлмабди. Чунки энди фақат биргина пурҳикмату оҳангдор сўз юрак зарби билан баробар

равишда бир маромда тақорланиб бошлабди: “кўн – гил”, “кўн – гил”, “кўн – гил”!.. Вақт ўтиши билан Жоннинг Тандаги гилга кўниши-кўникиши шунчалик бўлибдики, у энди ўзини Тандан ташқарида тасаввур қилолмас экан, чунки энди Жон Таннинг қоқ юрагидаги ажиб бир мўъжизага – кўнгилга айланибди. Кўнгилда туғилган илоҳий оҳанглар Жон билан Танни шунақанги бир бутун қилиб қовуштирадиган бўлибдики, бу оҳанг сеҳри бутун оламни ўзига мафтун-махлиё этгудек экан... Дарҳақиқат, кўнгилнинг инжалиги шу қадарки, у бир сўз билан чўкиб, бир сўз билан ўсиши мумкин...

Ёфас алай-ҳиссаломнинг юраги яна тўлиқди. Отасидан изн сўраб, дарғанинг хос хонасидан ташқарига йўналди. Кеманинг даррандалар, газандалар, қумурсқалар, сут эмизувчилар... қўйинг-чи, жамики жонзотлар кўним топган ҳар икки пастки қаватини бирин-кетин кезиб-кезиниб чиқди. Улар ярим туннинг тотли уйқусида. Энг ашаддий ваҳшийлар ҳам уришқоқликни бас қилиб, ором оғушига чўмганлар. Учунчи қаватда тунни бедор кечираётган отаси билан ўзидан бошқа жамики одам болалари ҳам! Ҳаттоки ойдинда ойни қидириб кема қирғоғи бўйлаб ялангоёқ кезинувчи шарпасимон кимсалар ҳам ширин уйқуда! Отасидан бошқа гаплашса бўладиган бедор-у хушёр яна бир Ҳазрати Инсон борми ўзи?! Беихтиёр юраги сиқилиб кеманинг томига чиқди-да, дафъатан кўнгли ёришди: ана, хайрият, Тонг юлдузи кўриниш берибди! Демакки, қирқинчи кечанинг кундузга айланишига бир баҳягина қолиб турибди! Отаси айтганидек, қирқига чидаганидан кейин қирқ бирига ҳам чидамоғи керак энди! Падари бузруквори ҳақ! Одам боласи жисмининг тўқсон фоизи сувдан иборат, лекин асл насли тупроқ бўлганидан кейин, уни тупроқ сувдан минг карра кўпроқ куч билан ўзига оҳанрабодек тортаверар экан! Лекин... қани ўша тупроқ, муқаддас тупроқ, табаррук тупроқ, она Замин?! Қайлардасан, саодат соҳили?! Қайдасан, қувонч садоси?! Қайдасан, кенглик?! Қайдасан, ясси дашт?! Қайдасан, Устюрт?! Қайдасан, ёруғ келажак?!

Диққат билан қараган эди, сезилар-сезилмас бўзариб келаётган Шарқ уфқида бир қора нуқта аниқ-равшан кўзга ташланди. Беихтиёр юраги ҳаприқиб, тўлқинланиб кетди: “Ҳумо! Отаси учирган Ҳумо қуши ортага қайтмоқда! Бахт қуши саодат соҳилидан, ниҳоят, мужда келтирмоқда!..” Ҳумонинг учуш тезлиги яшин тезлигидан ҳам жадалроқ экан, кўз очиб юмгунча бўлмади у ўзининг бутун маҳобати билан нигоҳлари олдида намоён бўлди. Тикилиб қараган эди, қуш панжасида чангаллаб келаётган бир лўмбоз лой кўзларига аниқ-равшан кўринди. Бутун кучини бўғзига жамлаб бор овозда ҳайқирди: “Ота-а-а! Ҳумо... лой! Ҳумо... лой!” Она тупроқдан келтирилаётган мужда ўзига оҳанрабодек тортиб, унга беихтиёр қўл чўзиб талпингани боис мувозанатини йўқотиб қўйдими, ё кемада кўним топган одамлар орасидаги кўршапалакдек зимистонда кўнгли ёришадиган бир шарпасимон кимса, азбарой хушхабар даракчиси бошқа биров эмас, ўзи бўлиб чиқиш илинжида ортидан пусибгина келиб сувга итариб юбордим, ишқилиб, зум ўтмай шуни англаб етдики, кемадан уммонга қараб калла ташлаб кетмоқда! Ё фалак! “Етдим деганда йиқилдим” деганлари шумикан-а? Тупроққа етишаман деб тўфон сувининг туб-тубига шўнғиб кетяптими, нима бало?! Ўз оғирлигининг босимини апил-тапил енгиб, жонжаҳди билан юксакка интилди. Лекин бир қараса...



кифти билан кеманинг қорнига келиб урилди! Буниси қандоқ бўлди?! Отасининг раҳбарлигида барчалари баҳамжиҳат яшашган нажот кемаси энди унинг устидан босиб-янчиб ўтяптими, ё... ўзи афсонавий баҳодирдек бутун бошли кемани кўш кифтида азот кўтариб турибдими?! Отасининг ўгити билан қирқ кеча-кундуздан буён кеманинг бутун қаватларини қайта-қайта назардан ўтказган эди, энди Худонинг қудрати билан унинг қорнини ҳам бирров қараб чиқишга тўғри келиб турибдими?!.. Бир вақт, не кўз билан кўрсинки, нажот кемаси унинг устидан сирпаниб ўтиб Шарқ уфқи томон тобора йироқлашмоқда! Ортида эса, не бир наҳанглар одам ҳидини олиб, човут солиш учун оғизларини каппа-каппа очиб, тиш қайраган кўйи унинг устига шитоб билан бостириб келмоқда! Ё фалак! Буниси қандоқ бўлди?! Наҳот у олти ойдан буён не бир дарранда-ю газандаларни қўлга ўргатиб, уларга ем бўлиб кетмай жонини омон сақлаб чиққанида... энди омонат жонини анови наҳангларга қўш қўллаб топшириб қўйса?! Наҳот кемада туғилган тўнғичим Турк ҳали оёққа турмай туриб етимлик фожеасига гирифта бўлса?!.. Беихтиёр тагин жон-жаҳди билан овозини дол қўйиб ҳайқирди:

“Ота-а-а! Отажо-о-он! Мени қутқаринг! Ўзингиз айтганингиздек, ер юзида қиладиган ишларим кўп эди-ку ҳали! Ахир куруқликда энди одамга ўхшаб яшамоқчи бўлиб турган эдим-ку-у-у, ота-а-а!..”

Нажот кемасига термулган кўзлари дафъатан ярқ этди. Кема қуйруғида турган отаси кўлидаги энг асов тулпорларни жиловлаш олдидан тутиладиган узун арқон – қўриқни унга томон қўлочкашлаб отар экан, қичқирди: “Ма, тутиб ол! Хотиржам бўл, ўғлим, тепамизда Худомиз бор, Ҳаққа завола йўқ, хушxabар ҳам, от ҳам, отоқ ҳам, аслида, сенга тегишли, Ёфас ўғлим, бардам бўл!..” Бир учи шундоққина бош устига келиб тушган арқонга энг абжир чипонликдек чиппа ёпиша кетди. “Чўкаётган одам хасга ёпишади” дейдилар. Бу эса, хас эмас, не бир асов тулпорларни ҳам жиловлашда асқотадиган қўриқ – узилмайдиган ипак арқон-ку, ахир! Уста дорбоздек арқон бўйлаб юқорига жадал кўтарилар экан, дафъатан кўнгли ёришиб, ўзини кушдек енгил ҳис қилди. Ич-ичидан бир нидо баайни вулқондек отилиб чиқди: “Ассалому алайкум, Она Ер! Яшасин кенглик! Салом, бахтли келажак! Салом сизга, менинг баркамол авлодларим – етук наслларим!..”

## ЎЗБЕК ОТЕЛЛОСИ

Турон мамлакатининг ҳукмдори Алп Эр ҳоқон ёлғиз ўғли йигирма беш ёшга тўлиб, “Эр” атаниши муносабати билан йиғилганларни бирров кўздан кечириб, издиҳом олдидан қўл қовуштириб турган ўғлига кўз тикди:

– Кўк Тангрига шукурки, биз бутун Шарқу Ғарбни ўз атрофига бирлаштирган оқ хунлар авлодимиз, улим! Манови Оқсаройимизнинг бошидан нур сочиб турган Момо Офтобимиз билан унинг пойига бош уриб турган оппоқ отовимиз – Орол, бепоён куруқликнинг қоқ ўртасидаги ёпиқ денгиз, чучук сув, оби ҳаётнинг ҳаққи-ҳурмати шуни рўй-рост айтаманки, Сиз, улим, Кўк Тангрининг бизга берган буюк эҳсонини, умид чироғимиз, ушалган ва ушалажак орзуимизсиз! Шунинг учун ҳам бундан йигирма беш йил аввал сизга “ОТОВУЛ” деб от қўйган эдим! Эрта бир кун улим эр етганида шу отовимизга муносиб ул бўлсин, Турон тангриқутлари мулкига чинакамига эга бўлсин деб эдим! Мен энди қаридим! Мана, Кўк Тангрига шукурки, сиз ҳам Эр атаниб, ҳар томонлама етук, баркамол авлод, кирови эркак бўлиб турибсиз. Энди ўз отингизни оқлаб, яна бир ота, шу отовимизнинг эгаси, том маънодаги отовул бўлиш вақтингиз етиб келди. Энди Сиз ҳам оила қурмоғингиз керак! Хоҳиш билдирсангиз бас, қўл остимдаги жамики бўйсира қизларни кўз олдингизда киприкдек тизилиштириб қўймоғим мумкин, токи улар орасидан кўнглингизга яқин ўз тенгингизни топинг-да, сиз ҳам оила қуриш энди! Эрта бир кун онангиз билан мени неварга кўриш бахтига етказинг-да, ахир, улим! Манови Оқсаройимизни қуршаб турган Тупроққалъа, унинг атрофидаги Эллик қалъа, уларнинг ҳам атрофидаги эллик минг қишлоқларимизда шунақанги гўзал қизлар бисёрки, уларнинг олдидан афсонавий пари-пайкарлар ҳам ип эшолмай қолади!..

Турон хоқонининг ёлғиз ўғли йиғилганларнинг кўз олдидан тиз букиб, қўлини кўксига қовуштирди:



– Бир қошиқ қонимдан кечингиз, ота! Мен уйланмайман деётганим йўқ. Уйланиб, сизнинг орзумидларингизни ушатиш мен учун ҳам фарз, ҳам қарз. Лекин сиз ҳам менинг кўнглимга қаранг-да! Аввало шу саволимга жавоб беринг-чи! Мен тинглаган аксарият эртаклару дostonларимизда қахрамонлар нега ўз овули, қишлоғи, кенту шаҳри, ҳатто мамлакатидан уйланиб кўя қолмайди-да, бахтини қидириб бутунлай бошқа мамлакатларга сафар-саёҳат қилади, хўш?.. Мен бу асарлар қахрамонларидек Қалмоққа, Кўхи Қофга, Ваянганга, бошқа шулар каби илгари борилган маълуму машҳур манзилларга яна бормоқчи эмасман, балки уларнинг ҳаммасидан ошиб кетмоқчиман. Дунёнинг энг чеккасидаги бутунлай номаълум бир мамлакатга бориб, дунёдаги энг бокира гўзални топсам-да, сизга муносиб келин қилиб олиб келсам дейман! Биров юрган йўлдан юриб ўтишни эмас, ҳеч ким юрмаган янги йўл топишни, ўз бахтимни ўзим ана шу янги йўлдан қидириб кўришни истаб турган бўлсам, нега сиз менинг шу истагимни қўллаб-қувватламаслигингиз керак, ота, ҳеч тушунма-япман?! Аввало шу истагимга етишим учун изн берин! Кейин менга оқ йўл тилаб дуои фотиҳа қилинг, Сиздан илтимосим шу!..

Алп Эр ҳоқон беихтиёр тахтидан сапчиб туриб, асабий этак силкиди:

– Яна шу гапми, улим?! Сизга нима етишмайди ўзи?! Истаган нарсангиз муҳайё, мамлакатимнинг энг гўзал, энг оқила қизлари сизга умр йўлдоши бўлишни орзу қилиб турган бўлса! Шу қуруқликнинг қоқ ўртасидаги улкан сувлик – Орол – отовимиз – бизнинг дунёмиз, ахир! Бу дунёдан бош олиб кетиб, янги бир дунё очилди... хўш, айнан сизга нима учун керак бўлиб қолди?! “Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши” деган ота-боболаримиз! Қуйруқнинг ўзи ана ўша узоқларда борми-йўқми, буёғи ҳам ноаниқ бўлса!.. Нима қиласиз ўз бошингизни ўзингиз хатарга қўйиб, бизни йўлингизга зор-интизор, ўзингизни сарсон-саргардон қилиб?!.

Отовул ҳам тиз чўккан жойидан туриб, қаддини керди-да, отасига ёвқур қараш қилди:

– Мени узоқ йўлдан қайтараман деб бекорга овора бўляпсиз, ота! Аждодларимиз нафақат Туронзамин, бутун Чин-Мочин, Ҳинду Синдни кезиб чиққанида, ҳаттоки улкан қитъамизнинг тор бўйнидан юриб бутунлай янги бир қитъага ўтиб, шу ёқларда яшаб қолганларидан... нега энди мени ўзингизнинг майда қадамларингизга боғлаб ташлашга уриняпсиз ўзи?! Ахир, мен ўша узоқ аждодларимиздек бошқа қитъага бутунлай ўтиб кетмоқчи эмасман-ку! Ниҳоят ўз қитъамизнинг кунботарига қараб йўл юриб, унинг нариги чеккасига бормоқчиман, холос! Оқ хунларнинг кўнглидек оппоқ яловини қитъамизнинг нариги чеккасига обориб қадаб келсам, нима, шу ёмонми?! Боз устига, кўнгли ўзимизнинг кўнглимиздек оппоқ, бу дунёдаги энг бокира гўзални сизга келин қилиб олиб келмоқчиман-ку!.. Нур устига аъло нур деганлари мана шу эмасми, ота?! Ёнимда ўзимга етгулик қоровул, ясовул, баковул, шиғовул, ҳировулларим бўлса! Бош устимизда – Кўк Тангри билан Момо Офтоб, тагимизда – учқур қорабайир отларимиз, нортауялар устида – ўтовларимиз, кўнгилларимизда – дунёни кўриш-билиш, иложи бўлса, ернинг киндигини топиш иштиёқи бўлса!.. Сиз нега бу иштиёқимизни сўндиришга уриняпсиз ўзингизча?! Шу ишингиз бутун умрини от устида ўтказган Турк Отамиз билан Ёфас Отамизга муносибми, ахир, ота, ўзингиз ўйлаб кўринг?!.

Алп Эр ҳоқоннинг қони қайнаб, беихтиёр жумбушга келди-да, асабий бир қатъият билан қўл силтади:

– Майли, улим, Турк Ота билан Ёфас Отани ўртага қўйиб турибсизми, энди шу турк будуннинг кўз олдида сизга оқ йўл тилаб, Кўк Тангридан паноҳ сўраб дуо қилмасам, Турон ҳоқонларию хун тангрикутларининг асрий таомилларига зид иш қилган бўламан! Майли, толеингиздан кўринг энди!.. Илоё йўлингиз оқ, бошингиз тошдан бўлсин, улим! Ой бориб, омон қайтинг! Волидангиз, бутун эл-улус билан бирга кўзларимиз тўрт бўлиб йўлингизга кўз тикиб яшаймиз энди! Бошингиз иккита бўлиб қайтганингизни, эрта бир кун шу отовимизнинг қошида кўпдан-кўп набиралар – тангрикутларнинг баркамол авлодларини кўриш бахти барчамизга муяссар бўлсин!..

Эртасига тонг-саҳардан Отовул ўзининг қоровуллари, ясовуллари, шиғовуллари, баковуллари, ҳировуллари, бутун кўч-кўрони, башарти олдларидан ёғий чиқиб қолгудек бўлса, мустаҳкам ҳимояда туражак енгилмас кўшини билан йўлга тушди. Ортларида оппоқ отов – Орол денгизи қошида аждодлар кузатиб қолдилар. Оқ хунларнинг асосан дунёни англаш иштиёқидаги серғайрат ёшлари – энг баркамол авлодидан иборат йўлчилар эса, қўлларида – оқ байроқ, кўнгилларида – оппоқ орзулар, мўлжални кундузлари – Қуёшдан, кечалари – ой билан юлдузлардан, аввало Олтин Қозиқ – Қутб Юлдузидан олиб, кунботарга қараб кетдилар. Йўл юрдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрдилар. Ана, Алпомиш забт этган Қалмоқлар юрти ортда қолди. Мана, Ёйиқ тоғлардан ошиб ўтдилар. Яна бир узоқ аждоди “Э дил!” деб номлаган улкан дарёдан ҳам кечдилар. Яна не бир оқ хунлар ўзларича “Осмон томи” дея таърифлаган Кўхи Қоф – Қофқоз тоғларидан ошдилар... Тагин не бир тоғлардан ошиб, дарёлардан кечиб ўтиб бориб, ниҳоят, дунёнинг энг чеккасига етдилар. Етишга етдилар, лекин, не кўз билан кўрсинларки, кўм-кўк денгизга боқиб, “Ана энди маррага етиб келдик, қитъанинг энг чеккаси шу!” дея қувониб турганларида... кўзи ўткирлиги билан донг таратган шиғовул қачонлардир бир билга яратган сурнайсимон ускуна – дурбин ичига кўз тикиб айтдики: “Кўзимга бутунлай янги дунё аниқ-равшан кўриниб турибди! Афтидан, бизнинг қитъамиздан бошқа яна бир қитъа борга ўхшайди! Янги қитъа бўлганда ҳам, кўм-кўк денгизнинг нариги тарафида оппоқ оқариб турган бир отов! Лекин бу отов... бизнинг Оролимизга ўхшаб, қуруқликнинг ўртасидаги сув эмас, аксинча, сувнинг ўртасидаги қуруқлик!..

Отовул шиғовулининг қўлидан дурбинни олиб, кўзига тутди. Ё фалак! Бу қандай Орол бўлди?! Қуруқликнинг қоқ ўртасидаги сув эмас, сувнинг ўртасидаги қуруқлик!.. Яна бир “Борса келмас”ми бу, нима бало? Қизиқ!..

Денгиз соҳилида узоқ давом этган маслаҳатлар, хордиқ чиқаришлари янги сафар-саёҳатга ҳозирлик кўришлардан кейин тагин йўлга тушдилар. Яхшиямки, Орол денгизидеги “Борса келмас” оролчасига сузиб бориш учун қайиқ яшаш бобида тенгсиз усталар ҳам ҳимоя қўшини орасида етарли бўлгани, улар ясаган қайиқларда суза-суза, ниҳоят, бутунлай янги соҳилга яқинлашдилар. Яқинлашар эканлар, дурбинни тагин кўзга тутиб қайта-қайта қарадилар. Не кўз билан кўрсинларки, бутун соҳил бўйлаб сонсиз-саноксиз одамлар! Худди ўзларидек новча-новча, алпқомат-алпқомат, ранг-рўйлари оппоқ-оппоқ одамлар! Йўқ, ўзларидан



хам оппоқроқ! Лекин ҳар бирининг кўлида ўзидан камида икки барабар узун қоп-қора-қоп-қора найза борлигига нима дейсиз! Найза учлари қуёш нурида товланади! Ҳаммалари найзадор! Беҳисоб найзадорлар! Олисдан дўст тутиниш умидида келган меҳмонни найза билан кутиб олиш!.. Бу қанақаси?! Ахир, улар оролга найза кўтариб эмас, кўнгилларидек оқ-оппоқ байроқ кўтариб келмоқдалар-ку! Қўлида оқ байроқ билан келаётган одамни қора найза билан кутиб олиш... яхшими?! Кўллариди ҳилпираб, тинчлик-тотувликка чорлаб бетўхтов-безовта силкиниб турган оқ байроқлар ўз таъсирини кўрсатди, шекилли, ҳартугул, орол эгалари найзаларини ерга қўйиб, ишониб-ишонмай, ҳадиксираб кутиб олдилар. Бир-бирлари билан қўл олишиб кўришгач, бирга-бирга соҳилдан оролнинг ичкарасига томон юрдилар. Йўл-йўлакай имо-ишоралар ёрдамида сўрашиб-танишдилар. Бу мамлакат, ўзларининг айтишларича, оқилчинлар мамлақати, мамлакатнинг оти эса, “Биртания” экан. Бутун орол аҳли ёғийга қарши курашда бир тану бир жон бўлиб, бир ёқадан бош чиқара олганлари, ёвга қарши жангда ниҳоятда аҳиллиги учун мамлакат “Улуғ Биртания” деб аталар экан. Халқнинг оти шунинг учун “оқилчин” деб аталар эканки, аввало, ҳаммаларининг ранг-туслари худди оқ хунлардек оқ, оппоқ, оқимтир, оқиш, оқилчин экан, қолаверса, улар чиндан ҳам оқил-ақлли-билга экан... Орол эгаларининг тилларини ҳам, урф-одатларию турмуш тарзини ҳам билиб-ўрганиб-тушуниб олиш унчалик оғир бўлмади. Лекин оқ хунлар ўзларини уларга таништиришда анчагина қийналдилар. Масалан, бу оқилчинлардан биронтаси Отовулнинг исмини аниқ-тиниқ айтолмади. Тили келишгани “Аттила” бўлди. “Майли, “Аттила” бўлса “Аттила”-да! – деб ўйлади ўзича Отовул. – Ҳар қалай, тил топишиб бошлашди-ку, муҳими шу эмасми!” Ясовул, шиғовул, ҳировул, қоровулларни – жангари қўшин, уни – қўшиннинг бош қўмондони деб, ўзларининг жангари табиатларидан келиб чиққан ҳолда тўн бичишган, шекилли, яна бир тушунарси сўзни тўтиқушдек қайта-қайта такрорлаб қолишди: “женерал”, “женерал”!.. Табиийки, Отовул бу тушунарси сўзга ҳам эътироз билдириб ўтирмади: “Майли, женерал бўлса женерал-да, – деб ўйлади тагин ўзича, – муҳими, оқкўнгилу бегуноҳ хунларни ўлдирадиган хунхўру хунрез эмас, қонхўр эмас, қотил эмас, босқинчи-каллакесар эмас, ниҳоят “женерал”, ўзимизча айтганда, ниҳоят “лашкарбоши” экан-ку!..”

Узоқ давом этган сўрашув-танишувлардан сўнг ўз-ўзидан мурод-мақсадга ўтилди. Отовул сафар-саёҳатдан кўзда тутилган энг асосий мурод-мақсадни айтганида, маълум бўлдики, ё фалак, одам боласининг қони қонига нақадар туташ, тили тилига нақадар ўхшаш экан, “Элга эл қўшилса – давлат” деган қадимий мақол бу қавмда ҳам бор экан! “Биз ҳам элга эл қўшилишини хоҳлаймиз, албатта, – дейишди улар, – фақат бунинг бир неча шартлари бор-да!” Отовул пировард мақсадга ўтди: “Агар дунёнинг энг гўзал қизи сизнинг юртингизда топилгудек бўлса ва агар у менинг кўнглимга ўтиришса, ана ўшанда ҳар қандай шартингизга, майли, розиман”.

Ипга тизилган қалдирғочлардек тизилишган кўзлари мовий-мовий, сочлари тилларанг-тилларанг қизлар орасида бир қизни кўрганида Отовулнинг кўнгли беихтиёр жиз этди. “Шуниси юрагимдан урди! – беихтиёр иқрор бўлди у. – Отини айтинг энди бу қизнинг?” Жавоб қайтди: “Дездемона!” Яна сўради: “Бу сўзнинг

маъноси нима?” Жавобдан кўнгли жуда тўлди-тўлиқди-тўлқинланди: “Хоҳланг “Дездемона” денг, хоҳланг “Мона Лиза”, ҳар иккисининг маъноси – “гўзал малак”, “парипайкар” дегани бўлади! Отовул тикилиб қаради. Ростдан ҳам, “парипайкар” деса дегудек экан! Шунча йил дунё кезиб, бундай афсонавий гўзал малакни кўрмаганлиги рост! Лекин у... куляптими, йиғляптими? Одамга меҳр билан боқяптими, ё қаҳр билан? Дилидагиси нима: макрми ё муҳаббат?... Юз ифодаси шу қадар сирли, шу қадар илохий, шу қадар муҳаббатки, кошки кўнглидагини юз-кўзларидан билиб бўлса! Нима бўлганда ҳам, шу бир дунё гўзали деб дунё кезиб янги дунёга келиб турган экан, энди бўладиган ишни қилмоқ керак! Бу пари пайкарга эришиш учун ўзини ҳар нега қодир, моҳир, ҳозиру нозир деб ҳис қилди. “Бўпти, шу гўзални Турон мамлақатига олиб кетиш йўлида ҳар қандай шартингизга розиман!” – деди Отовул. “Битта эмас, бир жуфтгина шартимиз бор! – деди оқилчинлар. – Биринчи шартимиз шуки, бизни Шарқий Рим империясининг зулму зуғумларидан халос қиласан! Бунинг учун нимаки ёрдамимиз лозим бўлса, биз тайёримиз. Масалан, қўшинингга истаганинча қўшин қўшиб беришимиз мумкин! Шартимизнинг шунга боғлиқ давоми шуки, бутун баданиннга қорақуя суркаб, ўзингни маврми-ҳабаш деб эълон қиласан, токи империядагилар бизни сен билан тил бириктиришда айблаб, башарти мағлуб бўлсанг, ҳолимизни баттар танг қилишмасин! Қолаверса, анови италянлар икки оқтан тил бириктириб бир қорамағизни ўртага олишди, деб ўйлашмасин, аксинча, булар ҳам ўзимизга ўхшаш қорачагина экан, деб ўйлашсин!..” Отовулнинг кўнглига, табиийки, бу шарт ўтиришмади! Дўст бўлиб келганни душманга қарши олқишлаш... яхшими?! Бунинг устига, оппоқни қоп-қора қилиб кўрсатишдек кўзбўямачилик... кимга нима учун керак? Табиийки, шартга қарши норозилик билдирди: “Мен ҳеч қачон ҳеч кимга биринчи бўлиб мушт кўтармаганман, бировнинг буйруғини бажармаганман, бировнинг номидан иш кўрмаганман, Отовулман, оқ хунман, енгиллиш нималигини билмаганман, билмайман ҳам. Қолаверса, империясими, ундан каттароғими, агар у ростдан золим ёғий бўлса, ўша ёғийни ўз номимни ошқора айтиб бориб енгил келаман! Бировнинг номидан иш кўришни ўзимга иснод деб билман! Сизга кераги ўша ўзингизга зулмини ўтказётган “империя” деган ёвуз кучни таслим қилишми, ахир?!” Унинг ёниб-қуйиб айтган сидқидил сўзларини тинглаб турганлар мийиғида қулиб айтдиларки, “Биз ҳам сувни кўрмай туриб этик ечмаймиз, қош қўяман деб кўз чиқармаймиз, жўжани кузда санаймиз... Хуллас, биринчи шартимиз шуки, агар сенга ростдан ҳам Дездемона керак бўлса, маврми-ҳабаш қиёфасида бориб Шарқий Рим империясини мағлуб қилиб қайтасан! Гап шу! Иккинчи шартимизни ана ўшандан кейин айтаемиз!”

Модомики ота-боболари “Жон қийналмай жонона қайда, Тоққа чиқмай дўлона қайда” деган эканлар, бу шартга рози бўлишдан ўзга чора йўқ, шекилли, деб ўйлади у. Майли, дунё гўзалига эришиш учун бир муддат оқни қора қилиб кўрсатса кўрсатибди-да, шу билан бир умрга юзи қора бўлиб қолмас, ахир! Муҳими – зулм-зўровонликка чек қўйиш – хайрли иш-ку!

Империяни ўзи бош бўлган қурама қўшин билан мурасасиз жангда таслим қилиб, туя-туя тиллоларни ўлжа олиб, бундан ташқари, ҳар йили катта миқдордаги соф тилладан ўлпон тўлашини ўша “император” деганларининг бўйнига тавқи лаънатдек осиб, ғалаба билан ортига

кайтди. Ўзи ҳам қуруқ қайтмади. “Аттила” билан “женерал” деган сўзларнинг ёнига яна икки лақабни орттириб қайтди: империянинг қоқ ярми уни “Худонинг балоси”, қоқ ярми эса, “Атла” деб атаб бошлашди. “Товуқ нималар емайди, мағлуб нималар демайди, – деб ўйлади Отовул. – Барибир, ўзи истамаган ҳолда бир муддатга юзи қора бўлган экан, бу кўргиликнинг олдида “Худонинг балоси” билан “Атла” деганлари нима бўлибди! “Худонинг балоси”, аслида, кимлигини ана ўша Худодан бошқа ким аниқ билади, ким?! Башарият тарихининг аталасини чиқариб ётганлар унинг отаси қўйган исми ҳам бир муддат аталага айлантурса айлантирибди-да! Ахир бир кун асл ҳақиқат қарор топар-ку! Тепада Тангри турибди-ку!..

Дездемонани Отовулнинг кўзларига яна бир марта кўрсатиб, унинг юрак-бағрини баттар оловлантирганлар энди иккинчи шартга ўтдилар: “Яна бир шартимиз шуки, бизнинг ноғорамизга ўйнайсан!”

Отвул умри бино бўлиб чилдирмага ўйнаган, дурторга ўйнаган, торга ўйнаган, қонунга ўйнаган, лекин... ноғорага ҳам ўйнаб бўларканми?! Гўс ноғора одатда уруш бошланиши олдида чалинади-ку! “Империя” деганлари таслим бўлиб, уруш балоси тугади деб турганида... энди уруш-жанжалга чақириб чалинадиган ноғорага бало борми! Қизиқ бўлдию... Таажжубига нисбатан қизиқиши устун келди: қани, кўрайлик-чи! Кимнинг ноғорасига ким қандай ўйнар экан?..

“Ноғора ўйин” деганлари бу ерда урушга чақиритишни аниқлаш экан. Ўйиннинг моҳияти шундай эканки, бир ноғорачи гумбурлатиб улкан гўс ноғорани чалиб туради, бошқалар эса, бир эркак бир аёлни қоқ белидан маҳкам кучоқлаб олиб, икковлашиб рақс тушишади!.. Бу қандай ўйин?! Ўйиндан ўт чиқариш эмасми, аслида, бу?! Қараса, ўзи кўз остига олган ўша “пари пайкар” Дездемонани бир олакўз барзанги унинг шундоққина кўз олдида бемалол кучоғига босиб бачкана қилиқлар қилипти! Ё фалак! Бу қанақаси? Буниси ҳаммасидан ошиб тушди-ку! Уруш деди – урушди, юзинг қора бўлсин деди – юзини қора қилди. Энди ўзининг бўлажак умр йўлдошини бошқа биров билан баҳам кўриши қолувди! Бу қандай жаҳолат ўзи?! Барибир, ҳам уришқоқ, ҳам юзи қора бўлган экан, ўша барзангининг нақ гирибонидан олди: “Ҳой, даюс ёғий! Сен нега куппа-кундузи менинг бўлажак танмахраимга суркалиб шилқимлик қилипсан ўзи?! Сендек ёғийни тилка-пора қилиб ташлайми ҳозир?! Яна бир марта қорангни Дездемонанинг қошида кўрсам, нақ ерга қозиқ қилиб қоқаману унингни буткул ўчираман-қўяман, уқдингни?!” Ноғора ўйини таққа тўхтаб, бутун ўйинчилар уларни бир-бирларидан ажратишга уриндилар. Базўр ажратгач, гап нимадалиги – нима гаплигини аниқлаштиришга тутиндилар. “Бу жентлмен партнерни ўз тилингда нима деб атадинг?” – деб сўради биттаси қаттиқ қизиқиб. Отовул ажабланди: “Ёғий дедим! Бўлажак умр йўлдошим, болаларимнинг онасига тирғалган нокас менга ёғий, ёв, ғайор бўлмай ким, ахир, дўст-ёр бўлармиди?!” Масаланинг моҳиятига тушуниб ётганлар бир уни, бир ёғийни масхаралаб кулдилар. Бир қанчалари ёғийни қўллари билан нуқиб кўрсатдилар: Ана, “Яго!”, “Яго!”, бугундан бошлаб “Устаси фаранг” эмас, “Яго” бўлди энди у!

Отвул баттар хуноб бўлиб, қизишиб уқтиришга тушди: “Энди анови устаси фарангни кўя туриб, манови ўйинга келайлик! Бу қандай ноғора базм бўлди ўзи?! Келар йўлимизда бир гуржидан отнинг эркагини кўрсатиб,

“Бу эркакми?” деб сўраган эдик, у айтдики, “Йўк, бу эркак эмас, шунчаки айғиргина! Чинакам эркакда яна пул ҳам бўлиши керак!” Мен ўша гуржига кўшимча қилиб сизларга айтаманки, одам боласи пулдор бўлгани билан ҳам ўз-ўзидан чинакам эркак бўлиб қолмайди. Эркакда аввало орият, ҳамият, шаън-шавкат деган энг бебаҳо хазина-ю ганжиналар бўлиши керак! Шу бебаҳо бойликлар мана бу ерида бўлиши керак! – Отовул қўлини мушт қилиб чап кўксига дурсиллатиб урди. Кейин белбоғини ечиб, худди кўзбойлағич кўтоснинг кўз олдида қизил матони кўз-кўз қилгандек, оппоқ белбоғини йиғилганларнинг кўз олдида ёзиб силкитди. – Мана, манови тўртбурчак оқ мато тўрт кўтбнинг тимсоли хисобланади. Шу тимсолдан бир жуфт йиртилади. Улар “чорчи” деб аталади. Мана шу чорчидан бири эркакнинг белига боғланади-да, униси “белбоғ” деб, яна бири аёлнинг бошига боғланади-да, буниси “рўмолча” деб аталади. Шунинг учун ҳам бизнинг Туронимизда “Белингда белбоғинг борми?” деган савол “Эркакмисан ўзи?” деган маънони англатади. Худди шундай, “Бошингда рўмолинг борми?” деган савол “Аёлмисан ўзи? Бошингда паноҳинг борми?” деган маънони англатади. Эркак шунинг учун ҳам эркакки, у ўзининг белидаги оппоқ белбоғи билан аёлининг бошидаги оппоқ рўмолига гард юқтирмасдан авайлаб-асрайди. Эркак аввало бирон бошқа эркак қўлини ҳам ушламаган, ҳаттоки ўз туққан онаси ўпмаган бир бокира қизни умр йўлдоши сифатида танлаб, унинг бошига рўмол ўрайди. Бу “Менинг иккинчи яримим!” дегани бўлади. Анови ёғий... бўлажак иккинчи яримининг қўлини эмас, белини бемалол ушлаб, ҳамманинг кўз олдида кучоқлаб бағрига босиб турса!.. Бу қандай ноғора ўйин, бу қандай майнавозчилик, бу қандай ёввойилик?! Ўша ўзларинг айтган “ўтакетган варварлик” мана шу эмасми?! “Варварлик”нинг чекичегараси бор-ку, ахир!..

Унинг чин юракдан ёниб-қуйиб айтган гапларини диққат билан тинглаб турганлар шу ерга келганда беихтиёр қарасак чалиб юбордилар. Бири олиб, бири қўйиб, хушнуд хитоб қилдилар:

– Яша, Аттила!

– Бу оламда бор экансан-ку!

– Мантининг каттаси Туронингда экан-ку, билмай юрган эканмиз!

– Иккинчи шартимизни ҳам қойилмақом қилиб бажардинг! Энди юз-қўлингни ювиб, аслинга қайтаверсанг бўлади!

– Айни шу лаҳзалардан бошлаб Дездемонани – сенга, сени – Дездемонага топширдик!

– Тақдирингни узил-кесил ҳал қилувчи шартларни энди Дездемонанинг ўзидан эшитаверасан, биродар!..

– Эй, барно йигит! – деди Дездемона икковлон ҳоли қолганларида. – Сен менга бир қарашдаёқ кўнгилик қўйганингдак, мен ҳам сенга бир қарашдаёқ кўнгилик қўйган эдим. Мен сенингдак барно, сенингдак доно йигит билан ўз ҳаётимни бир умрга боғлашга бажонидил розиман. Лекин бутун қавмдошларим каби менинг ҳам шартим бор-да?..

– Ҳар қандай шартинг – бош устига! – деди Отовул қаттиқ гувраниб. – Мен бу шартларингни сен қандай истасанг, худди шундай адо этишга тайёрман!

– Биринчи шартим шуки, – деди Дездемона, – мени ўз юртинга олиб кетишингдан аввал олти ой уйимда яшаб, аввало менинг, қолаверса, ота-онам, қариндош-уруғларим, бутун юртдошларимнинг кўнгилик райимизга



қараб, кўнгилларимизга йўл топиб, жамики синовларимиздан ўтасан, агар шу синовларда синмасанг!..

Отовул шартнинг моҳиятини унчалик тушунмади. Ичкуёв-кучуқкўёв бўлиб яшашни таклиф қиляптими бу “Дездемона” деган пари-пайкар? “Кўнгил райимизга қараб” деганларини қандай тушуниш керак? “Инжиқликларимизга кўниб”, “хархашаларимизга чидаб” дегани эмасми мабодо бу?! Кўнгилларига йўл топмоғи учун, хўш, нима қилмоғи керак бўлади ўзи? Қўлга ўргатилган лайчадек ялтоқланиши, игнанинг кўзидан ўтаётган ипдек эшилиб-буралиши, ип ўтказишдан аввал бурни тешилаётганида беихтиёр бўкириб юборган туядек юлқинмасдан, аксинча, курка-товуқдек пушибгина туриши, шердек наъра тортишнинг ўрнига қанжикдек ғингиб-улиб умргузаронлик қилиши талаб этилмоқдами?! “Масала”ни аниқлаштиради, албатта. Маълум бўлдики, йўқ, бундай эмас, бошқачароқ экан. Шу синов муддатида энг аввало эр йигитнинг ирода кучи, муҳаббати, ҳамияти, орияти, маданияти, сабртоқати, сабот-матонати ва бошқа жамики инсоний фазилатлари жиддий имтиҳон қилиб кўрилар экан! Ўйлаб қараса, яхши, бамаъни гаплар! Буларнинг ҳам дунёга қараши туронликларнинг дунёга қарашига анчагина мос келар экан-ку! Ахир, йигирма беш ёшида “Эр” атанган алп йигитнинг бу ерга келишидан бош муддаоми ҳам киройи эркак сифатида айна шундай имтиҳонлардан шараф билан ўтиши эмасми?!.

Синов муддатининг биринчи куниданоқ, айниқса, бир ҳол унинг кўнглига мутлақо ўтиришмади. Бу Дездемонаси тушмагур!.. Тўғри, тилладек ял-ял товланувчи олтинранг сочларининг гўзаллигига гап йўқ! Уларга бир умр мафтун-маҳлиё термулиб ўтирса арзийди! “Соч эмас бу, шаршара бу, шаршара бу, шаршара!” Лекин шаршарадек шовуллаб турган сунбул сочлар ичидаги бош!.. Уйда ҳам, кўча-кўйда ҳам ҳамиша яп-яланг, очик-сочик, тагин денг, бу бошнинг соҳибаси ўзининг шу аҳволига буткул парвойи палак! “Эй Дездемона! – деди Отовул. – Бизнинг урф-одатларимизга кўра, эркакнинг бесоқол-белбоқсизлиги қанчалик кечирилмас гуноҳ, ўтакетган уят бўлса, аёлнинг ҳам рўмолча тақмай, бошқаларга ялангбош – боши очик ҳолда эркакшода кўриниши ҳам шунчалик кечирилмас гуноҳ, ўтакетган уятли ҳол ҳисобланади! Одатда эркакнинг бели белбоғ билан қанчалик маҳкам боғланган бўлса, аёлнинг боши ҳам рўмолча билан шундай маҳкам танғиб боғланиши керак! Бизнинг Туронимизда бошяланглик-ялангбошлик аёл зоти учун ялангоёқликдан минг карра оғирроқ кўргилик ҳисобланади. Энг катта фожиа – аёл зотининг бошида ишончли паноҳи, мустаҳкам бошпанаси йўқлиги, боши очиклиги деб қаралади. Шунинг учун ҳам ёш қизчалар бошларига – дуррача, оилали аёллар – қийиқча, кайвони онахонлар – қошбоғ боғлаб юрадилар. Бу бош кийимларнинг ҳаммаси бир сўз билан “рўмолча” деб аталади. Бу ерга келаётиб билиб олдик: масалан, славянлар уни “косинка” дейишар экан!.. Сен эрта бир кун синов муддатимиз тугагандан кейин мен билан Турон мамлакатига бориб, Турон ҳоқонлари – хун тангриқутларининг пушти-палакларини туғиб-ўстириб, тарбиялаб-вояга етказишинг керак бўлади. Бунинг учун бизда аввало аёл зотининг боши боғлиқ бўлиши талаб этилади. Шу пайтга қадар сенинг бошинг очик бўлса бўлгандир, бунинг уволию савоби ота-онанг билан халқинга ҳавола! Лекин энди сен боши очик эмас, боши боғлиқ аёлсан-ку! Мана мен сенинг пуштипаноҳинг бўлиб ёнингда турибман-ку!

Модомики менинг бўлажак ҳасми-ҳалолом, туғилажак болаларимнинг онаси экансан, онам Оққиз атайлаб бериб юборган, ўзим жон қушидек асраб юрганым манови бир жуфт оппоқ чорчидан бирини бошинга рўмолча қилиб маҳкам боғлаб ол! Бу рўмолчага гард юқтирма, ҳеч қаерда бошингдан ола кўрма! Фақатгина менинг олдимда уни ечишга ҳақлисан, шуни унутма!

Рўмолчани дастлаб тақиб кўрганида “Вой, бирам ярашдики!” дея астойдил суюнган Дездемона эртасига Отовулга қарши бош кўтариб, норозилик баёноти эълон қилди:

– Ордона қолсин бу савил! Бу бошоғриқни бошқа тақолмайман, тамом-вассалом! “Дониё – зиндон!” дея хитоб қилган экан золимларнинг зуғуму ноҳақликларидан юраги ўртанган бир ситамдийда шаҳзода. Ўйлаб қарасам, ўша шаҳзоданинг Дониёси эмас, сенинг Туронинг зиндонга ўхшайди-ку! Хўш, агар мен бошим боғлиқ бўлишини истамасам-чи, аксинча, бўш, эркин, озод бош бўлишини истасам-чи? Нима қиласан? Бу истагимни қандай йўқ қила оласан?!.

Отовулнинг қаттиқ боши қотди. Дарҳақиқат, одам боласининг истагини қанақасига йўқ қилиш мумкин? Айниқса, озодликдек жўяли истакни зулм-зуғум, тазийқ ўтказмаган ҳолда тинч йўл билан йўқотиш, унинг ўрнига, оддийгина инсоний маданият уруғини ўтқозиш мумкин?! Баланд келиб зулм-зуғум ўтказишдан ҳам, паст келиб ялиниб-ёлворишдан ҳам тийилиб, оддийгина инсоний мураса-мадора йўлини тутиши, жумладан, ётиғи билан тушунтириши, шу йўл билан яланг бошидаги инсоний миясининг тархини очишга ҳаракат қилиши керак бўлади, албатта. Ягона чора шу!

– Ахир, тушунсанг-чи, Дездемона, азизим! – севгилисига меҳр билан боқиб оҳиста гап бошлади Отовул. – Истақда ҳам истак бор-да! Ўзинг жиддийроқ бир танангга ўйлаб қара! Тангри Таоло бу оламни фақатгина “Ҳаракатда – баракот” деб эмас, балки саралаш асосида яратган. Оламда ҳамма нарса сараланади, сараланиши ҳам керак! Фақат сараланишнинг шарофати билангина ҳаммиша зўрдан зўр чиқади. Акс ҳолда ғўрдан ғўр, кўрдан кўр, шўрдан шўр чиқаверади!.. Масалан, деҳқончиликда энг сара уруғни энг сара уруғга кўшиш орқалигина улардан ҳам зўрроқ уруғга эга бўлиш мумкин. Чорвачиликда ҳам, овчиликда ҳам... Мана, мен юртингга миниб келган манови қорабайир отга қара! Аввал-бошда асли-насли энг зотдор айғирнинг энг зотдор бияга қўшилишидан дунёга келган энг гўзал қулун бўлган эди бу қорабайир, билдингми?! Шунинг учун ҳам у асл тулпор бўлиб воёга етган! Бу оламда ҳамма жонзотлар каби одам боласи ҳам жуфт-жуфт қилиб яратилган! Лекин ҳамма гап жуфтлашишнинг ўзида эмас, ким билан кимнинг қачон қандай жуфтлашишида! Нега бизнинг Туронимиз ҳоқонлари ўз жуфтларини гоҳ Хитой императори, гоҳ Ҳиндистон рожаси, гоҳ Эрон шоҳаншоҳи, гоҳ Юнон қайсарининг муҳташам саройларидан қидирганлар-да, кўпинча топганлар ҳам?! Чунки мана шу йўл билангина бутун оламга, бутун башариятга татийдиган баркамол авлод, навқирон насл, комил инсоннинг дунёга келиши мумкин бўлади. Бундай чинакам отовулни дунёга келтира олган оила бутун башарият ибрат олса арзийдиган киройи оила бўлади. Бизнинг Туронимизда “Эркак – уйнинг устун, аёл – чироғи” дейдилар. Устун қанчалик бақувват, чироқ қанчалик ёруғ бўлса, демак, уй ҳам шунчалик обод-фаровону ёруғ-нурафшон бўлади. Одатда оиланинг устун бўлмиш эркакнинг қуввати – белида,

оиланинг чироғи бўлмиш аёлнинг қуввати – бошида бўлади. Бақувват бел билан тилло бош эса, белбоғ билан рўмолча орқали химояланади. Ахир, соғлом уруғ қақроқ чўлга ва ё ботқоқ-кўлга эмас, ҳосилдор ерга экилиши керак бўлади-да! Ана шундагина кутилган ҳосилни олиш мумкин-да! Шунинг учун бизнинг Туронимизда, айниқса, аёл зотининг енгилтаклиги, суюқоёқлиги, боши очиклиги, бебошлиги, оиласизлиги қаттиқ қораланади. Бу озодлик истаги эмас, бошбошдоқлик деб тушунилади. Авлодларнинг баркамоллигига жиддий путур етказиши мумкин бўлгани учун ҳам бу истак иллат сифатида қаттиқ қораланади. Шу оддий ҳақиқатни тўғри тушун-да сен ҳам энди!..

– Майли, сен айтганингча бўла қолсин, эй барно йигит! – деди Дездемона. – Фақат яланг бошни эмас, рўмолча ўралган бошни озод бош деб ҳис қилишим учун, худди мен сенга олти ойлик муҳлат белгилаганимдек, сен ҳам менга олти ойлик муҳлат бер! Мен ҳам шу синовдан кўнгилдагидек ўтишни жуда-жуда истайман. Фақат ўзимни сенга ҳар жиҳатдан муносиб жуфти ҳалол деб ҳис қилишим – руҳан тайёр бўлишим учун имкон беришинг керак-да сен ҳам?!.

– Бажонидил! – деди беихтиёр дил-дилдан орзиқиб Отовул. – Ахир, бу олти ой фақат мен учун эмас, сен учун ҳам синов муддати бўлса, айна муддао-ку! Фақат бир илтимосим шуки, манови белимдаги белбоғимга кўзга кўринмас узвлар билан боғланган шу рўмолчани жон қушидек асраб-авайлайсан, унга доғ туширмайсан, йўқотиб қўймайсан, майли, фақат ўзинг истаган пайтингдагина бошингга дуррача қилиб тақасан! Мен “Қани рўмолча?” деб сўраганимида “Мана!” деб кўрсатасан! Келишдикми?

– Келишдик! – ял-ял ёниб рози бўлди Дездемона. – Агар сен туҳфа қилган рўмолча бошимда бўлмаса, билгинки, юрагимнинг тўрида бўлади! Агар шу аҳду паймонимизга содиқ қолмай, сенинг ишончингни оқлаёлмасам, майли, ўша куниек мени бўғиб ўлдирсанг ҳам розиман!

– Бўпти! – Дездемонани бағрига маҳкам босиб, ақиқ лабига лабларини қўйди Отовул. Сўнг унинг мовий кўзларига меҳр билан тикилди: – Фақат сен ўлим ҳақида бошқа гапирма! Ахир, биз ўлиш учун эмас, бирга-бирга яшаш учун аҳду паймон қилмоқдамиз-ку, тўғрими? Ишонманки, биз бир-биримизни бўғиб-бўғишиб-бўғилиб эмас, аксинча, суйиб-эркалаб-ардоқлаб яшаймиз! Умид қиламанки, ҳар иккимиз шу синов муддатидан шараф билан ўтамиз. Мана, олти ойлик синов муддатининг уч кунини яхшигина ўтказдик, энди қолган бир юз саксон кун ҳам!..

Шу кундан эътиборан Отовул Дездемонанинг ҳар бир истагини бажонидил муҳайё қилаверди. Афсонавий Фарҳоддек тоғни кўпор деди – кўпорди. Пайғамбардек денгизни кеч деди – кечди. Жаҳонгирдек бутун империяни ўзингга бўйсундир деди – бўйсундирди. Ўзи эркак шаънига муносиб тарзда бирин-кетин ўтаётган бу имтиҳонларга жавобан Дездемонанинг олдига ўқтин-ўқтин биргина саволни кўндаланг қўйди, холос: “Қани рўмолча?” Дездемона ҳар гал “Мана рўмолчанг, азизим!” дея дам бошидан, дам кўксидан олиб кўрсатганида ошиқ кўнгли тоғдек юксалиб, ўзини ҳар нега қодир, енгилмас баҳодир, жаҳонгиру соҳибқирон деб ҳис қилди.

Синов муддатининг ярмидан кўпи шу зайлда кечди. Лекин... кунлару ойлар ўтиши билан Дездемонанинг аввалига кўнглига жуда-жуда хуш ёқувчи эркалиги-шўхшаддоқлиги тобора ошиб-тошиб, ўтакетган тантиқлик-

таннозликка айланаверди. Эркак шаънига муносиб бир шартни эндигина бажариб келганида “Мана, рўмолчанг” деб кўрсатади-да, бутунлай номуносиб яна бир шартга ўтади: “Энди менинг оппоқ оёқларимни ювиб қўясан!”, “Энди менинг тилларанг сочларимни ўз қўлларинг билан тараб, оппоқ юзимни ўз қўлларинг билан пардоз қилиб қўясан!”, “Энди анови лайчага тақлид қилиб менинг пошналарим остида жилпанглайсан!..” Аввалига бундай шартларнинг ҳар икки томоннинг ҳам шаънига ярашмайдиган даражада бемаънилигини ўқтиришга уриниб кўрди: “Бу қандай гап ахир, азизим Дездемона?! Киройи эркакни топтаб-таҳқирлаб, пой-патакка айлан-тириб, тагин уни хотинчалишлиқда айблаш... оқила аёлга муносиб ишми шу?! Эркакнинг шаънини таҳқирлаб хотинчалишлиқда айблаётган эркакшода аёл!.. Худди пулсиз-бойликсиз ва орият-ҳамиятсиз эркак оддийгина айғирми-ҳанги деб аталганидек, бундай аёл ҳам “урғочи”, “мода”, “байтал”, “қанжиқ”, яна алламбало деб аталиши мумкин, аммо ҳеч қачон чинакамига Ҳазрати Аёл бўлолмайди! Наҳотки шу оддийгина ҳақиқатни тушунишни истамасанг?! Ахир, мен ўз юртимнинг ҳоқониман, Буюк Турон ҳоқонларига муносиб ворислар, ўзимдан баркамолроқ авлодларга ота бўлиш умидида сенинг пойингга бош уриб турибман-ку! Менинг беғараз ниятимни тўғри тушуниб, ҳаддингдан ошма-да, инсофга кел-да сен ҳам энди, азизим!..” Лекин Дездемона қаттиқ оёқ тираб туриб олди: “Мен сенинг шартингга чидаб, рўмолчангни дам бошимда, дам кўксимда, дам кўлимда асраб-авайлаб юрганимдан кейин сен ҳам менинг шартларимга чидашинг керак – чидайсан-да, чидамай қаёққа ҳам борардинг!” Ҳар нега қодир Отовул ўзини шу ерга келганда ўтакетган ожиз-натовон ҳис қилди: Турон юртида Алп Эр ота билан Оққиз она, бутун оқ хунлар йўлларига зор-интизор бўлиб кутиб турган бўлса! Нотавон кўнгли шу пари-пайкарнинг ихтиёрида бўлса! Синов муддатининг кўпи кетиб ози қолган бўлса!.. Кўнглимдаги пари-пайкарни топдим-у, лекин унинг инжиқлигини кўтаролмадим” дея сўлжайибгина қоқ-куруқ бориш... унинг Эрлик, Отовуллик шаънига муносибми шу иш?! Начора, чидашга тўғри келади, кўпи кетиб, ози қолди-ку, дея ўзини ўзи овутиди. Лекин кунлар ўтиши билан Дездемонанинг таннозларча хархашаларига атрофдагиларнинг таҳқиромуз назарлари, ҳазил-мазахлари, калака-масхаралари... қўшилиб, дард устига чипқонга айланаверди. Айниқса, “устаси фаранг” лақаби билан маълуму машҳур анови “Яго” деб аталган ёғийнинг битмас-туганмас фитна-фужурлари!.. Нақ жонидан тўйдираёзди, лекин тишини тишига босиб чидади. Ой санаб, кун санаб, соат санаб, ниҳоят, бир юз саксонинчи куннинг тонгини муштоқлик билан қаршилади. Олти ойлик синов муддатининг шу бир сўнги кунини ҳам бир амаллаб ўтказса бас, Дездемонани ёнига олиб, Турон сари қушдек учади у! Отаси Алп Эр ҳоқон билан онаси Оққизга Дездемонани кўз-кўзлаб, кўнгли фахру ғурурга бўлиб таништиради: “Мана, дунёнинг энг гўзал ва энг боқира қизи, оти ҳам, зоти ҳам, асли ҳам, насли ҳам чинакамига пари пайкар, менинг иккинчи ярмим, хун тангриқутларининг янги насли, сизга муносиб баркамол авлоднинг волидаи мукаррамаси!..”

Унинг нурли орзуларини Ёғийнинг бемаврид ташрифи кунпаякун қилди. “Ўзи совуқнинг сўзи совуқ” деганлари, о, нақадар ҳақ-рост экан, ҳар бир сўзи нақ юрагига наштардек санчилди: “Ишонганинг Дездемона Касио билан дон олишиб юрибди! Ишонмасанг, рўмолчангни



шу бугун яна бир марта сўраб кўр-чи ўзинг! Рўмолчангни Касионинг ётоқхонасидан топасан, мен сенга очигини айтсам!”

“Яго” деган ёғийни санки итни қувлагандек қувлаб юборди-ю, шунда ҳам кўнгли таскин топмади. Қафасдаги арслондек нажот истаб асабий бир шиддат билан наъра тортиб тўлғонди! Ортидан мушт ўқталиб хайқирди: “Эй ёғий! Агар шу гапларинг бўҳтон бўлса, билиб кўйки, қорнингга қозиқ қоқаман! Агар рост бўлса, агар ишонган Дездемонам менинг кўзимга чўп солиб, ишончимни саробга айлантриб, умидимни пучга чиқарса, сен устаси фарангни ҳам, бутун Европангни ҳам аяб ўтирмайман, шуни билиб кўй!!! Ўт билан ўйнашиш, ўйиндан ўт чиқаришнинг оқибати қандай бўлишини кўзингга кўрсатаман ҳали!!!” Ёғий қочиб кетаётди уни масхаралаб кулар экан, қичқирди: “Бекор овора бўлганинг қолади, ҳой ёввойи осиелик! Шарқ билан Ғарбнинг қони қирқ йил эмас, қирқ аср бирга қайнаса ҳам ҳеч қачон қўшилмайди! Биз бошқа-бошқа дунёлармиз, билдингми?! Бу оддийгина ҳақиқатни Дездемона ҳам яхши билади! Башарти уни ўзингнинг Туронингга олиб кетган тақдирингда ҳам, эрта бир кун ўша ёқларда сенинг эмас, ўзининг пушти-палагини ўстириб-ундиради, шуни яхши билиб кўй!..”

Отувулнинг ақли бовар қилмади: наҳот олти ойлик синов муддатининг охири шундай вой бўлса?! Наҳот бу оламда одам боласи удаллаши мумкин бўлмаган бир ишга бекор-беҳуда овора-сарсон бўлиб юрган бўлса у?! Наҳот бу дунёи дунда Жануб билан Шимол тил топиша олади, ҳаттоки чор дарвешдек тўрт қутбдан келган тўрт

сайёҳ ҳам ўзаро тил топиша олади-ю, ниҳояти биргина улкан қитъанинг Шарқи билан Ғарби ҳеч қачон тил топишолмайди?! Ҳамиша бир-бирига ёғий, ғаним, ёв эмас, дўст-ёр, биродар, ўртоқ, бир тану бир жон бўлолмайди?! Наҳот Шарқ билан Ғарбни бирлаштира олувчи куч бу оламда йўқ?! Наҳот ишонган Дездемонаси ҳам шу эзгу орзуини биргаликда баҳамжиҳат ушатишнинг ўрнига уни ҳар боб билан алдаб-авраб, шунчаки лақиллатиб юрган бўлса?! Агар шундай бўлса, башарти анови фитнакор ёғийнинг гаплари рост бўлса, Турон юртига нима деб, қандай бош кўтариб, қандай қайтади энди у?! “Шарқлик билан ғарбликнинг қони ҳеч қачон қўшилмас экан!” дебми? “Қидирган жуфти ҳалололимни топишга топдим, лекин унга эришолмадим, чунки у бутунлай бошқа бир дунё, бунинг устига, хиёнаткор экан!” дебми?.. Эркак шаънига номуносиб бундай ўтакетган иснод юкини зиммасида кўтариб борганидан шу ерларда санки итдек хор бўлиб ўлиб кетгани яхшироқ эмасми?! Мона Лиза – Дездемонанинг кўзларида сирми, сеҳрми, жодуми, фитнами, вафо-садоқатми, муҳаббатми, нафратми... нима яширинган, аслида, ўзи?!.

Дездемонанинг ётоқхонасига селдек бостириб кириб, охирги марта “Рўмолча қани?!” деб сўради. Бироқ Дездемонанинг безовталаниб кўзларини олиб қочиши, узук-юлуқ гаплари унинг юрагини баттар ўртаб, ўт бўлиб ёнаётган вужудидан олов-оташ баайни вулқондек отилди: “Уввв!.. Иммм!..” Асабий ҳолда кўлларини паншаха қилиб Дездемона томон одимлар экан, саволни қайта қайта такрорлади: “Рўмолча қани?! Қани рўмолча?!”

*...Орадан ўн асрдан кўпроқ вақт ўтиб, буюк инглиз драматурги Вильям Шекспир Отувулнинг кўрғиликлари – Отелло фожиасини қойилмақом қаламга олди. Орадан тағин беш аср ўтиб, Шекспирнинг “Отелло” тарихий фожиаси буюк Чўлпон томонидан ўзбек тилига қойилмақом таржима қилинди. Орадан саноклигина йиллар ўтиб, бу фожа буюк режиссёримиз Маннон Уйғур томонидан ўзбек театри сахнасига қойилмақом олиб чиқилди. Отелло ролини буюк актёримиз Аброр Ҳидояттов қойилмақом ижро этди. Бу тарихий фожа ҳатто буюк Шекспир ворислари томонидан инглиз театри сахнасида намойиш этилди. Аброр Ҳидояттов Отелло ролини маромига етказиб ижро этган жаҳоннинг энг моҳир актёри сифатида инглиз томошабинларининг ўзлари томонидан ҳаққоний эътироф этилди. Ривоят қилишларича, ҳатто Дездемона ролини ижро этаётган Сора Эшонтўраева “Аброр ака, сахнадасиз! Аброр ака, сахнадасиз!” дея ўқтин-ўқтин эслатиб турган экан, токи буюк актёр “партнёр”ини ёлғондакам эмас, чинакамига бўғиб кўймасин!.. Ўйлаб қарасангиз, бунинг ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқдек! Зотан, Отелло ролини ўзбек актёри Аброр Ҳидояттовдан ошириброқ ишонарли ижро этиш... амалда мумкин эмас-да! Ахир, эрамининг бошларида Туронзаминга қайтиб келолмасдан бегона юртларда армон билан ўлиб кетган Буюк Турон ҳоқонининг изтиробини ич-ичдан ҳис қилиб, уни ўз тупроғига қайтариш истаги ўзбек актёридан бошқа қай бир актёрнинг кўнглида кучлироқ бўла оларди дейсиз! Жаҳоннинг бошқа жамики моҳир актёрлари буюк Шекспир ёзиб қолдирган гапларни қойилмақом ижро этиши мумкин, албатта. Лекин у ёзиб қолдирмаган, фақатгина ўзбекона қалб қаъридан баайни вулқондек отилиб чиққан “Уввв!” билан “Иммм!”ни ўзбек актёри Аброр Ҳидояттовдан бошқа ким ҳам маромига етказиб ижро эта олади, ахир?! Бу ув, бу уввос, бу им, бу имлаш наинки ўзбек, балки бутун жаҳон томошабини қалбини ларзага солишга қодир! Шунинг учун ҳам “Ўзбек Отеллоси”да у!..*





*Исмоил Маҳмуд МАҲФИЛОНИЙ*



## Қолди гафлат ичра дил

### ЭТМАДИМ

*Этмадим ҳар ишни ҳаргиз, воҳки, ёр, комимга хос,  
Тутмадим бу йўлда ўзни, воҳки, ёр, номимга хос.*

*Дарди ишиқинг бирла ҳар дам сен томон қўйдим қадам,  
Юрмадим бу йўлда охир сидқ ила ёримга хос.*

*Олди турфа иштибоҳлар маъсият илгигаким,  
Феълу аҳволим аён бўлди, эвоҳ, домимга хос.*

*Аҳли ишқлардин йироғ турганлигим бўлди аён,  
Қолди гафлат ичра умрим, майсиз ул жомимга хос.*

*Ёр тилаб, ёрсиз кўнгилнинг матлабин тутдим, эвоҳ,  
Тавба бирла ушбу дам тургай дилим, шомимга хос.*

*Бу гуноҳлар ичра ким, воҳ, топмадим ҳаргиз сени,  
Сен мени топсанг на бўлгай, бўлмайин золимга хос.*

*Ёрсиз, Маҳмуд, ризосин топмадинг ишқ ичра, бас,  
Дерсан энди: “Топдим ҳажрин умри итмомимга хос”.*

### ҒАЛАТ

*Етмайин васлига ёрнинг чўлда қолгоним галат,  
Даҳридун кажравларида йўлда толгоним галат.*

*Ёр дарди матлабим эрди, анга юз бурмадим,  
Мақдамимни роҳи ростдин четга олгоним галат.*

*Нафси аммора ичинда ўзни шаррга боғладим,  
Сохта дунё илкида лафзимда ёлгоним галат.*

*Топмадим ҳаргиз савобни яхишлар бирла туриб,  
Ул лаъин макрида тун-кун чоҳда бўлгоним галат.*

*Шод этарман ўзни, эвоҳ, кори бадлар базмида,  
Пулсиротдан ўтмайин беҳуда қулгоним галат.*

*Бас, тазарру бирла, Маҳмуд, боғлагил ёрга дилинг,  
Кўзга суртмай гардини, ҳажрида сўлгоним галат.*

### ЭЙ, ДЎСТЛАР

*Кўрмадим дилдор ишидан ҳеч вафо, эй, дўстлар,  
Туну кун ҳажрида ким қилмай хато, эй, дўстлар.*

*Боғ аро истаб гулин зор топмадим ҳаргиз ани,  
Дастма-даст кетди йироғ айлаб жудо, эй, дўстлар.*

*Воҳ, нечун шўхи дурафшонга кўнгил бердим, ажаб,  
Кўрсатиб макрини боз этди риё, эй, дўстлар.*

*Фойда деб ҳар ишни қилдим, охири кўрдим зарар,  
Қолди гафлат ичра дил, айлаб жафо, эй, дўстлар.*

*Дарбадар ишқи аро ҳеч уқмадим бир яхши сўз,  
Этди хор дардидаким, айлаб гадо, эй, дўстлар.*

*Ким вафо истаб зиёдин бўлди бор ақлим сиёҳ,  
Воҳ, кўнгил бирла вужуд айлар низо, эй, дўстлар.*

*Нотавонлиг ичра Маҳмуд ўзидин излар паноҳ,  
Ёр йўлин топмай ҳануз, воҳасрато, эй, дўстлар.*





### ШУКУРКИМ...

*Шукурким, хобда кўрмишман, сани хусну латофатда,  
Турарман лол, деёлмай сўз, бу дам такрор хижолатда.*

*Яқин борсам қилурсан гул, қилурсан кул йироқ кетсам,  
Нишон йўқдир бу ҳолимдан, бу ҳолим боз надоматда.*

*Сифотда Лайлиданму сан, Ширинму, Зухраму тобинг,  
Ки Мажнун, Тоҳиру Фарҳоддин ортиқ жон ҳароратда.*

*Парирўлар жамолинг нуридан олгай ҳусн холин,  
Қиё боқсанг на бўлгай, ёр, манга бир бор шижоатда.*

*Фироқинг ўтида ёнгай неча мендек паришонлар,  
Гаминг чекмоқ билан умрим кечар ҳар дам риёзатда.*

*Ризойингни топурман деб, еларман, истагим матлаб,  
Ки васлингсиз ўтар кунлар, қачон бўлгум шафоатда.*

*Ражо ичра сен эй, Маҳмуд, ўзингдан ўзгани ёд тут,  
Дегаймусан, шафоат кут, кўрарсан ёр, қиёматда.*

### ДЕМАС

*Билса ҳамки аҳли диллар ҳеч қачон билдим демас,  
Қилса ҳамки тоғни талқон мен уни қилдим демас.*

*Хокисорлик бирла кечгай ул умр дарёсини,  
Кетса ҳамки оқизиб, айлар сукут, жилдим демас.*

*Томаи кибру ҳаводин ўзни тутгайлар нари,  
Учса ҳамки кўкда оти бир қарич елдим демас.*

*Ҳақ йўлида мақдамини ташлагай муҳтож сари,  
Этса ҳамки борин ҳадя, бир чопон илдим демас.*

*Айлагай пинҳон савобни дил тутиб ҳақ амрига,  
Сўйса ҳамки неча кўчқор, бир қовун тилдим демас.*

*Ким жаҳон моли анга юз бурса минг жилва қилиб,  
Юз буриб, ишқида андин, сенга интилдим демас.*

*Ёр васли, ҳажрида, Маҳмуд, жигар-бағри куйук,  
Кирса ҳам жаннатга, васлин кўрмаса, келдим демас.*

### ЭТМАГИЛ АСЛО ТАМАЪ

*Эй кўнгил, нафс комидин қоч, этмагил асло тамаъ,  
Ким гулистонингни айлар бир кун саҳро тамаъ.*

*Эл аро рост йўлда юргил, яхишлар измида бўл,  
Чиқса ногоҳ ким бу издин айлагай игво тамаъ.*

*Файзу икром бирла тутгил сен ўзингни туну кун,  
Қилса ким анга ўзин дуч, айлагай расво тамаъ.*

*Ҳар еган луқманг ҳалол бўлсин мисоли офтоб,  
Этмасин сўнг зурриёдинг кўз ёшинг дарё тамаъ.*

*Яхишлар ҳар ишда одил бўлдилар асраб ўзин,  
Оз еди, оз сўзлади рост, этмади доно тамаъ.*

*Тамаъ, макру маломат ўтидин ҳеч олма тафт,  
Олди тафт ҳар кимки охир қилди хор адно тамаъ.*

*Озоду обод ҳаётинг игра, Маҳмуд, тоза бўл,  
Ким гўзал сийнат аро ҳеч бўлмагай пайдо тамаъ.*





**Дилнавоз РАҲМАТОВА,**  
Жаҳон тиллари университетининг  
немис филологияси факультети ўқитувчиси

## ШОҲ ВА ШОИР

Мозийнинг кўҳна саҳифалари шундан далолат берадики, она юртимизда кўплаб сўз санъаткорлари, маърифат дарғалари камол топди. Улар авлодлар хотирасида мангу яшайдиган ўлмас сиймоларга айланди. Замонлар ўзгаради, инсонларнинг яшаш тарзида рўй бергани каби дунёқарашида ҳам эврилишлар содир бўлади, аммо бу зотларнинг номи барҳаёт қолаверади. Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Атоий, Саккокий, Огаҳий, Сўфи Аллоҳёр... Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Ана шу муборак номлар билан бир қаторда шубҳасиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи ҳам тилга олинади.

Шарқдаги уйғониш даврининг буюк намояндалари орасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймоси алоҳида ажралиб туради. Бобурнинг ижодий фаолиятига баҳо бериш чоғида шоир фаолиятининг кенг тармоқли эканига аҳамият қаратиш зарур. Бу тоифага мансуб ижодкорлар шарқ адабиётида унчалик кўп эмас. Бобурнинг ҳаёт йўли эса ниҳоятда мураккаб, зиддиятлар ва синовларга тўла.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва фаолияти ўз замонасининг қарама-қаршиликлари негизда шаклланган. Айтиш мумкинки, у ҳам барча ижодкорлар сингари ўз даврининг фарзанди. Шунинг учун ҳам Бобур шеърларидаги кайфиятга қараб шоир яшаган даврни тасаввур этиш мумкин. Унинг адабий меросида адабиёт учун ҳеч қачон эскирмайдиган ва ўзининг бадиий аҳамиятини йўқотмайдиган ғоялар бор.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз шеърляти билан инсон юрагининг соҳир манзараларини кашф эта олган. Шоир шеърларида гоҳ толеъ йўқлигидан шикоят қилади, гоҳида баҳор чоғидаги гўзалликларни ёшликка қиёслади ва бу қиёслардан ўзи ҳам завқ олади. Таъбир жоиз бўлса, Бобур ижодида бахт ва кулфат, ишқ ва нафрат, висол ва айрилиқ, нажот ва иложсизлик ёнма-ён юради. Шоир ўз ижоди воситасида ўзаро қарама-қарши бўлган бу туйғуларнинг бетакрор мутаносиблигига эриша олган.

Бобур ўзидан олдин яшаб ўтган шоирлардан фарқли тарзда ижодида халқ тили билан адабий тил ўртасидаги ўртамиёна бир услубни танлаб олади. Унинг адабиётда эришган муваффақиятлари ҳам ижодининг мазкур фазилати билан чамбарчас боғлиқдир.

Маълумки, Алишер Навоий ижодий фаолияти давомида шакл ва мазмун уйғунлигига эришиш йўлида жуда кўп эзгу ишларни амалга оширди. Кейинчалик Навоийнинг маънавий шогирди бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам устози изидан борди. Шоирнинг дилбар ғазаллари, рубоийлари, илмий асарлари бадиий тафаккурнинг ноёб гавҳарларига айланди.

Бобур ўзбек шеърлятига ўзига хос янги руҳни олиб кирди. Шеърларидаги содда ва барчага бирдек тушунарли бўлган ифодалар, самимий дил изҳорлари, дарднинг дилкаш оҳанглари ила кўнгилларни забт этди.

Бобур сўзнинг бадиий кучи билан бир қаторда ўзининг шоирлик истеъдодидан ҳам унумли фойдалана олган. Ушбу мисраларга диққат қилинг:

*Ҳар нечук тавр қил, бу жаер этма,  
Ҳар нечук жаер қил, бу тавер этма...*

*Фориғ эрдим, қаноатим бор эди,  
Қонеъ эрдим, фароғатим бор эди.*

Бу мисраларга эътибор берган ўқувчи улардаги мусиқийликни, сўзлар оҳанги бир-бирига яқин эканини англайди. Маснавий усулида битилган бу мисралар шоирнинг ўзига хос таржимаи ҳолидир. Айтиш мумкинки, Бобур мумтоз адабиётимиздаги қатор шеърлий санъатларни қўллаган ҳолда бетакрор асарлар яратган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеърляти ўз хусусиятлари билан Мавлоно Лутфий шеърлятига яқин туради. Унинг ғазаллари бошқа шарқ шоирлари сингари мураккаб эмас. Аксинча, ҳар бир ўқувчи учун тушунарли ҳамда равон услубда ёзилган. Вазн



жиҳатидан ҳам Бобур ва Лутфий шеърияти ўртасида ўзаро ўхшашлик бор. Адабиётшунос олимларимиздан Иброҳим Ҳаққул Лутфий ва Бобур ижодидаги ўхшашликларни ўз изланишларида биринчилардан бўлиб қайд эта олган.

Бобур ғазалларида ҳар бир инсонга таниш бўлган инсоний туйғулар куйланган. Шоир ғазалларининг ўзига хос фазилатларидан бири улардаги фикр ва оҳангнинг табиатдаги ўзгаришлар, янгиланишлар билан ҳамоҳанглигида кўринади. Шоир инсон ва табиат ўртасидаги муносабатни, ўхшашликни ўз мисраларида жуда гўзал ифодалаб беради.

*Хазон япроғи янглиғ  
гул юзинг ҳажрида  
сарғардим...*

Диққат билан қараган одам шоир тазод санъатини кўллаш орқали жуда гўзал сўз ўйини тузганини илғаб олиши мумкин. Шоир маъшуқа юзини гулга қиёслаши билан бир қаторда, унинг фироқида куйган ошиқ чеҳрасини хазонга ўхшатмоқда. Гарчи бу ўхшатиш мумтоз адабиётимиз тарихида Бобурга қадар жуда кўп маротаба кўлланилган бўлса-да, Бобур унинг янгича кўринишини кашф эта олган, дейиш мумкин.

Маълумки, шоир ёзган шеър унинг ички, руҳий эҳтиёжларига жавоб бера олиши керак. Акс ҳолда у бошқалар у ёқда турсин, ўзини ҳам ишонтира олмайди. Шеърда ифодаланмиш туйғуларга заррача сохталик аралашмаслиги зарур. Негаки, шеърият ёлғонларни кечирмайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабиётнинг бу қатъий талабини жуда яхши тушунган. Шунинг учун нафақат шеърий асарларида, балки мемуарлари ва насрий асарларида ҳам фақат рост сўзларни битган. Ўзининг ҳаёт ҳақидаги фикрларини, ижтимоий қарашларини, инсоний эҳтиросларини содда йўлларда ифодалашга интилган. Адабиётшунослар тилида айтдиган бўлсак, самимият ва соддалик Бобур ижодининг икки гўзал қирраси саналади.

Бунга мисол тариқасида албатта ҳеч иккиланмай “Бобурнома”ни келтириш мумкин. Гарчи биз бу маж-

муани мемуар асар деб атасак-да, у шоир яшаган давр ҳақида энг тўлиқ ва энг тўғри маълумот берадиган ноёб тарихий манбалардан бири саналади. “Бобурнома”нинг тарихий аҳамияти ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Бобур бу асарида ўз даври ҳодисаларини қандай содир бўлган бўлса, ўшандайлигича тасвирлаган. Ҳатто ўзи ва яқинларининг хатоларини ҳам яшириб ўтирмаган.

“Бобурнома” нафақат шарқ халқлари тарихида, балки дунё тарихида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган асарлардан биридир. Шунинг учун ҳам тарих фани билимдонлари бу асарга жуда юксак баҳо беришади.

“Бобурнома” Урта

Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон каби мамлакатлар табиати ҳақида, аҳолисининг яшаш тарзи хусусида мукаммал маълумот берадиган манбалардан биридир. Бобур бирор бир ҳудуд ҳақида маълумот берар экан, унинг ўзига хос хусусиятларини ҳам санаб ўтади. Ҳатто қушлар ва гулларнинг ноёб турларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

“Кобулда лоланинг ўттиз тўрт тури бор экан”, деб ёзда бир ўринда. Шу маънода айтиш мумкинки, у ўз ижоди билан нафақат адабиёт фани ривожига ҳисса қўшди, балки қадим шарқнинг қомусий олимлари изидан бориб, мусиқа, тарих, адабиётшунослик, география фанларининг, шу билан



«Бобур». Акмал НУР

биргаликда ҳарбий соҳаларнинг тараққиётига ҳам муносиб улуш қўша олди.

Дарҳақиқат, Бобур дилбар шоир. У – сўз мусаввири. Бундай дейишга тўлиқ асосимиз бор. Негаки шоир сўз воситасида она юрт манзараларини, табиат гўзалликларини тасвирлайди. Бобур ғазалларида субҳидам чоғи ғунча узра ёғилган шабнам нафислиги, ёмғирдан сўнг осмон тоқига нарвон солган камалак жилоси, муҳаббатли кўнгилнинг жамики сирлари ўз мужассамини топган. Демак, ҳали шоир ижодидан жуда кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Зеро, ҳар бир ўқувчи Бобурни ўзича шарҳлайди, ўзича кашф этади.





Ашурали ЖҰРАЕВ

# ҲАЁТ НАФАСИ

Ҳикоялар



## СИРЛИ СИРҒА

Янги йил кутилмаган воқеалари, ғаройиб саргузаштлари билан ҳам эсда қолади. Янги йил кириб келишини ҳамиша катталардан кўра, болалар кўпроқ ҳаяжон билан кутадилар. Айниқса, хонадонларга Қорбобонинг совға-салом билан келиши болаларнинг қувончига қувонч бағишлайди, ҳайратини оширади.

Асилбек ҳам Қорбобонинг узун соқолларини силкиллашиб, оппоқ мўйловини лаблари устида осилтириб, кўзларига қора кўзойнак тақиб, гуллик совға халтасини кўтариб, чиройли ҳассасини қизил қўлқопи билан ушлаган ҳолда кириб келганидан бениҳоя севинди. Укаси ва синглиси билан Қорбобого пешвоз чиқиб, баробарига салом бердилар.

– Ваалайкум ассалом, ширинтойларим, – деди Қорбобо салобат билан сал дўриллаган овозда. Унинг товуши таниш бўлса-да, ғалатиноқ эшитилди.

Бир зумда хонадонни шодон кайфият чулғади. Қорбобони чиройли безатилган янги йил дастурхонига таклиф қилишди. Лекин Қорбобо бошқа болаларни ҳам табриклаши лозимлигини рўқач қилиб, болаларни йўлақда шеър айтишга чорлади. Биринчи бўлиб синглиси Назокат “Қорбобо” деган шеърини ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўқиб бериб, Қорбобонинг совғаси – чиройли қўғирчоқни қўлга киритди. Сўнг





укаси Озодбек янги ёдлаган шеърини тутилиб-тутилиб, чала-чулпа ўқиди. Қорбобо унга ҳам чиройли ўйинчоқ машина совға қилди. Навбат Асилбекка келганда у бир йўла икки-уч шеърини қаторлаштириб ёддан ўқиб берди. Қорбобо қарсак чаламан деганда, кўлидаги совға халтаси полга “тўп” этиб тушди. Халтани эгилиб оламан, деган бир пайтда Асилбек унинг қулоғидаги кўк кўзли сирғасини кўриб ҳайратда қотди. Ахир бу кўшни йўлақда турадиган Рисолат опанинг сирғасига жуда ҳам ўхшаш экан.

Эсида – кузда ҳовлида ҳашар қилаётганларида хазонларни супуриб юрган Рисолат опа ўнг қулоғидаги сирғасини йўқотиб кўйган эди. “Вой, энди нима қилдим, онажоним раҳматли совға қилган эди”, деб йиғлаб ҳам олганди. Орадани икки кун ўтиб, Асилбек кўшни болалар билан ўйнаб юрганларида ҳовли четидаги ариқча бўйидан кўк кўзли сирғани топиб олиб, онасига берганди. Онаси эса ўша заҳоти Рисолат опага топилган сирғани бериб хурсанд қилганди. Опа раҳмат айтиб, болаларга бир ҳовуч ширинликлар ҳадя этганди. Конфетлардан бирининг таъми бутунлай бошқача эди. Эслаб, оғзи тамшанди...

“Наҳотки, Қорбобонинг сирғаси бўлса?” ўйлади яна Асилбек. Қорбобо ҳам ниманидир сезгандек Асилбекка чиройли рангли қаламлар совға қилиб тезгина хайрлашди. Болалар ҳам бараварига “Хайр, Қорбобо” дейишди хурсанд бўлиб...

Қорбобо йўлақка чиқиб, кўшни хонадон эшиги кўнғироғини ҳаяжон билан босди.

Асилбек онасига ҳайрат билан қараб:

– Ойижон, Қорбобонинг сирғаси бор экан, – деди.

– Қанақа сирға? – ҳайрон бўлди онаси.

– Рисолат опанинг кўк кўзли сирғасига ўхшар экан.

Мен топиб берган эдим-ку, ўша сирғанинг ўзи.

– Қўйсанг-чи, болам, сенга шундай кўринган.

Қорбобонинг сирғаси бўлмади, – деди онаси гап нимадалигини тушуниб. Сўнг болаларни ўйин билан чалғитди.

Аслида ҳам ҳозиргина чиқиб кетган “Қорбобо” бу кўшнилари Рисолат эди. Уларнинг Асилбеклар яшайдиган уйга кўчиб келганларига беш-олти йил бўлиб

қолди. Шўрликка Худойим фарзанд бермаган. Ҳар йили янги йил кечасида Қорбобо бўлиб, кўшниларнинг болаларини хурсанд қилади. Қорбобо бўлиб болаларни табриклаётганида яйраб кетади. У ўша кезларда бутун борлиғи билан болага айланади. Ҳар бир хонадонга кирганида Яратгандан ихлос билан фарзанд сўрайди.

Рисолатнинг Қорбобо бўлиб чиқишини билиб қолган оналар унга янги йилдан тўрт-беш кун аввал болалари учун турли хил совғаларни олдиндан бериб кўйишарди. Шу боис Рисолат кўшни болалар танимасин деб, қора кўзойнак тақиб, овозини бироз ўзгартириб гапирарди. Бу гал шошганидан қулоқларидаги сирғасини ечиб кўйишни унутган эди.

Қорбобо янги йил кечаси оналари совға олиб берган барча хонадонларга бир-бир кириб, болаларни хурсанд қилиб чиқди. Ўз хонадонига келганида эри аллақачон янги йилни кутиб олиб, одатдагидек ўтирган жойида ухлаб қолган эди. Бечора шишани охиригача ҳам бўшата олмабди. Ҳар йили шу аҳвол...

Эр хотин бир-бирини яхши кўриб турмуш қуришган. Рисолат тиббиёт билим юртида ўқиб юганида ҳайдовчи Эркин билан тасодифан танишиб қолиб, онасининг унчалик розилигига ҳам қарамасдан, бири оларман, бири тегарман бўлиб, оёқ тираб олишди. Қариндош-уруғлар кўмагида тўйлари бўлиб ўтди. Эр-хотин “қўш хўкиз” бўлиб, елиб-югуриб уй-жой қилишди, яшашлари жойида. Уйда ҳамма нарсаси бор, ҳеч кимдан ҳеч бир камчиликлари йўқ. Фақат юраклари яра... Бу оғир яранинг малҳами биргина тирноқ...

Рисолат Қорбобо кийимларини бир-бир ечиб, уйда киядиган гулли халатини кийиб, ўзини кроватга ташлади. Ташлади-ю, елкалари титраб-титраб йиғлай бошлади. Йиғлаб туриб яна Худога ёлворди:

– Художон, наҳотки шундай улуғ даргоҳингдан бир тирноққа зор этсанг? Шунчалар ҳам интизор қиласанми? Юрак-бағрим тўкилиб кетди-ку, Оллоҳим.

Азиз ўқувчи! Келинг, сиз ҳам қўлларингизни очиб, ният қилинг, Оллоҳдан уларга биргалашиб фарзанд сўрайлик. Зора, янги йилда сирғали Қорбобонинг нияти ушалса...

## КЕТМОН ЮЗИДАГИ ОЙ

Кетмоннинг юзига ойнанинг акси тушмай қўйди. Юзи кичрайиб, хира тортиб, занг босиб бораётган кетмон эса ойни жудаям соғинган эди. Ой унинг эски дилдоши, дарддоши ва ушалиб-ушалмаган орзу, армонлари эди. Афсуски, кетмон туш кўрмайди. Боши банд, хотираси ёғочга айланган. Агар у туш кўрганда борми, тушига нуқул ой кирарди, тўлин ой!.. Ва у мазза қилиб ой билан армонлашарди. Ўшанда кетмон ёш эди. Ҳайрати жўш уриб ҳеч қаерга сиғмасди. Ҳар гал ер билан учрашганида унинг дамидан ўт чиқарди. Бу ўт тупроқни жизиллатарди. Кетмоннинг олови ерни ёндирмоқчи бўларди.

Ер бундай дами ўткир ҳароратли кетмонларни кўп кўргани учун ҳам уларга заррача парво қилмас эди. Ернинг бағри ердай кенг ва бепоён эди.

Кетмоннинг ой билан сирлашган дақиқалари умри-

нинг энг бахтли лаҳзалари эди. Ой акси унинг кафтдай юзларига кўнган ойдин тунлар лаззатини ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

Ой, ойдан-да гўзал, кетмон, кетмондан-да ҳароратли ва қудратли эди. Аслида ойнанинг ҳасрати ҳам кетмонниқидан асло кам эмасди. Улар бир-бирларига маҳлиё бўлиб, ҳатто ҳасратлашишни ҳам унутиб кўярдилар. Бундай пайтда ҳасратга бало борми?..

Энди ер унинг жон жонини суғуриб олган эди. Не-не дами ўткир кетмонлар каби бу шўрлик кетмон ҳам ернинг азалий ва илоҳий қувватига дош беролмади. Ер қанчалар юмшоқ, қанчалар метин бўлгани билан барибир ер эди. Абад-азал шу: темирчилар зўр бериб, юксак маҳорат билан кетмон ясайверадилар, ер эса кетмонларнинг даммини аста-секин пасайтириб, жасоратини сўндириб бораверади. Минг ҳаракат қилгани

билан кетмон охир-оқибат ҳолдан тойяди. Ҳолдан қолиш эса азоб. Сўнгра ортиқча буюм сингари ҳеч кимга керак бўлмай қолади. Ёнингга ёш ва забардаст кетмонлар келиб кўшилади. Улар ҳам охир-оқибатини ўйламай, завқ-шавқ билан туну-кун ер чопгани-чопган... Эҳ, шундай пайтда кетмоннинг жасоратига, шижоатига на таъриф, на тараф йўқ. У эртасини ва келажagini ўйламай, ер билан ғайрати жўшиб курашгани курашган. Кетмон одам билан ерни боғлаб турувчи фақат меҳнат воситаси эмас, балки тириклик манбаи ҳисобланади. Воситачилик мушкул вазифа. Аввало кетмоннинг қандай қўлларга тушишига ҳам боғлиқ. Агар у ҳақиқий меҳнаткаш деҳқон қўли билан ошно бўлса, яъни ўз қўлини топса, бу кетмон учун байрам, мўл-кўл хирмони учун ҳосил қўшиғи янграйди. Бундай пайтда кетмон кетмон бўлиб яралганига шуқр қилади, тинимсиз ер чопади. Унинг танида ҳам, юзида ҳам армон қолмайди.

Энди ишқмас, дангаса қўлга тушган кетмон армонда кетади, шашти сўнади, ҳамма дарди ичида бўлади. Эгри қўлларга тушган кетмон эса, фақат бегонанинг томорқаси учун ишлайди, умри саргардонликда ўтади. Бегона эгатларда сандироқлайди.

Кетмон эгасининг ёши ҳам бир жойга бориб қолган, энди унинг гурсиллатиб, қарсиллатиб кетмон уришга қуввати келмасди. Кетмон унинг қувватини узум донасидай сўриб олган.

Бир вақтлар эгасининг куч-ғайрат тўлиб-тошиб ётган билаклари дастага тегиши билан кетмоннинг бағрига ўт тушарди. Ишга бир шўнғиб кетилдими, тамом, илҳомланган қўлларнинг кетмондан, кетмоннинг пўрсилдоқ ердан узилгиси келмасди. Тупроқ эланиб-эланиб, титилиб-титилиб, ушоқ-ушоқ бўлиб кетарди.

Ернинг ҳам меҳри жўшиб, кетмон тушган тупроқлар эланиб, майдаланиб борарди. Кетмон қанчалар бағрини тилка-пора қилмасин, ер ўзини яйраб-яйраб ҳосилга тайёрларди. Кетмон енгил-енгил ботса, ер ҳам яйрайди, ер ҳам ҳузур қилади. Ер кўпчийди. Уруғни уйғотиб, унинг ниш урган илдизига бағрини очади. Ҳосил бўлуқлашади.

Кетмон ер билан уруғнинг қўшилишига макон яратиб беради. Лекин кетмон қанчалик куйиб-пишиб меҳнат қилмасин ҳосил қўшиғини эшитиш бахтига муяссар бўлолмайди. Кетмоннинг қоқ пешонасига шу кўргиликлар ёзилган бўлса, у шўрлик нима ҳам қилсин? Меҳнатни кетмон қилади-ю, унинг ҳузурини ўроқ кўради. Ҳатто ҳосил тўйларига кетмонни таклиф қилишни унутиб кўядилар. Тўрда тўралар ўтиради. Кетмон ушламаганлар ё қадаҳ, ё микрофон ушлайди. Абжир шоирлар кетмон ҳақида шеър ўқийди. Қўлига кетмон ушламаган биттаси “Кетмон” деган дoston ёзибди.

Кетмон бечора қачон ишлаб, қачон дам олганини билмайди.

Қишда ариқ-зовурни тозалайди, шўри ювиладиган далаларнинг челини тортади, сўнг шўр ювади.

Баҳорда кўчат ўткази, уруғ экади, ниҳолларни завқ билан чопиқ қилади.

Ёзда меҳнат қайнайди, кетмон қандай юмушларни бажарганини эслаб саноғига етолмайди, офтобнинг тиғида терга ботиб меҳнат қилгани-қилган. Саратонда сарғайиб-сарғайиб кетади кетмон. Оғир-оғир

нафас олади кетмон. Ернинг тафтидан чуқур-чуқур хансирайди кетмон. Кетмонни қора тер босади. Бу маржон-маржон тердан баъзан ер ҳам шўрлайди.

Кузда ҳосилни йиғиб-териб олишда кетмоннинг ўрни, вазифалари борки, буни кетмондан бошқа бирорта техникаси эпллолмайди.

Кетмоннинг ётоғи йил ўн икки ой дала. Бундай айвон пештоқида ёки сайсхонанинг бир қоронғу бурчагидан дурустроқ дам олганлигини эсполмайди.

Энди ҳамма кетмон ҳам ўз эгасидан рози бўлавермайди. Бировлар худди ўз фарзандидай кетмонни асраб авайлайди. Тошга, темирга уриб олишдан эҳтиёт бўлади. Агар кетмоннинг тиғи бирор қаттиқ нарсага тегиб учса ёки жиддий лат еса, эгасининг ҳам юраги оғрийди, вужуди азоб чекади. Ахир кетмон меҳнат қуроли-ку!

Бераҳм, бешафқат қўлларга тушган кетмоннинг ҳолига вой! У кетмон бўлиб яралганига минг-минг пушаймонлар ейди, умри озор билан ўтади, алами, дарди ўзи билан кетади. Бундай кетмон тезда сафдан чиқади, унинг кетмонлик сиёғи қолмайди. Кетмон ўз-ўзидан қариб, ҳолдан тойиб, касалликка йўлиқади, адои тамом бўлади. Бир куни эгаси ишдан қайтгач, одатдагидай кетмонни ҳовли этагига улоқтирди. Улоқтириш жараёнида жаҳл билан “Ҳе, онангни...” деб ҳақорат қилди. Кетмон онаси бор-йўқлигини билмайди. Лекин бу ҳақорат унинг темир танасини зирқиратиб юборди. Ахир энг оғир ҳақорат онани сўкиш-ку! Қайси куни далага келган уч-тўртта йўғон киши ҳам унинг эгасини бошлаб ҳақорат қилди. Бири қўйиб, бири нуқул онадан келди. Бечора деҳқон, шўрлик деҳқон тош ютгандай миқ этмасдан, бошини кетмондай эгиб, мутъеларча ерга термулиб турди. Унинг аламдан бутун вужуди титраётганлигини кетмон дастасини тутган қўлларининг титраётганлигидан сезиш мумкин. Агар замони кўтарса, онангни, деган бу ҳаромхўрларни кетмон билан тилларини чопарди. Шунда ҳаммаёқни чопилган тиллар босиб кетарди.

Ҳикоямизга қайтайлик. Кетмон кетмонлигини унутмасдан олдин эъзозланган пайтлари ҳам бўлган.

Унинг эгаси анча бамаъни одам. Даладан қайтгач, кетмонни ҳовли этагидаги ариқда эринмай тозалаб, қавариб кетган кафтлари билан ишқалаб ювади. Кафтларининг қаварган жойлари кетмоннинг қитиғини келтиради. Бундай илтифотдан кетмон хижолат бўлади. Унинг қўллари қавариб-қавариб, бармоқлари ёрилиб-ёрилиб кетганидан уялади. Баъзан ювиб бўлгач, кетмон дастасини олма шохига қистиради, баъзан айвоннинг бурчагига эгиб кўяди. Гоҳида ювиб бўлиб, ҳовли ўртасидаги томорқада қолдириб кетади. Шунда кетмон роса яйраб ҳордиқ олади. Айниқса, тўлин ой кетмон юзида пайдо бўлса қувонади, ой билан сирлашгиси келади. Лекин унинг юзида ой билан сирлашадиган на ҳарорат, на илиқлик бор. Дардлашай деса, дарди ойга етиб бормади. Ойнинг ҳам дарди кўп, ҳасрати мўл бўлса керакки, кетмонга етиб келмайди.

Кетмон энди кетмон-да, юзига ой акси тушиши билан мудрайди, мудраб туш кўради. Тушида ҳам меҳнат, жон-жаҳди билан берилиб ер чопади. Кетмондан олдин дастаси терлайди, дастадан олдин қўллар, қўллардан олдин бармоқлардан тер сизиб чиқади. Баъзан манглайдан, юзлардан оқаётган шўр, тахир тер



кетмон юзига ҳам тушади. Кетмон тушида ҳам тердан тамшанади, тердан томоғи ачишади. Минг йилдирки, кетмондан тер ҳиди анқийди. Минг йилдирки, кетмондан дала ҳиди, тупроқ ҳиди келади.

Бу йил кетмоннинг ўттизинчи баҳор далага чиқиши. Ўттиз йилки бажарадиган юмушлари аниқ. Тиним билмай ер чопади, ариқ қазади, ниҳол ўтказди, томорқани чопиқ қилади, лойхандақни текислайди, лой қоради, замбилни ўша лой билан тўлдиради. Баъзан эса кўшни гўрков уни ижарага олиб туради. Бундай пайтда у маъюс тортади, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келадию, лекин ёш оқадиган кўзлари йўқ... Оёғи йўқки қочса, қўли йўқки талаб қилса, тили йўқки, дарду ҳасратини айтса?.. Бечора кетмонга бундай имкон берилмаган. Берилганда ҳам нуқул меҳнатдан гапиравериб қулоқларни қоматга келтирарди. «Шарафли меҳнатимиз...», «Шонли меҳнатимиз...» деб тинкани қуритарди. Ўшанда ҳам тер тўкиб, асл меҳнат қиладиган кетмон миқ этмасдан ишлайверарди. Маҳмадона кетмонлардан худо асра-син...

Кетмон қачон, қайси устахонада товланиб тайёрланганини билмайди. Ишлайвериби хотираси ҳам кесакка айланиб кетган. Аллақачон эслаш қобилиятини йўқотган. Кетмон шўрликнинг билгани дала билан ҳовли. Эгаси ҳам қизиқ одам: бир гал уни эъозлаб елкасига ташлаб юради, бошқа сафар эшакка миниб дастасини тақимига босиб олади. Баъзан даладан қайтишда эшакка ортилган ўтнинг орасига қўйиб боғлайди. Шунда кетмон анча озор чекади. Буларга чидаса бўлади. Лекин баъзан тиниб-тинчимагур эгаси тунда томорқасига сув қўяди. Шунда кетмонга роса алам қилади-да! Қуни билан ер чопгани етмагандек, ярим кечгача даҳана боғлаб, даҳана очади. Кечаси кетмоннинг оромни бузилади, хаёли тарқайди, ҳаловати йўқолади. Ой билан сирлашолмайди.

Шу зайил кетмон эскириб, занглаб адои тамом бўлиб борарди. Уни ясаган темирчи устасини билмас ҳам бозорда бўлган савдони оз-моз эслайди. Яхши ишлангани, юзлари кенг-мўл, анча енгил бўлгани учун ҳам тез сотилган эди. Эгаси уни хуржунга солиб олиб келган. Сўнг толдан қилинган дастани тешигидан яъни зўғатадан зўр бериб ўтказганини билади. Ҳатто дастани ёриб кичик пона ҳам урганди. Даста ғирвон билан жипслашиб кетди. Сўнгра бир кеча сувга солиб қўйганди. Даста ўзидан-ўзи шишиб, зўғатага чиппа ёпишди. Шу ёпишгунча қимир этмайди.

Тонг саҳарда далага чиқиб кетгани, далага муҳаббат қўйгани... Шу-шу дала билан боғланиб, ер билан ошно тутинди. У бир сафар илғор кетмонларнинг умумий йиғилишида минбарга чиқмоқчи бўлиб роса ҳаракат қилди. Лекин уни мажлисхонага яқин ҳам йўлатишмади. Эшиқдаёқ силтаб-силтаб иргитиб юборишди. Ўшанда дастаси қарсиллатиб ерга тегиб, бироз дарз кетганди. Шу-шу қайтиб мажлисга бормайдиган бўлди. Кейинчалик гилос дарахтидан қилинган даста



ўрнатишди. Зангламаслиги учун тез-тез от ёғи суришарди. Кейинчалик отлар озиб кетиб, ёғ бермай қўйди. Кетмондан ҳар урганда дувуллаб занг тўкиладиган бўлиб қолди.

Ҳадемай хандак ёки ахлат ўрага ташлаб юбориладиган кетмоннинг бир армони бор: кетмонлар қачон ўз меҳнатининг ҳузурини кўради. Қачон?

...Кетмон яроқсиз ҳолга келиб қолгач, уни темир-терсақка топшириб юборишдан олдин эгаси янги кетмон харид қилди. Лекин янги кетмон эскисига парво ҳам қилмади, қайрилиб қарамади ҳам.

Яп-янги кетмон далага талпинади, тезроқ ер билан дийдорлашгиси, дийдорлашиб муҳаббат изҳор қилгиси келади. Янги кетмон ҳам ой билан сирлашишга ташна. Ойнинг ойдай акси унинг юзига тушишини истайди. Ер билан бошланадиган ўтли ишқ олдидан кетмонга пирлари ҳазрати Довуд алайҳиссалом мадад берсинлар. Ўтган барча катта-кичик кетмонларнинг дами қўлласин.






Муродхон ЭРГАШЕВ

## ИККИ МАҚОЛАГА БИР ЖАВОБ

Бундан роппа-роса уч йил аввал “Жаҳон” Ахборот Агентлиги Алишер Навоийнинг ўттиз ғазали Франциянинг Брест шаҳридаги “Géorama” нашриёти томонидан “Alisher Navoiy. Gazels” номи билан француз тилида нашр этилганлиги ҳақида хабар тарқатди. Бу хабар бутун ўзбек матбуотида акс-садо берди. Кўп ўтмасдан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг 2008 йил 16 май кунги 20-сонида “Аслиятнинг нозик қирралари” номли мақола босилди. Филология фанлари доктори, профессор Б.Мамедов ва аспирант Г.Раҳимовалар имзолаган мазкур мақолада бу китоб “Француз шеърияти мухлислари учун ўзига хос совға бўлди”, деб эътироф этилди. Айрим ижобий фикрлардан сўнг, танқидчиларимиз биз “йўл қўйган камчилик ва янгилишишлар”ни санашга (таҳлил қилишга эмас!) ўтиб кетадилар. Янгилишиш ва камчиликлар сифатида қофия ва вазни сақламаганлигимизни таъкидлайдилар: «... Алишер Навоий ғазалларини бевосита аслиятдан таржима қилиш жараёнида шеърларнинг шаклига камроқ эътибор қаратганлари боис, қофия ва вазни сақлашга эришолмаганлар». Гап албатта таржимонлар ҳақида бораяпти. Фикримизча, бундай хулоса чиқаришдан аввал танқидчиларимиз ўзларига “Аруз вазнини француз тилида қайта тиклаш мумкинми?” деган саволни бериб кўришлари жоиз эди ва жавоб ижобий бўладиган ҳолда чиқарган ҳукмларини мисоллар билан исботлаб берсалар нур устига нур бўлурди. Афсуски, мақола муаллифлари бу йўлдан бормайдилар. Чунки бу саволнинг жавобини масалага чуқур илмий ёндашмай ҳамда етарлича вақт сарфлаб қилинган таҳлилларсиз бериб бўлмайди. “Шеърий асар таржимони учун ҳамма вақт жиддий қийинчилик туғдирувчи нарса вазн муаммосидир” деб ёзган эдилар “Таржимон маҳорати” китобининг



муаллифлари. (Қаранг: “Таржимон маҳорати”, Ғ. Саломов ва бошқалар, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1979 йил, 38-бет). Энди қофия масаласига келадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлашни истар эдикки, ўзбек тилидаги қофиядош сўзларни француз тилига ўгирганда яна қофиядош сўзлар юзага келиши мумкинлигини ўйлашнинг ўзиёқ фикрнинг жиддий эмаслигини исботлаб туради. Тасаввур қилайликки, бунга эришилди ҳам. Аммо қофияни сақлаш учунгина топилган сўз маънога ёруғлик бериш ўрнига уни хиралатиб қўйса, бу “қош қўяман деб кўз чиқариш”га ўхшаб қолмасмикин? Шу ўринда яна бир мунозарали масала, бу мақола муаллифларининг “... қофия ва вазни сақлашга эришолмаганлар” деб қатъий ҳукм чиқаришларидир. Биз бу фикрга мутлақо қўшилмаймиз. Чунки биз ўз олдимизга бундай қатъий вазифани қўйганимиз йўқ. Бизнинг бош мақсадимиз Навоийнинг **сўзига хиёнат қилиб қўймаслик** ва ғазалларнинг **руҳи**

**ва мазмунини** француз китобхонига тўла етказиб бериш эди. Шунинг учун ҳам баъзи ўринларда мисраларни иккига бўлиб, “вазни” енгиллаштиришга, таржималаримизни бугунги француз китобхонлари ўрганиб қолган шакл ва оҳангга солишга ҳаракат қилдик. Француз ўқувчилари билан **бевосита мулоқот қилиш имкониятидан келиб чиқиб**, уларнинг фикрларини ўрганиб ва тутган йўлимиз тўғрилигига амин бўлдик. Қолаверса бадиий таржима ҳам ижоднинг бир тури, таржимон эса ижодкор эканлигини унутиб қўймаслик ҳам керак. Кейинги “камчилик”ни ҳам мушоҳада қилиб кўрайлик. Мақола муаллифлари бу ўринда бизнинг таржималаримизга қанчалик масъулиятсизлик билан қараганликларини ўзлари фош қилиб қўйганлар. Улар шундай ёзадилар: «Француз тилидаги мазкур тўпламнинг аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, тар-



жимонлар томонидан йўл қўйилган айрим камчиликларни ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, аллегорик “май” образи “ароқ” (l’eau de vie) деб, Навоий асарлари тили “Чиғатой тили” деб берилган». Энди эса “ароқ” шаклида нотўғри, яъни l’eau de vie кўринишида таржима қилинган деб даъво қилинаётган “аллегорик “май” образи”ни ахтариб кўрайлик. Бу фикрнинг нақадар ўринсизлигини исботлаш учун қуйидаги уч байтга мурожаат қиламиз:

*Дарди ҳолимга ул икки лаъли хандондур даво,  
Ким ўлар, Исо дамюк оби ҳайвондур даво.*

*Не даво Исо дамин фаҳм айла, не ҳайвон суйин,  
Ҳажр жонин олған элга васли жонондур даво.*

Таржимада:

*Ce sourire est remède à ma triste langueur:  
À celui qui se meurt, le souffle de Jésus  
Ainsi que l’eau-de-vie viennent à son secours.  
Ressents comme jouvance  
Le souffle de Jésus ainsi que l’eau-de-vie  
À ceux que la rupture a privé de leur âme,  
L’union à son amour devient nécessité.*

Яна бир байт:

*Шимиб ютсам гаҳи ҳайвон суйидек завқдин кўргач,  
Тарашишух бодадин гул яфроғи гул янглиғ дудоғинда.*

Таржимада:

*Et si je consommais comme de l’eau-de-vie,  
Le vin qui forme perles aux pétales des lèvres.  
(Барча таъкидлар бизники-М.Э.)*

Маълумки, биз таъкидлаётган ушбу иборалар Алишер Навоий ғазалларида кўп учрайди ва “ҳаёт суви, тириклик суви” маъносини беради. (Қаранг: Навоий асарлари луғати, Тошкент, 1972 йил, 475-бет). Ушбу маънони биз сўзма-сўз қуйидагича таржима қилганмиз:

**L’eau** - сув, **de** - нинг (қаратқичлик белгиси), **vie** – ҳаёт.

Таржимада бу иборани айнан “l’eau de vie” шаклида берган бўлсак-да, нашриёт уни “l’eau-de-vie” кўринишида чиқиқчалар билан янглиш чоп этган ва француз тилидаги иборага ўхшаб қолган. Асли бу ибора француз тилига XIV асрда лотин тилидан қириб келган (**aqua vitæ**-тирик сув, тириклик суви маъносида) ва айнан биз истаган маънони англатган. (Қаранг: Le nouveau Petit Robert, Paris, 2009, электрон нашр). Бизга маълум бўлишича, католик черковларидаги муқаддас сув ҳам **l’eau de vie** деб юритилган. Бу иборанинг маст қилувчи ичимлик маъноси эса кўчма маънода қўлланилиб, луғатларда шу кўринишда турғун бирикма сифатида қолиб кетган. Лекин масаланинг ачинарли томони шундаки, биз биринчи мисолни келтирган ғазал асли етти байтдан иборат бўлиб, унда бирон марта ҳам “май” сўзи учрамаслиги танқидчиларимизнинг ҳаёлига ҳам келмайди! (Қаранг: Алишер Навоий. Топмадим. Ғазаллар, Тошкент, 1988 йил, 10-бет). Иккинчи мисолимиз эса тўққиз байтли ғазалдан олинган бўлиб, (Қаранг: Алишер Навоий. Қаро кўзим. Ғазаллар, Тошкент, 1988 йил, 27-бет) унда бир мартагина “**бода**” (**май**) сўзи қўлланган ва у таржимада ўз маъносида, яъни **le vin** шаклида, “**ҳайвон суйи**” эса **l’eau de vie** шаклида ўғирилган. Танқидчиларнинг юқоридаги хулосаларини қандай изоҳлаш мумкин?! Демак, улар “ароқ” сўзини қаерда, қайси ғазалда ишлатилганлигини излаб ҳам кўрмай, кимнингдир фикрини четдан олиб, мақолаларига киритибдилар-да? Афсуски, биз танқидчиларнинг француз тилини қачон, қаерда ўрганганликларидан беҳабармиз. Агар ўрганган бўлсалар, қай даражада ўрганганликлари баён этилган

фикрларидан кўриниб турибдики, мазкур ҳолда “Изоҳнинг ҳожати йўқ”, деб қўя қоламиз. Ачинарлиси, мунаққидлар ҳатто ўз фикрларининг асослими-йўқми эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаганлар. Уларнинг юқорида келтирилган хулосалари ўзбек ва француз тилидаги матнларни қиёсий ўрганмасдан, таҳлил қилмасдан чиқарилганлиги кундек равшан бўлиб турибди. Энг ёмони эса, бизнинг таржимамиздан беҳабар ўқувчиларга матбуотда нотўғри, асоссиз, илм аҳлига хос бўлмаган ёлғон маълумотларни берадилар. Илм кишиларининг ўз сўзларига бу қадар масъулиятсизларча ёндашишлари ачинарли ҳолдир. Ундан ҳам ёмони, бизнинг таржимамиз ҳақида адабиёт мухлисларида нотўғри фикр уйғотишдир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, “ароқ” билан “май”нинг фарқида бормаидиган таржимон Навоий ғазалларининг таржимасига қўл уриши маънавий жиноят эмасми, ахир?!

Энди, чиғатой тилига келсак, бу ерда ушбу атамадан кўрқиннинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз. Тарихдан юртимизнинг Чиғатой улуси таркибида бўлганлиги ва шу ҳудудда истеъмолда бўлган тилнинг ўлка номи билан аталиши табиий ҳол эди. Чиғатойнинг ўзи мўғул бўлгани билан ҳеч ким чиғатой тили атамаси остида мўғул тилини тушунмайди. Қолаверса, ўша даврдаги “ўзбек” атамаси бугунги кунга нисбатан анча тор маънода қўлланганлиги кўпчиликка яхши маълум. Шу нуқтаи назардан ёндашганда мазкур атамани бемалол туркий тилнинг маънодош сўзи сифатида ишлатиш мумкин. Фикримизни далиллаш учун энг обрўли нашримиз “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”нинг 10-том, 266-саҳифасига мурожаат қиламиз: “...Айрим илмий манбаларда “чиғатой тили” деб ҳам аталади, аммо Эски ўзбек тилининг Чиғатойга, мўғулларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бунинг устига ўша давр ёзувчи ва шоирлари ўз тилларини туркий (тил) деб номлаганлар”.

Яна бир мунозарали ўрин Имоиддин Насимий хусусида. Танқидчиларимиз мақолаларининг сўнгида шундай фикр юритадилар: “Таржимонлар Навоийдан олдинги ўзбек адабиётининг энг йирик намояндаси сифатида Имоиддин Насимийнинг номини тилга олганларки, бу ҳақиқатга зид”. Афсуски, бу ўринда ҳам мунаққидларга француз тилидаги матннинг маъзани чақа олмаганликлари панд берган. Аввало, кириш сўзида Имоиддин Насимий “ўзбек адабиётининг энг йирик намояндаси” эканлиги ҳақида бир оғиз бўлсин, сўз йўқ. У ерда Навоийнинг хизмати туфайли ўзбек шеърияти ўлка маданиятида муҳим ўрин эгаллагани таъкидланиб, Навоий қилган иш, яъни туркий тилини шеърият тили даражасига кўтариш Навоийдан аввалги айрим шоирлар, хусусан, Имоиддин Насимий томонидан ҳам амалга оширилгани айтилмоқда. (Қаранг: ЎзМЭ, 6-том, 273-бет). Ўлка ҳақида гап кетганда эса бу атамани кенг маънода тушуниш, яъни туркийзабон ўлкаларни қамраб олган ҳудуд назарда тутилаётганлигини ҳисобга олиш керак эди.

Таржималаримизга фикр билдирилган “Навоий ғазаллари француз тилида” номли иккинчи мақола эса биринчисидан қарийб икки йил кейин “Жаҳон адабиёти” журналининг 2010 йилги 2-сонига А. Кўчибоев имзоси билан эълон қилинди. Аммо, француз тилини биладиган кишининг табиатини хира қиладиган ҳодиса, бу мақоланинг француз тилида мисоллар ёзилган бутун бошли гаплар имло хатолари билан тўла эканлиги ҳеч кимни хижолатга солмайди! Бу балки таҳририятнинг муаллифга бўлган ишончининг оқибати бўлса, ажаб эмас. Тан олиб айтиш керакки, мақоланинг кириш ва хулоса қисмларида муаллиф бизнинг таржималаримиз ҳақида жуда ижобий фикрларни таъкидлаб айтади. Буларга “Навоий ғазалларини бевосита фаранг тилига ўгириш анъанасини” бошлаб



берганимиз ва улар “таржима амалиётига, яъни шеърий таржима назариясини бойитишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилгани”, “ғазаллардаги фикр, ғоя аслият даражасига мос келадиган француз тилининг ифодали воситалари билан ўғирилган”и ҳақидаги фикрларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Кейинги фикрлар эса “аруздаги ўзига хосликлар, шунингдек радифга эътибор берилмаганлиги”, “шакл ва мазмун бирлиги” хусусида умумий сўзлар бўлиб, муаллиф бу ўринларда ўзи томонидан биронта ечимни муқобил мисол сифатида келтирмайди. Фақат бир ўринда шунга уриниш бўлиб, шунда ҳам А. Кўчибоев француз тилида мавжуд бўлмаган *tomber de surprise, tomber fol de surprise* сингари француз тилида йўқ ибораларни туздики, бу француз тили мутахассиси учун, юмшоқ қилиб айтганда, обрў келтирмайдиган ҳолдир. Танқидчи таклиф қилаётган ушбу иборалар Ҳазрат Навоийнинг қуйидаги байтларига дахлдордир:

Ул пари пайкарким, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга  
Кимки ҳайрони эмас, мен телбаю ҳайрон анга.

(Қаранг: Алишер Навоий. Топмадим. Ғазаллар, Тошкент, 1988 йил, 34-бет).

Бизнинг таржимамизда бу байт қуйидагича берилган:

*Sa beaute feerique*

*A surpris bien des hommes aussi bien que des djinns*

*Et qui n'est pas surpris me surprend follement.*

Танқидчимиз тутган йўлдан бориб, қайта ўзбекчалаштириб кўрсак, қуйидагича маъно чиқади:

*Унинг париларча гўзаллиги*

*Одамларни ҳам, жинларни ҳам бирдек ҳайрон қолдиради*

*Ҳайрон қолмаган киши мени телбаларча ҳайрон қолдиради.*

Кўриниб турибдики, бу байтда “ҳайратдан йиқилмоқ” ибораси билан француз тилига ўғиришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Шунингдек, А. Кўчибоев биринчи мақола муаллифларидан фарқли ўлароқ, қофия йўқлигини исботлаш учун ҳар ҳолда биргина бўлсада мисол келтиради: “аслиятда “жон анга-ҳайрон анга” радифли қофиялар орқали берилган оҳангдорлик таржимада ўз аксини топмай қолган” деб ёзади-ю, “инсу жон” инсон ва жин маъносида бирикиб келаётганига эътибор қилмайди ва “жон” сўзини алоҳида олиб, “ҳайрон” сўзига қофияланади деб ҳисоблайди! Алоҳида олинган “жон” сўзи француз тилига “ame” деб ўғирилса, “ҳайрон” сўзи “surpris” деб таржима қилинади. Энди шу икки сўзни қофияга солиб кўринг-чи! Агар, мақола муаллифи биз “инсу жон”ни “des hommes et des djinns”, деб ғазалдаги ўз маъносида берганимизни англаганида эди, биздан қофияни талаб қилмаган бўларди. Шаклни сақлаш ҳақидаги “тавсияларга” келсак, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек ва француз тиллари турли оилга мансублиги туфайли, гап тузилиши бу икки тилда кескин фарқ қилишини эътиборга олиш лозим. Оддий мисол келтирайлик: француз тилида сўз тартиби қатъий бўлиб, гапда аввал эга, кейин кесим ва улардан кейин гапнинг иккинчи даражали бўлаклари келади. Ўзбек тилида гапнинг тузилиши ҳаммага маъ-

лум, эга гапнинг бошида келса, кесим гапнинг охирида келади. Иккинчи даражали бўлақлар шу иккала бош бўлакнинг ўртасида жойлашади. Шу ва шу каби фарқлар ҳам таржима жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Мана шу сабабдан ўзбек тилида қофияланган сўзлар француз тилидаги таржимада, улар қайси сўз туркумига тегишлилигига қараб, бир-бирларидан “узоқлашиб” кетишлари мумкин. Уларни эса “зўрлаб” бир-бирларига “яқинлаштириш” ўрнига матндаги бошқа сўзлардан қофия излаш ўринлироқ бўлар, балки.

Яна бир гап: А. Кўчибоев ўз мақоласида, бирон-бир француз китобхонининг фикрига эга бўлмаган ҳолда, билдирган фикрларини “буни французлар тушунмайдилар” деб тақрорлайди. Бу эса бизни ҳайратга солади. Наҳотки танқидчимиз бизнинг адабий шеригимиз она тили француз тили бўлган киши эканлигини ҳисобга олмаган бўлсалар?! Урни келганда шунини айтишимиз керакки, биз Жан-Жак Гате жанобларини ҳамкорликка чорлашдан аввал уни етарлича синовдан ўтказганмиз. Ва ўртамазда жонли фикр алмашиш, ҳатто етарлича баҳslashувлар ҳам бўлиб ўтгани айни ҳақиқатдир. Хуллас, биз ўн йилдан зиёд бир-биримизни билишимиз туфайли Жан-Жак Гатенинг шарқ шеъриятини теран ҳис қилишига тўла ишонч ҳосил қилганмиз. У бизнинг ишончимизни тўла оқлай олди. Юқорида таъкидлаганимиздек, биз **Навоийнинг ҳар бир сўзига** чуқур масъулият билан ёндашдик ва Сўзга хиёнат қилмасликка ҳаракат қилдик. Ишончимиз комилким, бир кун келиб таржималаримиз ҳар икки тилни яхши биладиган, Ҳазратнинг ижодини меҳр қўйиб ўрганган нуктадон олимларимиз томонидан холисона баҳоланади.

Биз амалга оширган таржималар илк тажриба бўлгани, ғазалларни француз тилига ўғиришда бизга қўлланма бўлиши мумкин бўладиган илмий тадқиқотлар амалга оширилмаганлиги, суяниб иш кўришимиз мумкин бўлган манбаларнинг йўқлиги сабабли, биз ўз йўлимизни ўзимиз очиб олишимизга тўғри келди. Умидимиз борким, энди бу йўлдан ўтадиганларга асқотиши мумкин бўлган, кичик бўлсада, тажриба тўпланди. Ва, бир кун келиб, илмли, ўз кучига ишонган ёшларимиздан кимдир чиқиб, бизнинг таржималаримизни ўқиб, “Мен бунданга гўзал таржима қила оламан!” деб ҳайқирса, бизнинг ютуғимиз шу бўлади.

Дарвоқе, яна бир истиҳолоамиз бор, у ҳам бўлса, кимгадир бизнинг сўзларимиз ўз таржималари ҳақида юқори фикрга эга бир манман кишининг фикри бўлиб туюлмаса деймиз. Касбимиз тақозоси билан ҳар йили ўртача уч юз, баъзан беш юз француз билан мулоқотда бўламиз. Уларга албатта таржималаримизни ўқиб берамиз, Навоий билан таништирамиз, уларнинг фикри билан қизиқамиз. Энди юқоридаги кишиларнинг ўртача сонини бизнинг иш стажимизга, яъни ўн тўрт йилга кўпайтирсангиз, бизда таржималаримиз ҳақида етарлича фикрлар борлигига ишонч ҳосил қиласиз, деган умидда қоламиз. Сўнгги фикр: Яқинда электрон манзилимизга биз туфайли Ҳазрат Навоийни кашф этган бир француз оиласи йўллаган қисқагина хатга эътибор беринг: “Китобингни сотиб олиб, ўқиб чиқдим. Қандай истеъдод!!!” Ҳа, биз ниятимизга етдик: Навоий ижоди французларни ҳайратга солапти. Бу ҳайратнинг умри узоқ бўлишга ишонамиз!







Абдугофир МАМАТОВ



## Баҳор рангларига тўлмоқда борлиқ

\* \* \*

Сўз нима  
 Сен менинг ёнимда бўлсанг.  
 Кўзлар тикилади...  
 Тиллар тугилади...  
 Сирлар сўкилади...  
 Чоки чокидан,  
 Сўзлар эса йўқ.  
 Манзилин йўқотган карвондай,  
 Томошабин тераклар турар  
 Уйқусираб, эгиб бошини.  
 Табиат сирлашар –  
 Ажиб сукунат...  
 Бизлар дардлашамиз,  
 Сўзлар эса йўқ.  
 Туннинг кўзларидан қуйилади ёш –  
 Жимгина тарк этар юлдузлар  
 Оппоқ тонгнинг сўзларини  
 Бўяб ташлар  
 Рангларга қуёш...  
 Ўт-ўланлар кўзларида ёш,  
 Биз ҳануз сирдош,  
 Сўзлар эса йўқ...

\* \* \*

Сенинг йиглаётган,  
 Алам ичра сассиз  
 Сўзлаётган кўзларингга қарайман.  
 Томчилаб, думалаб кетар изтироб.  
 Сўнг эса...



Аста-аста таскинга айланар.  
 Аламлар, армонлар соғинади жим,  
 Дарду ҳасратларим унсиз оҳ чекар,  
 Мискин қўшиқларга айланмоқ учун.  
 Дилмда бир илинж,  
 Тилмда бир сўз,  
 Томчидай турибди титраб,  
 Нажотсиз бир ҳис,  
 Уни ҳеч сўзларга тизиб бўлмайди.  
 Иложсиз чекинар,  
 Ғазаб жимгина...  
 Бизларни табриклар ўксиган сабр.

\* \* \*

Қшининг оқ кўйлаги йиртилиб кетди,  
 Энди илиқ-илиқ кунлар бошланар.  
 Юпун дарахтларнинг тоқати битди,  
 Севинчдан очилган кўзлар ёшланар.  
 Шудрингга юз ювган барра майсалар,  
 Мунаввар қуёшга умидвор боқар.  
 Анҳор сувларига юзларин чаяр  
 Баҳорни орзиқиб кутган қизчалар.  
 Ҳали чимилдиқдан чиқмаган келин,  
 Баҳор ифоридан сарҳуш энтикар.  
 Бахтиёр юзлари ойдайн тўлин,  
 Битмаган каштасин ўлтириб тикар.  
 Баҳор рангларига тўлмоқда борлиқ,  
 Дарахтлар олмоқда ҳаётдан ёрлиқ.  
 Барча ташвишларни унутиб буткул,  
 Азизим, сен Наврўз тонгини кутгил!





Акмал САИДОВ,  
профессор

## ДУРГА ДҮЖТАЖ ҚАМРАЛАР

Замонавий ўзбек адабиётининг истеъдодли вакиллари билан бири, миллий шеърятимизда ўзининг бетакрор овози билан танилган, ўзига хос услубига эга бўлган шоир Ғулом Мирзонинг янги китоби – «Қалб томчилари» тўплами нашрдан чиқди (Тошкент, «Шарқ», 2010).

Авваламбор, китобнинг номи ҳақида бир мулоҳаза. Одатда, шоирлар ўзининг янги китобига ном қўйишда шу тўпламга киритилган энг сара шеърлар, дoston ва туркумлардан биронтасининг мавзусини танлайди. Баъзан тўпламдаги оҳорли, таъсирчан сўз, янги ибора ёки ташбеҳ ҳам китобга ном сифатида олиниши мумкин. Лекин «Қалб томчилари» тўпламида айтиш билан аталадиган шеър ёки туркум мавжуд эмас. Китобдаги шеърларда ҳам «қалб» ва «томчи» сўзлари бевосита ёнма-ён келган мисра учрамайди.

Айтиш чоғда китобдаги шеърларда «қалб» сўзи «кўнгил», «юррак», «дил» тушунчалари билан ҳамоҳангликда турлича талқин этилган кўп мисралар борки, шоир қалби – тимсол, муайян образ сифатида намоён бўлган бу ёрқин ва қутилмаган ташбеҳлар шеърхонни ҳаяжонга солади. Фикримизнинг тасдиғи учун айрим мисоллар келтирамиз:

**Камалақдек тусланди кўнглим,  
Тўзғиди товуснинг патидай.**

(21-бем)

**Қанийди  
Тонггача овутсам  
Ой, дея  
Қуш, дея дилимни!..**

(27-бем)

**Энди кўнгил –  
дастурхонда нон каби синиқ.**

(28-бем)

**Сен кетдинг.  
Дил титрар вужуд шохида.**

(29-бем)

**Дилимни безатсам – кутадиганим Сиз.**

(49-бем)

**Лоларанг қалбимда ғамнинг бодаси.**

(49-бем)

**Қалб наҳридан оқар чашм селоби...**

(88-бем)

Хуллас, муаллиф китобга «Қалб томчилари» деган номни бежиз танламаган. Айниқса, шоирнинг қуйидаги сўфиёна олтилиги бу фикримизни яққол тасдиқлайди:

**Найсоннинг  
биргина томчисин  
садафингда асра,  
о, нилуфар қалб!  
Токи дурга дўнсин  
шу қатра...**

(116-бем)

Айтиш керакки, Ғулом Мирзонинг олдинги китоблари – «Яхшиям сиз борсиз», «Унутилган хур», «Офтобга қайтаман» тўпламларидаги самимиятга йўғрилган шеърлари ҳам кўплаб назм мухлислари томонидан қизиқиш ва иштиёқ билан кутиб олинган. Шоир ана шу китоблари мисолида ўзини, авваламбор, сўз масъулияти ва шеърятнинг таъсир кучини чуқур англаб етган, шеърини шакл, айниқса, шеърятнинг бармоқ вазни имкониятларини пухта ўрганган ва бу вазн салоҳиятига хос янги-янги қирраларни кашф қилган, бу топилмаларини шеърларида юксак маҳорат билан қўллаган етук ижодкор сифатида намоён эта олди.

Шу билан бирга, Ғулом Мирзо ўзининг дастлабки китобига киритган аксарият шеърлари, айниқса, ўша давр поэзияси учун дадил янгилик ҳисобланган катта бир туркум «учлик»лари биланоқ ўз ижодида анъанавий шеърини қолиплар билан чекланиб қолмаслигини, аксинча, бу борада янги изланишларга шай ва қодир эканини кўрсатган эди. Бу жиҳат унинг кейинги китобларидан жой олган «учлик»лари ва «бешлик»лари, шунингдек, шаклан бармоқ вазни талабларини инкор этадиган, моҳиятан эса бу дилбар шеърини вазнинг қофия, ички оҳанг каби бир қатор нозик хусусиятларини ўзига сингдириб олган бошқа кўплаб ташаббус-



ли шеърлари мисолида босқичма-босқич маромига етиб, изчил камол топиб келаётганини таъкидлаш жоиз.

Айниқса, «Қалб томчилари» китобидаги янгича шаклдаги битиклар – «олтилик»лар мисолида шоир китобдан-китобга ўтгани сари шеърятдаги ўз йўлини мустаҳкамлаб, ўзига хос услубини чархлаб, янада ўткирлаштириб бораётганини кузатиш мумкин. Шу ўринда кейинги вақтда айрим ўзбек шоирларининг ижодига мансуб бўлган шакл изланишлари, хусусан, «учлик»лар ва «бешлик»лар ҳақида адабий баҳс борганда, кўпинча уларни япон шеърятдаги «хокку», «танка» жанри таъсирида ёзилган шеърлар деб юзаки баҳолашдан нарига ўтмаслик холлари кузатилаётганини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Фикримизча, бу шаклий янгиликлар мустаҳкам миллий заминга эга бўлиб, улар сатр сони борасидаги ўхшашлигидан қатъи назар, ўзининг хориж шеърятини намуналаридан тубдан фарқ қиладиган ва ҳатто устун турадиган бир қатор хусусиятларига эга. Ва бу масалалар келгусида адабиётшуносларимиз томонидан атрофлича илмий-адабий таҳлил ва талқин этиб берилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

«Қалб томчилари» китобидаги шеърларнинг мазмуни ҳақида гап борганда, биринчи навбатда унинг бой ва хилма-хил мундарижаси диққатни ўзига тортишини қайд этиш даркор. Тўпلامдаги туркумларнинг бир қисми бугунги шеърятимиз учун анъанавий ҳисобланган «Сен ва мен», «Таайюн рақамлари», «Кетма, томиримда севги бўлиб оқ», «Насаф хотиралари», «Зарра-зарра томади толе» каби номлар билан аталгани ҳолда, унда мумтоз адабиётимизга хос равишда «Фироқнома», «Панднома», «Ишқнома», «Табиатнома» деб номланган туркумлар ҳам мавжуд.

Тўпلامнинг яна бир ўзига хос жиҳати – унда шоирнинг шахсий ҳаёти, кўнгил кечинмалари, қувончу шодликлари, изтироблари сатрларга кўчган шеърлари, юракни эзиб юборадиган мунгли марсиялари билан бирга тарбиявий жиҳатдан муҳим, ижтимоий аҳамиятга молик шеъринг туркумлари, чуқур ва кенг фалсафий мушоҳадалари ёнма-ён келади. Бу шеърларда шоир ҳаёт мантиғи, олам ва одам моҳияти, замон ва макон манзараларини турли рамзлар, тимсоллар, шодашода ташбеҳлар орқали ифодалайди. Ҳаётга ижодкор нигоҳи билан боқаятган шоирнинг кузатувлари савқи табиий туйғулар билан ҳамоҳанглиқда нафис ва нажиб сатрларда ўз аксини топган. Бир сўз билан айтганда, китобдаги шеърлар бадиий етуқлиги ҳамда самимияти билан китобхон эътиборини бирдек ўзига тартади.

Энг муҳими, шахсият ва ижтимоийликнинг бун-

дай ноёб, аини вақтда табиий бир ҳолда омухталашуви тимсолида шоир маҳорат билан яратган лирик образ – замонамиз қаҳрамонининг дунёқараши, фуқаролик позицияси ва бошқа кўплаб инсоний кечинмаларини ҳар биримиз дилдан ҳис этамиз, чуқур англаймиз. Хусусан, бугун дунё миқёсида авж олаётган глобаллашув жараёнига, унинг турли соҳалардаги ижобий ёки салбий таъсирига нисбатан шоирнинг ўз муносабати, қатъий ёндашуви бор. Бу ҳақда бир ўринда:

**Антенналар –  
дунё дарахтининг  
ўқ илдиэлари.  
Аввал, томиэизни,  
сўнг онгимэизни  
чирмаган томирлар, –**

(43-бет)

дер экан, шоир ҳаққоний, аини пайтда кутилмаган бадиий-фалсафий хулосага келади.

Шоир тўпلامдан ўрин олган шеърларидан бир туркумини «**Мутолаа фароғати**» деб номлаган. Бу шеърларни Арасту, Будда, Ганди, Декарт, Ибн Сино, Ғаззолий, Лао Цзи, Петрарка, Макиавелли, Ларошфуко, Ницше каби жаҳон фалсафа ва адабиётининг ўнлаб даҳолари асарлари мутолааси чоғида туғилган янги, ўзгача мушоҳадалар, буюк алломпалар фикрининг қаймоғи бўлган ноёб иқтибослар, энг сара ҳикматларнинг ихчам талқини дейиш мумкин. Ўз шакли ва мазмунига кўра янгилик бўлган бу туркум ҳам шеърят ихлосмандлари қалбидан том маънода «мутолаа фароғати» сифатида ўрин эгалласа, не ажаб.

Ғулом Мирзонинг янги китобини олдинги тўпلامларидан ажратиб турадиган хусусиятлардан яна бири – шоирнинг жаҳон адабиёти намуналаридан таржималарига ўрин берилганидир. Эътиборли томони шундаки, бунда ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек, Шарқ ва Ғарб шеърятини анъаналарини уйғунлаштириш тамойилига таянилгани кузатилади. Япониянинг атоқли шоири **Мацуо Басё**, Люксембург шоири **Аниз Колц** ва Польша шеърятини вакили **Тадеуш Ружевиэ** – айнан ана шу ижодкорларнинг шеърларини таржима қилиш учун уларнинг ижодий йўли билан шоир-таржимоннинг шеъринг услубидаги ўзаро яқинлик бирламчи асос бўлиб хизмат қилган бўлса ажаб эмас. Бу таржима шеърлар ҳам ўзининг юксак бадиияти билан ўқувчи эътиборини тортишига аминмиз.


Мухтасар айтганда, «Қалб томчилари» китобини Ғулом Мирзонинг шеърят пиллапоялари бўйлаб юксалиш йўлида қўйган навбатдаги дадил қадами, десак арзийди. Ва, албатта, шоирдан бу йўлда янги, қутлуғ қадамларни – гўзал шеъринг китобларни кутиб қоламиз.





Генрих БЁЛЛЪ,  
Нобел мукофоти соҳиби

## ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОНЛАР



Ҳикоя

Умуман олиб қараганда, жониворларга қарши эмасман, аксинча, уларга муносабатим жуда яхши, мисол учун, кечқурунлари кучугимизнинг бошини силлаш ёки мушугимизни тиззамга олиб эркалаш мен учун одатга айланган. Яна, олайлик, болалар хонанинг бир бурчагида тошбақани қандай қилиб озиқлантираётганини кўрсам ҳам хурсанд бўлиб кетаман. Ҳатто биз ваннада сақлайдиганимиз кичкина бегемотча ҳам юрагимдан жой эгаллаган десам ёлғон бўлмайди. Бутун хоналаримиз бўйлаб эркин сайр қилиб юрадиган уй қуёнларини айтмай қўяверинг, уларнинг бу юришларидан аллақачонлар безовта бўлмай қўйганман. Булардан ташқари, кечалари тўсатдан пайдо бўладиган меҳмонлар – мунгли оҳангда чийиллаб келадиган жўжа ёки хотиним бошпана бериб сийлайдиган дайди итга дуч келиб қолишга ҳам ўрганиб қолганман. Хотиним ниҳоятда меҳрибон-да, ҳеч кимга – одамми, ҳайвонми, фарқи йўқ, бошпана керак бўлса рад этмайди, кечалари ўқиладиган дуосида қачонлардан бери такрорланиб келадиган сўзларни айтсам бунга ўзингиз ҳам ишонарсиз: «Аллоҳим, бизга ночор одамлар ва жониворларни ўзинг етказгайсан...»

Ачинарли ҳолат шундан иборатки, аёлим аллақайси фирма ё корхоналарнинг маҳсулотларини уйма-уй санқиб тарғиб қиладиган, кўчама-кўча савдо қиладиганларни ҳам тирсагидан итармайди, шунинг учун ҳам менинг ўйимча, ўйимизда энг керакли деб ҳисобланмайдиган маҳсулотлар уюми ҳам кундан-кун бўй чўзаётир. Мисол учун, совун, чўтка, соқол оладиган пискалар, тўр учун жун кабиларни олинг, айниқса, мени қутида қанақадир ҳисоб рақамларию

мажбуриятлар ҳақидаги ҳужжатларнинг тўпланаётгани кўпроқ безовта қилади. Ўғилларим ўқиши даври учун, қизларим эрга теккунига қадар суғурта қилинган, аммо ўзингиз ўйланг, ахир уларни то имтиҳонлари тугагунча ёки то тўй куни келгунига қадар совун ёки тўр билан овқатлантира олмаймиз-ку, ва ҳатто манави соқол оладиган пискалар ҳам инсон танаси учун ҳар доим ҳам фойдали эмас.

Мана кўрдингизми, худди мана шу ердан менинг энгилгина сабрсизлигим куртакланади, аслида мендек хотиржам ва бағри кенг одамни топиш қийин. Тез-тез ўзимнинг стол тагига бемалол ўрнашиб беғамлик билан сабзи кавшаётган қуёнчаларга ҳасад билан қараётганимни, ваннамизда пўпанак ёйиб ўтирган бегемотга қараб эса ўзимда унинг тилини суғуриб олиш иштиёқи пайдо бўлганини сезиб қоламан. Ҳатто матонат билан салат барглари жигилдонига жўнатаётган тошбақа ҳам менинг юрагимни қандай ташвишлар ўртаб турганини билмайди. Ахир одамми-ку, хушбўй кофе, тамаки, нон ва тухум, бир рюмка ароқ ютумидан сўнг танангда пайдо бўладиган инсоний меҳр билан чулғаб олинган оромбахш илиқлик истайди кўнги. Биттагина тасаллим – кучугимиз Белло. У ҳам худди мен каби очликдан увиллайди. Шулардан ҳам кейин тагин чақирилмаган меҳмонлар – менга ўхшаб соқоллари ўсиб кетган замондошларимиз, болаларини кўтариб олган оналар кириб келса, демак, болаларни иссиқ сут ва намланган сухари билан овқатлантириш лозимки, бундай пайтда мен бутун кучимни тўплаб чидам ва бардош билан хотиржамликни сақлашим лозим бўлади. Ва мен ўша хотиржамликни сақлайман, бошқа сақлайдиган нарсанинг ўзи қолмаган.



Шундай кунлар бўладики, эндигина қайнаб чиққан сап-сариқ картошкага тикилиб сўлакларим оқади, чунки мен қанча оғир бўлмасин, тан оламан ва қизариблар кетаманки, бизнинг ошхонамиз аллақачон одоб ва иззат сақланадиган ошхона мақомига сазовор бўлмай қолган. Турли ёввойи ҳайвонлар ва одам зотиға тегишли меҳмонлар қуршовида вақт-бевақт мутлақо тасодифий ва ҳеч қандай тайёргарликсиз ҳолда овқатланиш тадбирларини уюштиришга мажбур бўламиз.

Бахтимизга хотиним узоқ муддатга бизга мутлақо керак бўлмайдиган матоҳларни сотиб олиш имконидан маҳрум, чунки бизнинг нақд пулимиз тугаган, менинг ҳисобимга тушадиган маблағлар ҳам номаълум муддатга кечиктирилган. Ўзим бўлсам, мени танимасликлари учун ташқи кўринишимни ўзгартириб, кечалари шаҳар атрофларини айланаман, одамларга писка, совун, тугма каби нарсаларни нархидан анча паст баҳога пуллайман, ахир аҳволимиз шуни тақозо қиляпти-да. Аммо шу нарсани таъкидлашим лозимки, ҳали уйда бир центнердан ортиқ совун, бир неча минг писка, кўп миқдорда турли-туман тугмалар бор, уйга ярим кеча ҳориб-чарчаб қайтарканман, мени болаларим, ҳайвонларимиз ва рафиқам кўзлари ёниб кутиб олишади, чунки йўлдан одатда нимадир – нон, кофе, олма, ёғ ёки картошка харид қилган бўламан, улар муштоқ бўлиб кутаётганидек, егулик билан келаман. Тун яримдан оққанда, бутун оиламиз – болаларим, ҳайвонларимиз ва хотиним билан қувонч онлари бўлмиш овқатланиш маросимиға киришамиз. Хурсанд бўлган фарзандларимдан тортиб қувончдан кўзлари порлайдиган ҳайвонларимизгача мени ўраб олишади, рафиқам эса менга табассум билан боқади, бегемот ёлғизликдан ўксинмаслиги учун биз атайлаб ваннанинг эшигини очиб қўямиз, унинг мамнун хурхурлаши эса бизга эшитилиб туради.

Одатда бундай пайтларда хотиним овқатланиб, асабларим бироз жойига тушиб, хотиржам бўлиб олганимдан кейингина қазноққа яна бир қўшимча меҳмонни яшириб қўйганини тан олади. Қарабсизки аллақандай, бир журъатсиз, соқоллари ўсиб кетган эркаклар кўлларини ишқалаб дастурхонимизга келиб ўрнашишади, аёллар бўлса скамейкада ўтирган болаларимизнинг орасига сиқилишади ва анави додлаётган болачалари учун сут қайнатишга киришишади. Менинг жиним суймайдиган бошқа ёввойи ҳайвонлар ҳам худди мана шу услубда менга таништирилади: балиқчи қушлар, тулки, чўчка, бир куни улар орасида ҳатто бир ўркачли туя боласи ҳам бор эди.

– Қарагин, ажойиблигини! – хотинимнинг бу ундовли хитобидан кейин мен ҳам туянинг ажойиблигини тан олишимга тўғри келди, ва енгил, билинар-билинимас хавотир билан бу жонивор кўкимтир кўзлари билан менга зимдан қараб бутун вазоҳати ва кучини жағига жамлаган қўйи озиқланаётганини кузатдим. Бахтни қаранг, туявой бизнинг хонадонда бор-йўғи бир ҳафтагина меҳмон бўлди, холос. Бу пайтда менинг ишларим анча яхши бўлиб қолган эди: маҳсулотларимнинг юқори сифатлиги ва нарх-навосининг пастлиги мени анча машҳур қилиб юборган ва мен оддий шароитда зарур бўлмаган нарсаларни ҳам сотишга муваффақ бўла бошладим, булар пойабзаллар учун иплар ва чўткалар

эди. Бу бизнинг гўёки гуллаб яшнаётганимизнинг кўринишига ўхшарди ва хотиним иқтисодийнинг қодаларига тупуриб қўйиб мени хижолатга солувчи иборани ишлатди: «Биз юқорилаб кетяпмиз!». Ахир мен ўз томонимдан совун захиралари тугаб бораётгани, пискалар сони қисқариб қолгани ва ҳатто, чўтка-ю тўрлар захираси ҳам қаноатланишга сабаб бўлмаслигини яққол кўриб турардим.

Руҳий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлиб юрган кунларимнинг бирида стол атрофида жимгина ўтирарканмиз, уйимиз бехосдан зилзила бўлаётгандек силкина бошлади, столнинг қимирлаганидан қолбаса бўлаги менинг ликопчамдан сирғалиб тушди. Мен сакраб турдим ва нима бўлаётганини билмоқчи бўлдим, болаларим эса кулгидан ўзларини зўрға тийиб туришарди.

– Бу ерда нима бўляпти ўзи? – саргузаштларга бой ҳаётимда илк бор ўзимни тутиб тура олмай бақириб юбордим.

– Вальтер, – деди оҳиста овозда хотиним санчқини қўяр экан, – бу ўзимизнинг Волло.

Хотиним хўнг-хўнг йиғларди, унинг кўз ёшлари олдида ожизман, ахир у менга еттита фарзанд туғиб берган.

– Қанақа Волло? – дея сўрадим ҳорғинлик билан. Бу пайтда уйимиз яна бир тебраниб олди.

– Волло бизнинг ертўламизда ўтирган фил, – деди кичкина қизим.

Тўғрисини айта қолай, эсанкираб қолдим. Ўйлайманки, менинг бу довдираб қолганимни тушунишингиз қийин бўлмайди. Шу пайтгача туядан йирик бўлган жониворларга бошпана бермаганмиз, шу боисдан фил учун бизнинг хонадонимиз анчагина кичиклик қилади, чунки давлат томонидан қуриладиган уй-жой бизга насиб этгани йўқ.

Рафиқам ва фарзандларим ҳеч нарса бўлмагандек инқирозга учраган цирк хўжайини ўз филини бизнинг уйимизда сақлашга қарор қилганини менга тушунтира кетишди. Фил биз одатда кўмир туширадиган тарнов орқали хотиржамлик билан ертўлага тушибди.

– У коптокка ўхшаб юмалоқ бўлиб олди, – деди катта ўғлим. – Шунақа ақлли эканки...

Албатта, мен ҳам филнинг ақлий салоҳиятига шубҳа қилганим йўқ ва унинг борлигиға ҳам кўндим ва мени тантанавор ҳолатда ертўлага бошладилар. Фил унча катта эмас экан, у кулоқларини қоқиб турарди, нафсиламбрини айтганда, унга емиш сифатида бир уюм сомон ажратишганидан бўлса керак, бу туришидан мамнунлиги кўриниб турарди.

– Ростдан ҳам ажойиб, тўғрими? – сўради хотиним, бироқ мен бунга жавоб беришни лозим топмадим. «Ажойиб» деган сўз менинг наздимда, фил учун мутлақо тўғри келмас эди. Умуман, оиладошларим менинг бу янгиликни завқ-шавққа тўлиб қаршиламаганимдан таассуфда эди албатта. Ертўладан чиқарканмиз, рафиқам ҳатто менга дакки ҳам берди:

– Қанчалар пасткашлик? Наҳотки, бояқиш жониворнинг арзон гаров сотилиб кетишини истасанг?

– Пасткашлик, арзон-гаров деган гапларнинг нима алоқаси бор? Ким ошди савдоси орқали сотилиши лозим бўлган нарсаларни яшириш ноқонуний ҳисобланади.



– Менга барибир, – дея жаврашда давом этди хотиним. – Жониворни сақлаб қолишимиз шарт.

Ярим кечаси тортинчоқлиги кўриниб турган, тим қора сочли цирк эгаси бизни уйғотди. У яна бир ёввойи ҳайвонга бошпана бера олиш ёки олмаслигимизни билгани келган экан.

– Бу менинг энг охирги бойлигим, сўнгги мулким. Бор-йўғи бир кечага. Айтганча, фил қандай яшаяпти?

– Яхши, – деди рафиқам, – фақат унинг ошқозони мени безовта қиляпти.

– Бу табиий, – жавоб берди меҳмон. – Шароит ўзгариши билан боғлиқ ҳолат бу. Ёввойи ҳайвонлар шунақа таъсирчан бўлишади. Нима қилдик, менинг мушугимни бир кечага олмасизларми?

У менга қараб турарди, хотиним биқинимга туртиб деди:

– Бунақа шафқатсиз бўлмасанг-чи...

– Шафқатсиз? – такрорладим мен. – Яхши, мен раҳмдил бўлишга ҳаракат қиламан, марҳамат, мушукни ошхонага жойлаштиришинг мумкин.

– У ҳозир кўчада, машинада, – деди цирк хўжайини.

Мушукнинг кейинги тақдирини хотинимга топшириб тўшакка қайтдим. Рафиқам ранги сўлиб, ҳатто бироз қалтираган кўйи қайтиб келди.

– Совуқ қотдингми? – дея сўрадим.

– Ҳа, – деди у жавобан, – негадир жунжикиб кетяпман.

– Бу чарчаганингдан бўлса керак.

– Балки шундайдир, – дея менга ғалати қараш қилди.

Тун осуда ўтди. Аммо тушимда ҳам хотинимнинг ўша ғалати қарашини кўрдим ва нимагадир одатдагидан барвақт ўрнимдан турдим. Шунда мен умримда илк бор соқолимни олишга қарор қилдим. Ошхонадаги стол тагида ўртача катталиқдаги шер ётарди. У бамайлихотир ухлар, фақат думининг учи сал-сал қимирлаб худди тўп ўйнаётгандек енгил дукирлаб кўярди.

Мен имкон қадар шовқин солмасликка интилиб юзларимни оҳиста совунладим, бироқ юзимни ўннга буриб чап лунжимни қиртишлашга киришарканман,

шер кўзларини очиб мени кузатиб турганини кўрдим. У нимани ўйлаётганини билмайман, бироқ у мени кузатиб турибди, мен эса соқолимни олишда давом этипман ва ҳатто бирон жойимни кесиб ҳам олмадим, бироқ шуни таъкидлашни истардимки, шернинг гувоҳлигида соқол олиш ғайриоддий таассурот уйғотар экан. Йиртқич ҳайвонлар билан муомалага киришиш борасида тажрибам ниҳоятда оз бўлгани боис шернинг кўзларига тикилиб қарадим, юзимни артдим ва шундан сўнг ётоқхонага қайтиш билан чегараландим. Хотиним уйғонган ва менга нимадир демоққа чоғлана бошлаган эди, унинг оғзини очишига йўл бермай бақирдим:

– Яна нима демоқчисан ўзи?

Шунда рафиқам йиғлаб юборди, ва мен, унинг сочларини силарканман, энди мулойим овозда дедим:

– Ўзинг ўйлаб кўр, ахир бу бироз ғалати эмасми?

– Сенингча, нима ғалати эмас? – деди йиғи аралаш у, мен унга нима деб жавоб беришни билмасдим.

Бу орада қуёнлар уйғониб қолишди, ваннада болалар бир ёқдан, кейин бегемотимиз, уни Готлиб деб атардик, унинг шовқини эшитилди, Белло ҳам уйғониш сари ҳаракатга тушган, фақатгина тошбақа ҳамон уйқуда эди, умуман, у ҳамма вақт ухларди.

Мен қуёнларни ошхонага олиб тушдим, шкаф тагида уларнинг озуқаси кутарди. Қуёнлар шерни ҳидлаб ўтишди, шер эса уларни, болалар эса – улар анча эпчил ва дадил, йиртқич жониворлар билан тил топишиб кетганидан аллақачон ошхонада эдилар. Назаримда, шер ҳам менга кулиб турарди, буни кўрган ёш жиҳатидан учинчи ўғлим дарров жониворга ном топган бўлди: Бомбилиус. Уни шундай аташга қарор қилдик.

Бир неча кундан сўнг шер билан филни олиб кетишди. Шуни қайд этишим жоизки, фил билан хайрлашарканман, бундан хафа бўлмадим, чунки у назаримда бироз бефаҳмроқ эди, бемалолхўжа ва мулойим шер эса юрагимдан жой олганди, Бомбилиуснинг бизни тарк этишидан анчагина хафа бўлдим. Мен унга ўрганиб қолган эканман, у менинг қалбимдан ўрин олган ҳайвонларнинг биринчиси эди.

**Русчадан Ҳусан ЭРМАТОВ  
таржимаси**







**Шахло БОТИРОВА,**  
ЖДПИ аспиранти

## РУҲИЯТ ТАҶМИЛИ

Асардаги қаҳрамонлар руҳиятини очиш, қилмиш ва тутумларининг сабабларини таҳлил этиш орқали китобхон кўнглига йўл топиш ёзувчилар учун энг мушкул ишлардан бири бўлса, ажабмас. Инсон шахсияти жумбоғини ечишга уриниш, ҳаёт моҳиятини англашга, шахс руҳиятини тафтиш ва таҳлил қилишга интилиш – адабиётнинг, хусусан, роман жанрининг ҳам бош вазифаларидандир. «Роман - ёзувчининг олам ва одам, замон ва макон ҳақидаги фалсафаси, ижодкор борлигида роса етилган тафаккур, дунёни англаш концепцияси кўрсаткичи. Роман – ёзувчининг руҳий-маънавий-интеллектуал даражаси ифодаси» дея ёзганди таниқли мунаққид А.Расулов ўзининг “Бадиийлик – безавол янгилик” асарида.

Ўзбек романларида воқеликни фалсафий-руҳий таҳлил ва талқин этиш, қаҳрамон руҳиятининг тубсиз ва қоронғу пучмоқларига назар ташлаш, инсон умрининг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур мулоҳаза юритиш тамойили кучайди. Хусусан, Улуғбек Ҳамдам романларида яшашнинг маъносини ва инсон қалби сирларини англашга интилаётган, аччиқ турмуш гоҳ эзиб, гоҳ четга чиқариб қўйган, ўзини тинимсиз тафтиш этаётган қаҳрамонлар пайдо бўлди. Қаҳрамонлар табиатидаги бундай «ички фаоллик» романчиликда психологик асосни куюқлаштирди, руҳий далиллашнинг зарурият эканлиги кўрсатди.

Ёзувчининг «Мувозанат» номли илк романи миллий тарихимиздаги бурилиш жараёнларини, ҳаёти шундай даврларга тўғри келган инсонлар руҳиятидаги эврилишларни кенг эпик кўламда акс эттира олган «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Лолазор» ҳамда «Отамдан қолган далалар» сингари асарлар қаторидан жой олди.

Роман қаҳрамони Юсуф зиёли, ўз хоҳиш-иродасини, ниятларини озод Ватан тараққиётига чоғлаган инсон, замона зайли билан йўқчилик келтирган хўрлик, зорлик уни турли синовларга солади. Катта

бир олий даргоҳнинг ўқитувчиси бўла туриб ижарада яшаб юрган Юсуф тунда қишлоқдан қайтганда оиласи билан кўчада қолиши асардаги воқеалар ривожидан сюжет тизимини шакллантирувчи конфликт бўлиб кўринса-да, аслида қаҳрамоннинг ўзи яшаб турган давр билан зиддиятга киришувчи қалб кечинмалари ифодаси бўлмиш ассоциатив сюжетда намоён бўлади.

Романда талқин этилган қишлоқ ҳаёти, қишлоқ одамларининг тақдири Одил ака ва Ҳалима ая оиласи мисолида очиб борилар экан, ўтиш даври мураккабликлари янада яққолроқ намоён бўлади. Одил ака ва Ҳалима аяларнинг бағрикенглиги, жафокашлиги, меҳрибонлиги, муносабатларнинг самимийлиги ёзувчи томонидан маҳорат билан тасвирланган. Йўқчилик, ишсизлик учун ўзини айбдордек ҳис қилаётган, шаҳардан келган жигаргўшаларининг олдида картошка палов кўйгани учун истиҳоладан ўртаниб бораётган Ҳалима ая, Юсуф учун бир куйса, Амир учун ўн куйётган жафокаш Одил ака – ўзбек оиласининг, ўзбек сабрининг беқиёс рамзи сифатида гавдаланади.

У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романида ҳозирги ўзбек насрида психологизмнинг етакчи тасвир усулига айланиб бораётганлиги, инсон ҳаётидаги фожиа, исён, мурасасизлик каби зиддиятга тўла ҳолатлар бутун мураккаблиги билан ёритилган. «Мувозанат» романида инсон руҳий оламидаги мавжларни қаҳрамон ботинига кўчириб тасвирлашда маҳорат намуналари кўрсатилган бўлиб, одамнинг барча ҳиссий - интеллектуал реакцияси жонли, эсда қоладиган инсонлар воқеасида акс эттирилган. Романда тасвирланган образлар характеридаги ўзига хос қирралар билан бирга уларнинг руҳиятида баъзи ўхшаш жиҳатлар мавжудки, бу ҳол бир даврда яшаётган шахслар руҳиятидаги универсал хусусиятларнинг инийкоси эканлиги билан қимматлидир.





Акмал САЙИД,  
ёзувчи



# ИНСОН КИМ

Улуғ манбаларда дарж этиладики, энг аввал яратилган инсон ҳазрати Одам Ато эди. Сўнгра унинг жуфти Момо Ҳавво онамиз халқ этилди. Бу муборак жуфтликдан эса бани башар тарқалди. Албатта, бу ҳақда кўп айтилган.

Яратган зот инсонни бунёд этган экан, уни нима учун яратганини ҳам каломи шарифида айтади. Яъни, инсон ўзини яратган зотни таниши ва Унга ибодат ва итоат қилиши учун яратилди. Бу ҳолни ҳазрат Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонининг ҳамд бобида шундай ифодалайди:

*Офаринишдин қилиб инсон ғараз,  
Они айлаб халқ ичинда беаваз.  
Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,  
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб.  
Рози махфий ганж ўлуб бу турфа жисм,  
Сунъидин ул ганж ҳифзиға тилисм.  
Ҳам тилисм ул махзан узра, ҳам амин,  
Офарин сунъунегға, эй жон офарин.*

Инсоннинг кимлиги ва нима учун яратилгани хусусидаги саволларга бундан-да тўғрироқ ва мукамалроқ жавоб йўқ. Аммо шундай бўлса-да, ҳамма замонларда жамиятшунослар, руҳшунослар, инсоншунослар ва бошқа ўнлаб “...шунослар” ҳазрати Инсон тийнати татқиқ этадилар. Бу ҳақда жилд-жилд китоблар ёзилади, илмий ишлар ёқланади. Ва бу изланишлар пировардида яна ўша: “Инсон ким?” деган савол келиб чиқаверади.

Эраимиздан аввал яшаб ўтган қадимги юнон файласуфларидан бири Эзоп асарларидан бирида инсонга қарата хитоб қилади: “Мен сени англолмадим, кимсан, айт! Жавобингни кимдан олайн?” Инглиз адабиёти-

нинг буюк драматурги Вильям Шекспир ёзади: “Ҳаёт – саҳна. Барчамиз мана шу саҳнада ўз ролимизни ўйнаётган актёрлармиз”.

Демак, азалдан Инсон муаммоси энг буюк асарларнинг мавзуси бўлиб келди. Инсон ўз-ўзини ахтариши натижасида минглаб кашфиётларга эришди. Ўзини ахтариши натижасида Ўзликни, яъни ўзини яратган Зотни топди. Зеро, инсонни бошқа яралмишлардан ажратиб турадиган хусусиятларнинг энг асосийси ҳам унинг онги ва тафаккурдир.

Инсон билимларининг ибтидоси – тасаввур. Тасаввур инсонни мушоҳадага бошлади. Мушоҳада эса ўз навбатида ҳақиқатга доялик қилди...

Инсоннинг ўз Яратгувчиси қудратини англай билиши ҳам тасаввур туфайли содир бўлган. Зотан, яралмишлар ичида энг мукаммали бўлган инсон ўз ижодкорининг қудратини тасаввур қилиб кўрмоғи лозим эди. У шундай қилди. Бу Буюк Тасаввур унинг тасаввурларига сиғмади. Чунки Яратгувчи қудратининг бепоёнлиги олдида инсон тасаввурининг кенглиги денгиздан бир томчи эди, холос.

Мана шу изланишлар маълум маънода инсоннинг ўзига ўзини танитди.

Ривоят қиладиларки, бир куни ҳазрат Боязид Бистомийни узоқ манзилдан бир йўловчи излаб келибди. Одамлар ҳазратнинг уйини мусофирга кўрсатиб юборибдилар. Мусофир Бистомий ҳазратларининг дарвозасига бориб, овоз берибди.

– Кимсиз, нима юмушингиз бор? – дебди ичкарида туриб Бистомий ҳазратлари.

– Бистомий жанобларини из-

лаб келган эдим, – дебди мусофир.

Шунда у улуғ зот бошларини чайқаб, айтган эканлар:

*Инсон – Яратганнинг буюк тилсими  
Инсон – Яратганни таниш учун халқ  
этилган  
Инсон – ўзини англаш йўлида кетаётган  
мусофирдир  
Инсон – тафаккур ва тасаввур билан-  
гина инсондир*



– Мен ҳам узоқ вақтлардан бери Бистомийни из-  
лаяпман. Лекин тополмаяпман, тополмаяпман...

Бу ривоят кўхна мозийнинг оддий манзараларидан  
бири бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Зеро, ўтмишда бунга  
ўхшаш воқеалар жуда кўп содир бўлган. Аммо мазкур  
ривоят жуда теран бир ҳақиқатга ишора қиладики, бу  
ҳақиқатни таъкидлаб ўтмасак бўлмас.

Ривоятда Бистомий ҳазратлари излаган нарса ин-  
соннинг ўзлигидир. Бу юксак фалсафа Алишер Наво-  
ий назмида жуда гўзал ифода этилган:

*Эл нетиб топгай мениким,  
Мен ўзимни топмасам...*

Чиндан ҳам инсон ўзини, ўзлигини, тириклик атал-  
миш неъмат унга нима сабабдан тухфа этилганию, уни  
қандай сарфлаш кераклигини англамас, идрок этмас  
экан, унинг яшашидан маъно йўқ.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, у бу-  
гунги кунгача не-не замонлар ва тўфонларни бошидан  
кечирмади дейсиз. Бироқ тан олиш керакки, инсоният  
бугунги кунгача жуда кўп нарсаларга эришди. Айниқса,  
илм-фан бобида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Ўзга  
сайёрлар, ер ости ва ер усти бойликлари тадқиқ этил-  
ди. Гарчи афсусли бўлса-да айтиш мумкинки, бир со-  
нияда минглаб чақирим узоқликлардаги жонзотларни  
йўқ қилиб юборишга қодир қуроллар кашф этилди.  
Буларнинг бари қайсидир маънода инсоннинг ўзини  
топиш борасидаги изланишлари эди. Не тонгки, бу из-  
ланишлар ҳамон давом этмоқда.

Хуллас, инсон ўзининг кимлигини топиши ас-  
носида бахтга эришади. Муваффақиятларга соҳиб  
бўлади. Янги-янги кашфиётларга эришади. Зеро,  
инсон Яратганнинг тилсимидир. Бу тилсим атрофи-  
даги изланишлар эса, то ҳаёт бор экан, давом эта-  
веради.



## БИРИНЧИ УЧРАШУВ



# Гўзалликдан шодланар диллар



**Мадина ҚЎШОҚОВА**

### СОҒИНАМАН ОНА ҚИШЛОҒИМ

*Соғинаман она қишлоғим,  
Чанг-тўзонли кўчаларини.  
Тун чўкканда ойли юлдузи,  
Мусаффо тун кечаларини.*

*Ҳар кун тонгдан бошланади иш,  
Қўй-қўзилар ўтлар далада.  
Шунда ҳамки тугамас юмуш,  
Иш қайнайди кечки паллада.*

*Онахонлар эрта саҳардан,  
Хамир қориб ёпишади нон.  
Сигир соғиб қилишар қатиқ,  
Бекор ўтмас ҳар бир ўтган он.*

*Ҳовлисида экилган гуллар,  
Сув сепилган чор-атрофга.  
Гўзалликдан шодланар диллар,  
Райҳон ҳиди ёқар димоққа.*

### Дилафрўз ҚЎШОҚОВА

#### КАПАЛАК

*Қанотлари сержило,  
Яйраб-яйраб ўйнайди.  
Капалакжон кун бўйи,  
Гул шоҳида қувнайди.*

*Ранг-баранг қанотлари,  
Офтобда хўб товланар.*



*Чиройли либослари,  
Ўзига зап ярашар.*

*Мен улардан кўз узмай,  
Сирларини ҳам билдим.  
Капалакнинг рақсини,  
Дилдан томоша қилдим.*

*Гулдан-гулга ўйноқлаб,  
Жуда соз қўшиқ айтди.  
Атиргулдан уялиб,  
Юзларини беркитди.*

**Қўиработ тумани**



# АЖАБО-О!

Мустақиллигимизнинг энг бебаҳо неъматларидан бири – она тилимизнинг хурликка эришгани, ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаганидир. Аммо бу азиз неъматнинг қадрига ҳамиша ҳам етаяпмиз дейишга баъзан ийманиб қоласан киши. Айниқса, кўча-кўйдаги айрим реклама матнлари, эълонларни кўрганимизда бу ҳол бот-бот кўзга ташланади.

Ўшандай қусурли матнлардан баъзиларини азиз журналхонлар ҳукмига ҳам ҳавола этишни лозим кўрдик.

*«Паррандалар билан бўлган мулоқотдан сўнг кўлларни яхшилаб совунлаб ювиш керак.»*

Парранда гриппидан ҳимояланиш чора-тадбирлари юзасидан чиқарилган ташвиқот варақасидан.

**Изоҳга ҳожат йўқ.**



*“Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф.”*

(Бу антиқа огоҳлантиришни пойтахтимиз кўчаларида қатновчи, деярли барча йўналиш таксиларининг куйруғига ўқлогдай-ўқлогдай ҳарфлар билан битилган).

**Изоҳ.** Ё, пирай, энди йўловчилик учун ҳам лицензия олиш керак бўлибди-да?!

**MEN SOG'LOM SUTNI ICHAMAN!**

*«Мен соғлом сутни ичаман.»*

(Бу ғаройиб сўзларни шахримизнинг гавжум жойларида, жумладан, барча бекатларда учратиш мумкин).

**Изоҳ.** «Соғлом» сут қанақа бўларкан? Балки УЗИ (ультратовушли) апаратига тушириш керакдир?.. Ҳар қалай «носоғлом» сут... одамни кўр-қитади-да...

*«Севги билан ейинг!»*

(Биз севиб истеъмол қиладиган «Coca-sola» ичимлиги идишидаги ёрликдаги сўзлардан).

**Изоҳ.** Бу даъватдан сўнг нима-нидир «севги билан» ютоқиб «ейи»-шимиз керакдир? «Coca-sola»ни еб бўлармикан? Ё, бунда бошқа ўта чуқур мазмунли гап бормикан?

Нима бўлганда ҳам бизнинг ақлимиз ожизлик қилди.

